

*Ленин мукофоти лауреати Гафур Ғулом
80 йиллигига бағишланади.*



ҒАҒУР ҒУЛОМ
Фарзандларимга

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитети
«Еш гвардия»
нашриёти
1983

Редколлегия:

С. Азимов, Зулфия, Н. Нарзуллаев,
П. Мўмин, В. Рўзиматов, О. Ғуломова

Нашрга
тайёрловчи

В. Рўзиматов

Сўнгсўз
муаллифи
профессор

Н. Шукуров

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1983



**Жонимдан ширин кўрган болаларимга атаб
Тонготарлар қиссаси шу китобни ёзолдим,
Бир зарра офтобдир уйга кирган ҳар китоб
Ва қўлимдан келганча гулларни ўтқазолдим;
Арғувон япроғидек саҳифасин варақлаб,
Рангин томоша қилиб димоғингиз бўлса чоғ,
Шоир отамиз ёзган, десангизу ардоқлаб
Мен ҳам ҳар қўш варағда сизга очаман қучоғ.**

1948

ЧАРОҒЛАРИМ— ҚАРОҒЛАРИМ



Нужда карав элени берди
Азиз фуруқатда халқни шонлар
Миллийлик унаб
Секкиликлик



Бахтли болалик

ФЕЛИКС БОЛАЛАРИ

Биз одам боласимиз,
Одамнинг доносимиз,
Биз ўсиб улғаямиз,
Олим бўлиш — гоямиз.

Бизни етим қолдирган
Босмачиларга лаънат!
Фирқа бизга раҳбардир,
Шўро қилур ҳаракат.

Ленин бизнинг отамиз,
Биз сезамиз ҳаммасин,
Елкамизда қўлини,
Юзимизда нафасин.

[1923]

АВЛОДЛАР

Улуғ Ленин наслининг
Кичкина фарзандисан.
Келажакнинг эгаси,
Фарзанди — дилбандисан.

Гарчанд ҳали кичкина,
Ўн-ўн бир бўлди ёшинг.
Минг йилларнинг кўкида
Болқир сўнмас қуёшинг.

Манглайинг толеингнинг
Портлаб турган ойнаси.
Сенинг учун очиқдир
Кенг жаҳоннинг сийнаси.

Тоза ҳаво, тоза сув,
Озод Ватан сеники,
Ёп-ёруғ мактабларда
Илм ва фан сеники.

Осмонда учар бўлсанг,
Тайёр пўлат қанотинг.
Кундан-кунга мавж уриб,
Гуллайди шод ҳаётинг.

Бўйинингдаги галстук
Алангалайди гулхандай.
Гуллаган мақсадларинг
Баҳмал қирда чамандай.

Сенга оға комсомол,
Қўлинг тутиб йўл бошлар.
Каттакон оилада
Ака-ука, йўлдошлар.

Сиз икков бахтимизсиз,
Ўлим билмас зўр авлод.
Ва сизнинг қўлингизда
Бу Ватан бўлур обод.

*Тошкент,
1947 йил, 12 январь*

ЎРИНБОСАРЛАР САЛОМИ

Ленин ўғли комсомол
Бугун шафақ билан тенг —
Ўттиз ёшли баркамол,
Коммунага борар йўл.
Ёл-ёруғ, мусаффо, кенг,
Сиз билан очиқ жамол,
Қуёшнинг тиғи заррин
Ғалабалар — илғори —
Байроғимизга даста,
Тонготар ели майин
Олтин уқа сингари
Уфқларга пайваста.
Улуғ партиямизнинг
Содиқ ўринбосари,
Ҳаёт сабабкорлари,
Бугун ва эртамининг
Енгилмас лочинлари,
Норлари, шунқорлари,
Сенга салом айтади
Ленин пионерлари.
Ленин бобонинг иши
Ва халқимиз иши-чун
Биз ҳамиша тап-тайёр.

[1948, октябрь]

УЛУҒ АКАМГА

Уфқдан қуёш болқиб,
 Упган пешона учун,
Ёш юрак ошиқади
 ВЛКСМ нишони-чун.
Ҳали ўзим ёшману
 Оламча ғурурим бор.
Чунки бу гўдакликка
 Ленин берган эътибор.
Партиямнинг йўлдоши
 Улуғ оғам комсомол.
Ўттизга тўлди ёшинг,
 Ўттиз минг йил омон бўл!
Бўйим чўзилиб қолди,
 Синфимизда аълочи.
Акажон, шу нишонни
 Бир тақиб кўрайин-чи;
Албатта ярашади,
 Ўз ўғилмен Ватанга,
Этигинг кийиб кўрдим,
 Бориб келувдинг жангга.
Ярашади, дедим-ку,
 Ярашади бекўст-кам.
Яъни қаторингизда
 Қад кўтараман мен ҳам!
Еримиз обод бўлур,
 Ота-она шод бўлур,
Бизга қасд қилган душман
 Тез аро барбод бўлур.
Коммунизм тонгидир
 Менинг ўсиб етганим.
Офтобни эритиб,
 Шу сўзларни битганим.

*Тошкент,
1948, 31 март*

БАХТЛИ БОЛАЛИК

Бизнинг улуғ Партия
Посбон бўлган Ватанда
Кишилар саодати
Яшнар мангу чаманда.

Халқ омон, меҳнат омон,
Бахт омон, Ватан омон,
Халқлар тилаги кулган
Тинчлик барқарор замон.

Оилалар саломат,
Қайга қарасанг — обод.
Халқимиз қудрати-ла
Қилмоқда чаман ижод.

Шу ўғилча улғайиб
Камолига етгунча,
Коммунизм замони
Кулиб турар гул гунча.

Роҳати умримизни
Халқлар қилишар орзу,
Бахтиёрлар Ватани
Ҳар томон сочар ёғду.

[1951, август]

АЗИЗ АВЛОДЛАРИМИЗГА

Саватдаги қулупнай
Офтобдай ранг ила,
Ҳамма қушлар чалиб най,
Боғларда жаранг ила —
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

Тоғнинг ёнбағирлари
Арчазорлар — гулшандир,
Қирлари, адирлари,
Ҳарна борки, равшандир,
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

Аъло фарзандлар учун
Аъло дам олмоқ керак.
Аъло олганингиз-чун,
Чимёндаги минг терак
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

Сиздай шўх тайлоқларни
Ўқитганга ташаккур,
Ўтлоқда тойчоқларни
Эркалаш сизга ғурур,
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

Сайру саёҳат қилинг,
Жонажон Ватан бўйлаб,
Қувонинг, роҳат қилинг,
Дарёларни бўй-бўйлаб,
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

Катта бўйга етганда,
Отамиз ёзган, дейсиз.
Яна минг йил ўтганда,
Бу конни қазган, дейсиз.
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

«Артек»нинг тўлқинидай
Лагерларнинг байроғи,
Ленинград кунидай
Ҳамма боғлар чароғи,
Сизни кутиб турибди,
Азиз авлодларимиз!

Москва ҳам кутади
Сиздай яхши авлодин,
Атайлаб гул тутади,
Лениннинг улуг ёдин,
Сиз деб жаҳон қурибди,
Азиз авлодларимиз!

1954, май

СИЗ МЕНИНГ ЁШЛИГИМСИЗ

Ўлмас келажагини яхши кўрган одамлар
Сиздек набираларин қолдиради нишона.
Яна йил кўкарай, деб тўкилади бодомлар,
Сочим оқарганлиги боболикдан нишона.

Кўзимнинг равшанлиги кўзингиз тушганидан,
Белимнинг қувватидир сиздаги расо қомат,
Қалбимдаги тўлқинлар қалбингиз жўшганидан,
Сизнинг қонингиз билан бағримдаги ҳарорат.

Бир қатор айтаверсам, минглаб йил керак бўлур,
Халқимиз шуқуҳининг олтинранг қиссасини.
Бинафша япроғи ҳам қуёшга тирак бўлур,
Ўз қўлига оларкан бу ҳаёт ҳиссасини.

Кўнглимда баҳоримсиз, тонготар наҳоримсиз,
Қатра-қатра булоқдан ташналик қондиргандек.
Чиннидек тоза бўлган асли беғуборимсиз,
Менинг жаҳон бойлигим, нақдимсизу боримсиз.

Келажак сизникидир, ишончим тоғдан баланд,
Қарағайдай ўстирдим, суянчиғим бор менинг.
Бўгин-бўгин меники, томирим сизга пайванд,
Шунчалик қудратимсиз, ишонч, эътибор менинг.

Уйимда чароғимсиз, уй усти байроғимсиз,
Кўзимда қароғимсиз, яшнаган япроғимсиз.
Бисотимда не бўлса давлатимсиз, бахтимсиз,
Набирам, болаларим, тўполон ўртоғимсиз.

Қўш-қўша кўзойнак-ла газетангиз ўқидим,
Қалбимга сингиб кетган улуг Ленин учқуни.
Пешанангиздан ўпиб шу шеъримни тўқидим,
Кўзимда қувонч ёши — юрагимнинг тўлқини.

1956

ЛЕНИН НАБИРАЛАРИ

Биз Ленин авлодимиз
Зарра-зарра қон билан,
Тинмаган-тинчиманган
Шу ўйноқи жон билан.
Лениннинг барча сўзи
Дилимизга ёқади,
Китоблар оша ўзи
Зеҳнимизга оқади.
Ленин, ҳаммадан афзал
Бобокалон кишимиз,
Айтганларини аввал
Бажармаклик ишимиз.
Мактабда, уйимизда
Қараб турар сурати,
Ўқишда, куйимизда
Доим Ленин суръати.
Ленин каби тўғри сўз
Бизга бободан мерос,
Ерга боқмайдиган кўз
Ленин авлодига хос.
Биз боғлаган галстук
Лениннинг байроғидан,
Ақлимиз кундай етук
Лениннинг чароғидан.
Боболар қувонади
Айтганини бажарсанг,
Ленин яшар абадий
Қалбимизга ҳамоҳанг.
Владимир Ильичнинг
Чароғини ёқамиз,
У бошлаган зўр йўлдан
Келажакка боқамиз.

1957, апрель

ДУСТЛАРНИ ЧАҚИРИНГ ЧАМАНИНГИЗГА

Чиллаки ранг олди, демак саратон,
Ям-яшил кўчатлар кўкка бўй чўзар;
Қумрихон, Олмосхон, Яҳё, Аҳмаджон
Эрта фестивалга қилади сафар.

Ҳаммаси меҳнаткаш, қувноқ, элсевар,
Офтоб уларнинг яноғи каби.
Текстилькомбинат қизидек чевар,
Уч миллион пахтаинг чаноғи каби.

Самарқанд олмадек бетлари қизил,
Андижон болидай сўзлари ширин.
Келажак уларнинг умрига маҳтал,
Қай бирин айтайин, айтинг, қай бирин?

Аму бўйларида талай қизим бор,
Сочининг исидан Орол ҳам хушбўй,
Ўзбек осмонида йирик юлдуз бор,
Совет байроғининг юлдузидир бу.

Наманган гилоси қуралай кўздай,
Қува анжирлари бағридай юмшоқ.
Ҳамма мақтовларим қўқонлик сўздай,
Шеърим ёқармикан, кичкина ўртоқ?

Қоракўл теридай барра сочингни
Силаб эркалайман, қадим Бухоро.
Ленин боласидай ёз қучоғингни,
Сўнмаган юлдузсан юлдузлар аро.

Азиз болаларим, мунча яқинсиз
Кўзимга, сўзимга, сиздай дилимга.
Сирдарё сувидай тинмас оқинсиз,
Улуғ фойз сизники обод элимда.

Оқ олма пишибди, келинг, болалар,
Қўйнингиз тўлганча узиб берайин.
Ғоятда сахийдир бизнинг далалар,
Ҳеч қачон қайтармас кишининг раъйин.

Соат икки бўлгач, Юнус акамнинг*
Классик куйлари радиодан келар;
Комсомол кўлида гавжум, кўркамлик,
Чўмилиб олайлик бир дам, дам керак.

Унгача Янгиер саёҳатига
Машина бензинин тўлдириб олсин.
Ким халал беради жон роҳатига,
Майли, кўйлагингиз бир четда қолсин...

Бир кунда айланмоқ мумкин ҳеч эмас
Совет Шарқидаги Ўзбекистонни.
Иқлим яратади сиздаги нафас,
Умид қамрагандай бутун жаҳонни.

Ўзимиз шу ерлик, меҳмондўст авлод,
Дўстларни чақиринг чаманингизга;
Отам шу ерда денг, мен ҳам бўлай шод,
Бир даста гул бўлинг Ватанингизга!

1957, июль

* Композитор Юнус Ражабий. (Автор эскартиши).

БАХТИМСИЗ, ХАЗИНАМСИЗ

Қалбимдаги қувончни
Нимага тенглай экан?
Амунинг кучигами?
Ундан ҳам шарқироқдир.
Юракдаги ишончни
Нимага тенглай экан?
Қуёшнинг нуригами?
Ундан ҳам ярқироқдир.
Хаёлим тезлигини,
Умидим кенглигини
Ернинг йўлдошларига
Ухшатсам, ундан баланд.
Мен ўзим Партиямнинг
Кичкина йўлдошиман,
Бутун борлигим билан
Ҳамиша унга пайванд.
Дадам баъзан эркалаб,
Улғайиб қолдинг, дерлар.
Ўзим ҳар кун эрталаб
Бўйма-бўй ўсгим келар.
Булоқбоши чинорин
Ўртоғим деб атадим,
Икки дўст ўсмоқдамиз,
Кўкламдай одим-одим.
Баъзан синфимизда
От талашиб қоламиз.
Кўп номларни айтишда
Гоҳ адашиб қоламиз.
Бирининг исми Қўчқор,
Бирининг исми Тўқли,
Номимни сўрасангиз,
Туғма пахтакор ўғли!
Йўлдош ҳам дея беринг,
Эргаш ҳам дея беринг,
Жўра ҳам дея беринг,
Тухфа ҳам дея беринг.
Меҳнатнинг йўлдошиман,
Отамнинг эргашиман,
Халқ ишин жўрасиман,
Ҳамманинг тухфасиман.
Шу кичкина ёшимда

Бахт ўйнайди бошимда.
Меҳнатим лаззати бор
Луқма ҳалол ошимда,
Мен тикишиб берганман,
Мен экишиб берганман.
Ота-онам бағрида
Мен теришиб берганман.
Нега ҳам қувонмайин,
Лабим кулгу истаса,
Бахтимнинг ўзи келиб,
Юр, деб мени қистаса?
Мен халқимга қўшилиб,
Шовқин-тўполон билан,
Катта пахта байрами
Бир бутун жаҳон билан —
Ҳаммамиз Қизил майдон
Ўртасида турганда,
Бирданига радио
Оламга берар хабар,
Тошхон, Олмос, Мукамбар,
Олимжон, Равшан, Қамбар
Байрамда ўйнаб берсин,
Булар яхши пионер.
Аноржон ўзи-ўзи,
Бошида йўрмадўзи.
Йўрмадўзи ярашган,
Онасига қарашган.
Йўлдошнинг тойи қашқа,
Ўхшаб кетар қуёшга,
Дадаси-ку теради —
Йўлдан тергани бошқа.
Қиз деганинг қалдирғоч,
Ўрай-ўрай қора соч,
Шоир отанг ёзганда,
Жигарим китобингга,
Ҳой, болалар, болалар,
Бахтимсиз, хазинамсиз,
Умидимсиз, севгимсиз.
Ҳой, болалар, болалар,
Қалбимга уй қурингиз,
Ҳар тўртта хонасида
Шовқинли куй қурингиз.

1957, декабрь

ХОНДАМИР КУЙЛАЙДИ

Кун кеча комсомолнинг
Қирқ ёшени тўй қилдик,
Оғамизга яраша
Ўйин қилдик, куй қилдик.

Кремль саройида
Гулдасталар тутқаздик,
Бағримиз чаманига
Кўк арчалар ўтқаздик.

Бирор пионер борми,
Унда ҳавас бўлмаса,
Комсомол бўлмоқ учун
Ният, ҳавас бўлмаса!

Ишчи-колхозчиларнинг
Чин ўғил-қизларимиз,
Коммунист оталарнинг
Кўкрак юлдузчасимиз.

Бугун улуғ Октябрь
Қирқ бир ёшига тўлган.
Учинчи бўғинларнинг
Ақли бошига тўлган.

Ота, ака, опаи —
Пахтакор даласида,
Шонли меҳнат жаранглар
Пионер ялласида.

Коммунизм асрига
Қурилганда пойдевор,
Шу қатор, қатор, қатор
Сафда пионер ҳам бор.

Қип-қизил байроқ билан,
Онг билан, билим билан
Бормоқдамиз илгари,
Ота-боболаримиз
Қирқ бир йил бундан бурун
Одимлаган сингари.

1958, ноябрь

ДАДАМ ВА МЕН

Атрофда одамлар кўп,
Жуда яхши одамлар.
Шу одамлар ичида
Чиройлиги дадамлар.

Қиладиган ишлари
Вокзалнинг берёғида,
Жуда катта заводда,
Салорнинг қирғоғида.

Ўзлари катта ишчи,
Ҳаммага ёқадилар,
Жиндай қайрилтирмасдан
Михни ҳам қоқадилар.

Кўп ишни биладилар,
Жилмайиб куладилар.
Бир куни радиомизнинг
Узуғин уладилар.

Мўйловлари қоп-қора,
Тишлари оғримайди.
Дадамнинг аррасига
Укаларим тегмайди.

Дам олиш кунларида
Анча ўтин ёрамиз.
Ошни дарров еймиз-да,
Бирга паркка борамиз.

Морожнийлар оламиз,
Пуфакчалар оламиз,
Маза қилиб чўмилиб
Уйга қайта қоламиз.

Дадам-ку яхши киши,
Мен ҳам шундай бўламан.
Дадамлар билмайдиган
Қизиқ ишлар қиламан.

Бир кун Ойга учамиз
Гулнора, Турсун, Ҳамид.
Унда ҳайдаб юрамиз
Тепкили велосипед.

1960, февраль

БОБОМИЗ БИЗНИ СЕВГАН, БИЗ ҲАМ УНИ СЕВАМИЗ.

Ўзлари қуёшдан ҳам
Нуроний бўла туриб,
Улуғ бобомиз бизни
Доим қуёш, дердилар,
Инсон учун офтобдай
Ярқироқ замон қуриб:
— Ер юзи халқларига
Қуёш йўлдош, — дердилар.
Биз — бобога набира,
Нурга тўймаймиз сира.
Кўкламларни, нурларни,
Водийларни, қирларни,
Чўллаган ҳар чаманни,
Чамандай шу Ватанни,
Ирмоқлар оқиб ётган
Хиёбонли йўлларни,
Тўлин ой балқиб ётган
Кумуш тўлқин кўлларни,
Севсалар қанча-қанча,
Биз ҳам севамиз шунча.
Меҳнаткаш кишиларни
Ҳурмат қилар эдилар.
Жонажон ишчиларни
Иzzат қилар эдилар.
Севардилар тинмагур
Соҳибкор деҳқонларни,
Севардилар ўру қир,
Дон тўла хирмонларни.
Биз ҳам улуғ бободек
Севамиз худди жондек.
У киши ер юзида
Барча халққа отахон,
Айниқса биз ёшларга
Жонажон ва меҳрибон.
Синфда бизга боқиб:
— Болалар, ўқинг! — дейди.
Аъло ўқинг, саз ўқинг,
Ўқишни уқинг! — дейди.
Бизни севган бобомиз,
Биз ҳам уни севамиз.
1960, апрель

ЯНГИ ЗАМОН САРИ

Улуғ байрам олди — Октябрь олди,
Каттакон майдонда тантана, сбор.
Горн садолари уфқни ёрди,
Истиқбол кўринди кўзга беғубор.
Кун кеча улуғвор тарихимизга
Муқаддас янги боб очган съездда,
Онгимиз, зеҳнимиз — шууримизга
Офтоб нурларин сочган съездда
Эндиги замоннинг бутун измини
Ёш авлод йўлига қилинди тақдим;
Биз қурган муборак коммунизмни —
Насллар қўлига қилинди тақдим.
Бир йигит умрича фурсат ўтади,
Инсонлар мунтазир замон келади.
Коммунизм асри сизни кутади,
Биз унда яшаймиз, доим, абадий!
Ленин идеяси йўлидан борган
Улуғ инсоният бўлди бахтиёр.
Ленин орзулари тимсоли бўлган
Покиза наслимиз, авлодимиз бор.
Авлодлар сафи бу — қўймоқда қадам,
Колонна кетмоқда Қизил Майдонга.
Партия азмидек голиб, мустаҳкам —
Қизил Майдон оша Янги замонга.

1961, ноябрь

БИЗНИНГ АСРИМИЗ

Дадам тушиб поездга
Кетгандилар съездга.
Куни-кеча қайтдилар,
Ҳаммасини айтдилар:

— Минг-минг одам тўпланди
Янги кўркам бинога.
Рус, латиш, ўзбек, ҳинди
Шу мустаҳкам бинога.

Ҳамма «товариш», «ўртоқ»,
Ҳамма «биродар», «брат»,
Ранги қора, сариқ, оқ,
«Привет», «салом», «раҳмат».

Қўл олиб кўришамиз,
Юзларда шодлик, кулги.
Бир-бирин тушунамиз,
Коммунистлармиз чунки!

Мамай ҳам, Иван шунда,
Саодат, Наташа ҳам.
Мустаҳкам, Хван шунда,
Сафлар бузилмас, маҳкам.

Юксакда улуғ Ленин
Бизга кулиб боқмоқда.
Нурларга тўлиқ Ленин
Қалбимизга оқмоқда.

Ҳамма ўз юрагини,
Умидини сўзлайди.
Ярқироқ тилагини,
Орзусини кўзлайди.

Қайси тилда айтмасин,
Гаплари тушунарли.
Биз англаймиз ҳаммасин,
Ҳужжатли, ишонарли.

Ер юзида золимлар
Ҳеч бўлмасин, демоқчи.
Етим-есир мазлумлар
Эзилмасин, демоқчи.

Бирор халқнинг ватанин
Зўрлар эгалламасин,
Кишиликнинг чаманин
Ваҳшийлар топтамасин.

Ўз муборак уйида
Ҳамма халқ тинч яшасин,
Озод меҳнат куйида
Неъматларин ошасин.

Босқинчи жаҳонгирлик
Ер юзидан йўқолсин.
Қулдорлик ва қонхўрлик
Из-изидан йўқолсин.

Ҳаммасининг сўзида
Инсонлик ғурури бор.
Ҳаммасининг кўзида
Лениннинг шуури бор...

Дадам гердаиб сўзлар,
Делегат у, ҳаққи бор:
— Ҳей, ўғиллар, ҳей, қизлар,
Бизлар қандай бахтиёр!

Советлар Ватанида
Қурдик шундай замона.
Ер юзи чаманида
Ўхшаши йўқ ягона.

Коммунизм қасрини
Сизларга атаб қурдик.
Саодатлар асрини
Бахтимиз томон бурдик.

Сиз шу қутлуғ замоннинг
Граждани, наслисиз.
Сиз эндиги жаҳоннинг
Худди кўркам фаслисиз.

Съездимиз ёқлаган
Программа шудир.
Қуёшдай ярақлаган
Программа шудир.

Программа демак —
Келажакка йўл-йўриқ.
Программа демак —
Онг, меҳнат, ҳаққу ҳуқуқ.

У бутун мазмун билан
Инсонники — бизники.
Қудратли якун билан
Ёппаси кундузники.

Ленин идеясининг
Енгилмас намойиши,
Бутун инсониятнинг
Ажралмас жондош иши.

Сенинг саодатинг ҳам
Боб-бобида яширин.
Насл-насл, соф, кўркам
Яшамоқ қандай ширин.

Ленин таълимоти-ла
Ярқираган онгимиз.
Улуғ Ленин оти-ла
Равшан бўлур тонгимиз.

Отам иштиёқ билан
Сўзларди, кўзи чақин.
Менинг учун келажак
Кўринди ғоят яқин.

1961, ноябрь

ИЛЬИЧ АВЛОДИГА

Тонг чоғида тип-тиниқ фикрим —
Шууримнинг тўлиқ ижоди,
Сенга бўлсин энг етук шеърим,
Владимир Ильич авлоди!

Ёдимдадир қирқ йил илгари
Бу Ватанда сен кўтардинг қад.
Чамандаги гунча сингари
Сўлим эдинг, ёш эдинг беҳад.

Бошингизни аввал силади
Шафқат билан Надя* бувингиз.
Қалбингизга қалбин улади,
Сизлар гўдак, содда эдингиз.

Билмас эдинг галстукни ҳам,
Боғлар эдинг наридан-бери.
Аmmo кўзлар чақнарди кўркам,
Нақ ўрмоннинг бир бола шери.

Туғилдингу сафга қўшилдинг,
Ленин бобо айтгандек бўлди,
Ёмғир бўлиб кўлга қуюлдинг,
Инқилобий бағримиз тўлди.

Коммунистлар — мард оталаринг
Улуғ тўлқин ичра жанговар,
Комсомоллар — мард оғаларинг,
Улар билан кетдинг баробар.

Ўқиб кўринг олов йилларнинг
Курашларга тўла қиссасин.
Пионерлар — жўшқин дилларнинг
Бу курашга қўшган қиссасин.

Ҳалок бўлди Павлик Морозов,
Ватан, деди, қон аямади.
Талай ўғлон жангда қон сузиб,
Ғалаба деб, жон аямади.

* Надя — Надежда Константиновна Крупская (Автор эскартиши.)

Партиямиз ҳар иш бошласа,
Совет халқи қўзғалар тоғдай,
Пионерлар халқ билан бирга
Дарёларга ёндаш ирмоқдай.

Беш йилликлар қолди орқада,
Гигантларни қурган паҳлавон.
Сен бор эдинг ишчан ўртада,
Пионер, деб номланган ўғлон.

Ҳалигача улуғ Ватанни
Безатишда қилдинг иштирок.
Ўз қўлингда унган чаманнинг
Ҳар ғунчаси қалбинг каби пок.

Ҳа, дегунча қирқ йил ҳам ўтди,
Кундан-кунга топдинг етуклик,
Коммунизм асри ҳам етди,
Манглайингда бахтинг битуклик.

Шу муборак замонни қуриб,
Унда яшаш сенинг насибанг.
Сенда тиниқ идрокни кўриб,
Жаҳон олсин шуурингдан ранг.

Сен инсонлар доно устоди —
Улуғ Ленин фарзандидирсан.
Навқиронсан, замон авлоди —
Коммунизм пайвандидирсан.

1962, май

ҚУЁШНИНГ ЁРУҒЛИГИ БАРЧА ХАЛҚҶА БАРОБАР

Биз яшаган ер юзи
Жуда катта дастурхон,
Олам тўла неъматдан
Тўяди аҳли жаҳон.

Қуёш ўз ёруғлигин,
Туганмас ҳароратин
Барчага тенг улашар,
Ўзгартирмай одатин.

Ош тузининг мазаси
Барча халққа баробар.
Тузсиз овқат емайди
Ҳинду хитой ҳам авар.

Туздан минг қатла ортиқ
Сувнинг ҳурмат, ҳиссаси.
Ердаги тирик жоннинг
Сув аввал насибаси.

Сувсиз яшай олмайди
Қимирлаган бирор жон,
Сувга ҳуқуқда тенгдир
Ўсимлик, ҳайвон, инсон.

Нафас олмоқ ҳуқуқи
Жонлиларга шериклик.
Ҳавосиз, кислородсиз
Мумкин эмас тириклик.

Қуёшу сув, ҳаво, туз,
Она ер — демак ҳаёт.
Барчасидан баҳраманд
Тенг ҳуқуқли одамзод.

Инсонлар оқу қора,
Сариқ бўлиши мумкин.
Аммо ердаги неъмат
Теп-текисдир, теп-текин.

Ҳавою сув сингари,
Офтоб нури каби
Озодлик ҳуқуқи ҳам
Халқниқидир азалий.

Ҳар кишининг ўз туққан
Азиз она-Ватани,
Тинчгина бошпанаси,
Оиласи, чамани.

Ҳар кишининг кўниккан
Эркин-озод меҳнати,
Дўстлари, қариндоши,
Бир-бирга муҳаббати.

Ҳар оила ўчоғин
Ўти, нони, қозони,
Бахти ва истиқболи,
Умиди ва жаҳони.

Ҳар бир озод кишининг
Ўз фикри, ўз ишончи.
Жумла инсонларга хос
Китоби ва таянчи.

На бировни қул қилур,
На бировга бўлур қул.
Ҳамма одам ёру дўст,
Қайғусиз ёруғ кўнгил.

Тезда шундай бўлади,
Шундай замона яқин.
Ғоят ёруғ йўл томон
Борамиз оқин-оқин.

Инсонлар бир-бирига
Берар шундай хушхабар:
Қуёшнинг ёруғлиги
Барча халққа баробар.

1962, август

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

Улуғ байрам, энг олдинда жасур байроқдор,
Ёмғир ювган лола юзи каби беғубор!
Гердайиб мен ҳам,
Колонналар қаторида кетгум келади.

Арғумоқлар ўмров кериб майдондан ўтар,
Қўшиқлардан бутун шаҳар гулдираб кетар.
Қўшилиб мен ҳам,
Ғалабанинг маршин бирга айтгум келади.

Танкларнинг туёқлари ерга ботаркан,
Командирга суқим кириб қараб қоламан.
Тезроқ улғайиб,
Шу қаторда бўй ўлчашни қиламан орзу.

Ҳавасларим қанотланиб кўкка учади,
Баъзан ётиқ, баъзан текис тикка учади,
Баъзида ғойиб,
Самолётлар — кумуш ғозу осмон — океан сув.

Замбараклар аждар каби чўзар ҳалқумин,
Тинчлигини сақлаш учун улуғ халқимнинг
Гаров ҳар бири,
Ҳар бир ўқи ёв кўкида чалиб ўтар марш.

Бошланади, тайёрланинг, азамат парад,
Бўйлар — бўйга, сафлар — сафга, текис бўлсин ряд!
Бир! Икки! Уч!
Колонналар илгарига, қани, шагом марш!

Халқ ўтади, улуғ совет халқи ўтади,
Унинг севган ботирлари, унинг отряди,
Унинг дўстлари,
Ўтар улуғ партиянинг эрлари қатор.

Ёш юракнинг қувончини айта олмайман,
Эй, қаторлар, мен ҳам сиздан кетда қолмайман,
Ваган постлари,
Ёшман, аммо ўғлонингман, мана мен ҳам бор!

*Тошкент,
1941 йил, 30 апрель*

ЯНГИ ЙИЛ ҚҰШИҒИ

Боғчамизнинг арчаси,
Ярқирайди дарчаси,
Мунча ҳам ширин экан
Янги йилнинг кулчаси!

Барра пўстин қўзичоқ,
Кўзлари шиша мунчоқ.
Пўлат пружинаси бор,
Турли-туман ўйинчоқ.

Бир, икки, ўн олти,
Ўн олти деб ким айтди?
Тишим бир тушиб чиқди,
Ёшим саккизга етди.

Олмос, Назми, Нурзода,
Китобимиз озода.
Эрта кўклам бўлади,
Қўшиқ айтар шаббода...

Лайлак келиб, ёз бўлур,
Қаноти қоғоз бўлур.
Аъло ўқувчи қизнинг
Ахлоқи ҳам саз бўлур.

Маржонимни тизаман,
Ўйнаб-кулиб кезаман,
Ленин бобомнинг расмин
Дафтаримга чизаман.

Бизнинг уйда шу кеча,
Радио чалди тонггача
Шунда келиб Қорбобо
Қутладилар менгача.

«Оплоқ қизим», дедилар,
«Юмшоқ қизим», дедилар,
«Яхши ўқиб, униб-ўс,
Бахтли қизим», дедилар.

Уттизгача санаЙман,
Йигирма ҳарф танийман.
Қулупнай пишганича
Мақтабимдан қолмайман.

Жон арчажон, арчажон,
Янги йил сенга маржон.
Бу йил бир йил қўшилди,
Ўнга кираман қачон?

1946 йил, 31 декабрь

БИЗНИНГ БОҒҚА КЕЛИНГЛАР

(Ғалаба кувининг қўшиғи)

Узоғ кўклам қўлим билан
эккан эдим шафтолу,
Бу баҳорда гуллар очди
худди бахмал чамандай.
Бизнинг боғда ўйнашайлик,
ҳаво хушбўй, салқин сув,
Чамандагул дўппи каби,
катталиги Ватандай.
Ўша йили сочим эди —
оқ пиликли жамалак.
Бу йил энди белга тушди,
қошим ойдек камалак.
Дадам омон-эсон келган —
икки йилга тўй қилиб,
Жуда яхши қурчоғим бор,
унга гулдан уй қилиб,
Жон ўртоқлар, бизга келинг,
учишамиз ҳалунчак.
Қуда-қуда ўйнашамиз,
келин-келин, келинчак.
Оқшомгача қўл тутишиб,
боғчада ўйнашамиз,
Биз яшаган замоннинг
қўшиғин куйлашамиз.

*Тошкент,
1947 йил, 8 май*

КИЧИК ДЎСТЛАРГА

Ҳамиша порлаб турган
Бошинг устида қуёш.
Сенга хушхабар берар:
— Ёшингга қўшилди ёш.

Элик биринчи йилдир
Гўё чинни кабутар,
Ер юзи халқларига
Берар тинчликдан хабар.

Сен ҳам соғу саломат
Ўқишда қилиб давом,
Ҳамма қилар ишингда
Лениндан олиб илҳом,

Йилларни ойларга бўл,
Ойни ҳафта, кунларга,
Ҳар кунни бўлиб ташла
Энг аъло якунларга.

Соат-соат қувониб,
Қарай бўйи-бастингга.

Янги йил қутлуғ бўлсин,
Азиз ўғиллар, қизлар.
Улуғ Ленин йўлини
Босувчи авлод сизлар!

1950, декабрь

КАПТАР УЧАР, ҒОЗ УЧАР

Ўз юртимиз, боғимиз,
Ўз водиймиз, тоғимиз,
Ўз қутли чароғимиз
 Ҳамиша бўлур омон.

Катта-кичик баримиз,
Тинчликнинг аскаримиз.
Шу оппоқ каптаримиз
 Учиб ўтади жаҳон.

Оқаётган тиниқ сув,
Уйимиздаги кўзгу.
Лабимиздаги кулгу —
 Бахтимиздан нишона.

Доимо кўркам бўлур,
Яхшиликлар зам бўлур,
Тинчликда маҳкам бўлур
 Бизни туққан замона.

Отамнинг шараф ишин,
Онамнинг ҳар юмушин,
Синглимнинг садаф тишин
 Қўриқчиси ўзимдир.

Каптар учар, ғоз учар,
Самолёт кўп саз учар,
Юлдузча қоғоз учар,
 Бу — тинчлик юлдузидир.

Кўзимнинг қароғида,
Мактабим чароғида,
Китобим вароғида —
 Улуғ бобомиз Ленин.

Бахт йўлининг йўлдоши,
Ҳамма ишимиз боши,
Коммунизм қуёши —
 Улуғ бобомиз Ленин.

1951, май

УЛУҒ КУН БАЙРАМИ — ТИНЧЛИК БАЙРАМИ

Осмонда топ-тоза бир тинчилик бор,
Юраклар қатрадек кўркам, беғубор.
Мактабим, дўстларим ясанган — гулнор,
Яхши қўшиқларни айта бергим бор:
Улуғ кун байрами — тинчилик байрами.

Кун-кеча синфда қўйдилар баҳо —
Кўпларга яхшию кўпларга аъло,
Кўнгилда қувончлар, эғнимда сарпо,
Шарафлар тонгидир ҳар иш жо-бажо:
Улуғ кун байрами — тинчилик байрами.

Пахталар карвони ўтар эрталаб,
Тинчилик иши учун олтин орқалаб.
Дадам қутлайдилар бизни эркалаб,
Юзимни қуёшнинг нурлари ялаб,
Улуғ кун байрами — тинчилик байрами.

Кўкда ғужғон ўйнаб учар кабутар,
Қаноти қоғозу тумшуқлари зар.
Биздан ошналарга етказар хабар,
Халқлар, озодлик, деб куйлайди лапар,
Улуғ кун байрами — тинчилик байрами.

1951, ноябрь

МАЙ

ШЕЪРИ

Учсиз, қирсиз яйлоқлар
Гилам каби тўшалган
 Лолаларга бурканиб,
Сон-саноқсиз байроқлар
Гунчаларга қуршалган.
 Гулхан каби ял ёниб,
 Етишди Биринчи Май.

Ҳар гунча чароқ каби,
Ҳар чароқ — байроқ каби,
 Кўзларга оқади нур.
Кўча-кўйлар тўй каби,
Қаҳқаҳалар куй каби.
 Ҳаммаёқ шодлик-сурур,
 Етишди Биринчи Май.

Меҳнатлар кўклами бу,
Кўкламлар кўрками бу.
 Колхозим даласида
Юраклар тўла қувонч,
Қувончлар тўла ишонч.
 Ешларнинг ялласида
 Ҳаёт қилар намойиш.

Қўлтиқда ҳар бир китоб —
Ярқираган офтоб,
 Мактабим — гул чаманим.
Тўлқинли оқин ўзи,
Қуёшга яқин ўзи,
 Менинг гўзал Ватаним
 Яшамоқда осойиш.

Бир таниш овоз келур,
Кўклам ўтиб ёз келур,
 Синовлар арафаси.

Катор-қатор эрталар
Кўнгилларни эркалар,
 Ютуқларнинг шарпаси
 Пардай енгил, бегубор.

Булоқлардай тошмоққа,
Синф-синф ошмоққа
 Интилади юрагим.
Қуёшдаги ранг каби,
Гимнда оҳанг каби
 Тўла-тўкис тилагим
 Қоялардай барқарор.
1952, апрель

ОЛҒА БОС!

Самолёт кўкда учар,
Юртдан юртларга кўчар,
Қатор ўтган пионер
Умид осмонин қучар.

Олға бос!

Олға бос!

Ватаним лочинлари,
Эртанинг лётчиклари,

Олға бос!

Дукур-дукур кўп танклар
Ер титратиб борадир,
Қатор кетган пионер
Саломлар юборадир.

Олға бос!

Олға бос!

Ватаним йигитлари,
Эртанинг танкистлари,

Олға бос!

Биз ҳаммамиз кучлимиз,
Уқиш-билиш ишимиз.
Оталар ўрнин босган
Ишчи авлод ишчимиз.

Олға бос!

Олға бос!

Эй, Ленин зурриётлари,
Қуёшнинг зарротлари,

Олға бос!

1953, июль

УЛУҒ БАЙРАМ ҚҰШИҒИ

Сизларга шеър ёзиш шунчалар қийин бўлди,
Икки варақ кетма-кет ёддан баён ёзгандек,
Аввал қўшиғин айтдим, қофия кейин бўлди,
Тап-тайёр гулшан аро кўчатлар ўтқазгандек.

Сиздай аълочи, ўткир, доно ўғил-қизларга
Байрам совғаси учун қўшиқ ёзган чоғимда
Сатрлари дарёдай, нуқталар юлдузларча,
Сўз эмас, қуёш балқсин қалбимда, қучоғимда.

Дурдай тиниқ, покиза пахта терар чеварлар,
Тонготардан кечгача қоп тўла, хирмон тўла.
Мен ҳам сизларга атаб дурдона сўзлар терай,
Жарангдош товшунгиздан ер тўла, осмон тўла.

Тонг отиб, ўлим билмас қуёш ҳукми юрийди,
Эриб оққан нур аро ҳаётга тўлди олам,
Ям-яшил боғчаларнинг кўзидан нам қуриди,
Япроқлар қад кўтарди, буғланиб учди шабнам.

Улуғ байрам кунидир, енгилмас совет халқи
Кўча-кўйни тўлдириб, ўтиб борар бахтиёр.
Қўшиқ айтиб ўтади, қўшиқ айтмоқлик ҳаққи,
Шу куйни ёзган шоир ғурурланса ҳаққи бор!

1953, сентябрь

КАПТАР УЧИРДИК

(Россия билан Украинанинг қайта қўшилганига
300 йил тўлиш кунига ёзилган)

Илиқ парник битказдик
Укроп, лукпари учун.
Атайлаб гул ўтқаздик
Дўстлик чамбари учун.

Ҳадемай Май келади,
Биринчи гул бизники.
Ўзи атай келади —
Саъва, булбул бизники.

Шу гулдан, гунафшадан
Гулчамбарлар тўқиймиз.
Энг яхши куйга солиб,
Мақтовларни ўқиймиз.

Мактабнинг тепасида
Ғув айланган кабутар.
Гўё оқ қанотида
«Беш» баҳоли бир дафтар.

Кўм-кўк, тиниқ осмон
Кўклами, ёзида ҳам,
Ҳар нафаси бир жаҳон
Тошкент мунчалар кўркам!

Ўргатилган оқ қушим,
Зеҳнимни — зеҳнинг, деб бил.
Биринчи қўнар жойинг
Москвада Кремль.

Оёғига хат бойлаб,
Оқ каптарни учирдик.
Дўстликнинг ҳужжати, деб,
Нусхасини кўчирдик.

Улуғ рус оғамизга
Инилик саломин айт.
Омонлик шиорингдир,
Омон бориб, омон қайт!

Киев остонасида
Ун беш мартаба айлан.
Халқимиз шиорисан,
Сайланиб келдинг, сайлан.

Богдан Хмельницкийнинг
Елкасига бориб қўн.
Бахтиёр асрлардан
Бўлиб келдим, деб, яқун.

Ўзбек пионерининг
Дўстона саломи бу.
Каттакон қалб эканмиз,
Тиниқ, мисоли кўзгу.

Тиг уриб мовий кўкда
Учиб борар кабутар.
Украин пионерига
Дўстлардан бериб хабар.

Шу шонли тарихимиз
Қурган замондан салом.
Улуғ Богдан наслига
Ўзбекистондан салом.

Тиг уриб мовий кўкда
Учиб борар кабутар.
Украина пионерига
Дўстлардан бериб хабар.

1953, декабрь

БИР ҒУНЧА ОЧИЛГУНЧА

Ҳар нарсада интизом,
Ҳар ишда бир қоида,
Ҳаракатда аниқлик
Икки карра иккидай.
Шу мустақкам тартиблар.
Биз яшаган жаҳонда.

Қофия, вазну илҳом
Шоирга керак жуда;
Шабнам каби тиниқлик
Шафақларда қолгудай,
Шеърга кўчса агар
Сўзинг қолмас армонда.

Узун-узун кечалар
Шарқдан Ғарбга сузади
Миллион-миллион юлдузлар
Бузилмас қонун билан,
Ҳисоб дафтари каби
Бағри кенг осмон аро.

Қатор асфальт кўчалар...
Гражданлар кезади;
Миллион жуфт юлдуз кўзлар
Меҳнатда якун билан,
Қувончдан гулдай лаби
Бу тинчлик замон аро

Ҳар йилнинг интизоми
Ёзу куз, қишу кўклам.
Кўкламдаги кунларнинг
Минуту миллион ғунча.
Табиат бўш ўтказмас
Кўз очгунча фурсатни.

Сўзнинг хуллас каломи,
Бўйин эг бунга сен ҳам.
Уч чорак якунларин,
Бир ғунча очилгунча
Бўшаштирмай бир нафас
Ўқишингга ҳурматни.

Тўртинчи чорак демак
Бир бутун йил якуни.
Қунт билан, чидам билан
Аъло зинапойдан
Қуёшдай юксакларга
Чиқмоқ учун тирмашинг.

«Беш»га топширмоқ керак
Катта имтиҳон куни.
Қувлашиб кўклам билан
Ёзга туташиб яна
Синфдан-синфларга
Умрингиз каби ошинг...

(1954, февраль)

МЕНИНГ ҰЛКАМ

Боғимиз олмалари
Қуёшдан ранг кўчирди.
Акам Равшан каптарин
Ҳаммасини учирди.

Акам Равшан учирган
Каптарлар тинчлик эди.
Менинг дудоқларимда
Доим севинчлик эди.

Қувончга тўлиб кетди
Боғу бўстону олам,
Ватаним — республикам,
Ватаним ғоят кўркем.

Опам катта ойнада
Туради сочин тараб.
— Дада, — дедим отамнинг
Оппоқ сочига қараб:

— Ҳттиз йил деганлари
Қанча умр бўлади?
— Йигирма йил ўтганда
Ёшинг шунга тўлади.

Бир йигит умри бўлиб
Республикам ёшига,
Ташаккурлар айтамиз
Октябрь қуёшига.

Партия улуғ йўлга
Ватанимни бошлади.
Кўзларим Фарҳод ГЭСнинг
Чироғидек яшнади.

Юзимдан гул кўчириб,
Боғимни обод этдим.
Ота-онам кўнглини
Манглайимдай шод этдим.

Эрта тонготарларда

Нафас олган чоғимда,
Атир иси гукрайди
Менинг азиз боғимда.

Асфальт кўчалар билан
Тошкентнинг кўркамлиги,
Бахтиёр халқимизнинг
Жаҳонда йўқ камлиги.

Худди Москва дейсиз
Унинг кеча-кундузин,
Укасидан узмайди
Москва порлоқ кўзин.

Москва қизларидек
Кўкрагимга гул тақиб,
Тенгдош пионерлар-ла
Каттакон гулхан ёқиб,

Ильич заводидаги
Каттакон алангадек,
Офтоб кафтимизда
Худди олтин тангадек...

Республикам тўйини
Ярашиқ ўтказамиз,
Ўқишда ҳамма фанни
Беш билан битказамиз.

(1954, октябрь)

МЕНИНГ КУЙЛАРИМ

Жаҳон тўла овозлар,
Бири менинг овозим.
Овоздай аниқ сўзлар,
Жаранглар менинг созим.
Созим — менинг овозим,
Овозим — менинг созим.

Ёқимтой композитор
Бўлсамми, деб ўйлайман.
Ўзим ёзиб термасин,
Ўзим куйин куйлайман.
Дуркун менинг овозим,
Эркиндир менинг созим.

Қуёшдай аниқ ўзи,
Гулхандай ёниқ ўзи,
Синфдош дўстларимга
Кўнгилдай таниқ ўзи,
Қувноқ менинг қўшиғим,
Ўйноқ менинг қўшиғим.

Тинч-омон уйимиз бор,
Уй оша тўйимиз бор.
Бахтимизга оҳангдош,
Жўровоз куйимиз бор.
Дуркин қўшиқ бизники,
Эркин қўшиқ бизники.

1955, май

МЕНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҚЧАМ

Ер лоларанг, осмон лоларанг,
Осмон чоғли жаҳон лоларанг,
Юзлар қизил, хандон лоларанг,
Лолазорлар оралаб,
Ўзиб борар,
Сузиб борар,
Менинг қизил байроқчам.

Дилларимиз тиниқ кўзгу бу,
Булоқдаги топ-тоза сув бу,
Тинчлик учун умид-орзу бу,
Қуёш каби мўралаб,
Кезиб борар,
Ўзиб борар
Менинг қизил байроқчам.

Пионермиз, ёши кичикмиз,
Ота-ўғил, демак, етукмиз,
Қизлар айтар: Биз ҳам тетикмиз,
Шу қўшиқдай ҳур бўлиб,
Ўзиб борар,
Сузиб борар
Менинг қизил байроқчам.

Ватанимнинг тинчлик баҳори,
Шараф тонги — қутлуғ наҳори.
Ўқиш, меҳнат — мард эътибори.
Шу шиорга жўр бўлиб,
Сузиб борар,
Ўзиб борар
Менинг қизил байроқчам.

1955, апрель

БАХТ СИЗЛАРГА БУЮРСИН

Тилларанг кузак келди,
Турналарга саёҳат.
Кўзим кўкка тикилди,
Шунчалар истироҳат
 Болаларга буюрсин,
 Болаларга буюрсин.

Жон қизим, офтобимсан,
Шўх ўғлим — «ТУ» самолёт,
Мен ёзган китобимсан,
Баланд учу йўқлаб ўт.
 Бахт сизларга буюрсин,
 Бахт сизларга буюрсин.

Юлдузаро юлдузлар
Бу йўлда оқин бўлсин.
Минг йилдаги кундузлар
Сиз учун яқин бўлсин.
 Замон сизга буюрсин,
 Жаҳон сизга буюрсин.

Сен синфда ўқиган
Атласга ақлим шошиб,
Сен қўлингда тўқиган
Атласга кўз қамашиб,
 У ҳам сенга буюрсин,
 Бу ҳам сенга буюрсин.

Болалик қўлинг билан
Ўзингга боғ яратдинг.
Ишонган дилинг билан
Пахтадан тоғ яратдинг.
 Ишонч сенга буюрсин,
 Таянч сенга буюрсин.

Бахтиёр оталикнинг
Нурларига йўғрилиб,
Осмонўпар тоғлиқдай
Бошларингдан ўргилиб,
 Келажагим, керагим,
 Буюрсин шу юрагим.

1956, ноябрь

БИЗНИНГ БОҒЧА

Бизнинг боғда бодом бору
Боғни эккан дадам бор,
Бизнинг боғга келсангиз-э,
Экиб қўйган садам бор.

Ҳар тарафда гул-чечагу
Райҳон, жамбил, гулпечак.
Келинг, боғда учамиз-э,
Ҳалун-ҳалун, ҳалунчак.

Бизнинг боғда ҳовузча бор,
Ҳовузчада балиқча.
Мен япроқдан тўлқинларда
Суздираман қайиқча.

Олма гули танга-танга,
Тўкилади чаманга,
Кичиккина шу боғчамиз
Ўхшар азиз Ватанга.

Бу боғчани биз ўстирдик
Колхозимиз ерида.
Биз ўйнаймиз, биз яйраймиз
Баландида, тўрида.

Келинг, дўстлар, лолалардан
Гул чамбарак тўқиймиз.
Шод ўйнашга ҳаққимиз бор,
Чунки, аъло ўқиймиз.

1957

ОҢ ТЕРАКМИ, КҮК ТЕРАК

Келинг қўшиқ айтамыз,
Қўшилишиб ҳаммамиз,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Акбар бўталоқ керак. Ҳей!

Ола-була капалак,
Орқа сочим жамалак,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Хайри қизалоқ керак. Ҳей!

Олма оқиб келади,
Балқиб-қалқиб келади,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Тўлқин тойинчоқ керак. Ҳей!

Ҳйнаб-ҳйнаб куйлаймиз,
Куйлаб-куйлаб ҳйнаймиз,
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак? Ҳей!
Эркин қўзичоқ керак. Ҳей!

1957

БАХТИМИЗ ҚОНУНИ

Шу ёп-ёруғ класс ҳам,
Шу чиройли китоб ҳам,
Ҳар тонгги ҳур нафас ҳам,
Кўкдаги офтоб ҳам

Барчаси бизникидир —
Яшамакнинг мазмуни,
Буларни бизга берган
Бахтимизнинг қонуни.

Эркин, текин ўқиймиз,
Коммунизм наслимиз.
Кўклам наҳорига тенг
Умрдаги фаслимиз.

Соғ-саломат яшаймиз,
Бу замона бизга хос.
Чексиз ҳуқуқлар берган
Бизнинг Қонуни асос.

Ленин тузган давлатнинг
Граждани бўламиз.
Виждон, ақлу ҳунарда
Мазмунларга тўламиз.

Меҳнат ҳам бизникидир,
Истироҳат бизники.
Қардош-қариндошликдек
Зўр ҳарорат бизники.

Хар бино қуриларкан
Бошланур пойдевордан.
Ватаним чаман бўлди
Қонуний эътибордан.

Тинчлик, биродарликнинг
Мукаммал якунисан.
Чунки совет халқининг
Суянган қонунисан.

(1957, декабрь)

ЧИТТИ ГУЛ

Тошхон қиз ўзи-ўзи,
Бошида йўрмадўзи,
Йўрмадўзи ярашган,
Ойисига қарашган,
Ҳайю читти гул.

Тошхон қизнинг боши бор,
Манглайда қуёши бор.
Бу йил биринчи синф,
Чунки етти ёши бор,
Ҳайю читти гул.

Ўзи аъло ўқиса,
Бундан яхши қиз борми,
Чевар бўлса, тўқиса,
Бундан яхши қиз борми,
Ҳайю читти гул,
Ҳайю читти гул.

1958, февраль

БУНИ ТОПИНГ, ҚИЗЛАРИМ

— Тўни силлиқ, туки йўқ,
Ҳаммаси тўқ, пўки йўқ.
Ичи қизил, кўки йўқ,
Уни чўқолмас чумчуқ,
 Бу нима, қизим Қундуз?
 — Буми, дадавой? Тарвуз.

— Маржон-маржон юмалоқ,
Япроқлари шапалоқ,
Қора, қизил, сариқ, оқ,
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ,
 Сен айт, Мамлакат қизим?
 — Буми, дадавой? Узум.

— Малла тукли, сап-сариқ,
Мураббоси мазалик,
Паловга босса бўлар,
Подвалга осса бўлар,
 Тишлаб кўриб, айт, Меҳри.
 — Буми, дадавой? Беҳи.

— Майда ёқутдай қизил,
Ширин, нордон, хилма-хил,
Қалин, тахир пўсти бор,
Ҳамма ерда дўсти бор,
 Сен айт-чи, қизим Гулнор?
 — Буми, дадавой? Анор.

1959, август

БИЗНИНГ УЧАР ЮЛДУЗ

Осмонда юлдузлар кўп,
Осмон тўла юлдузлар.
Кечадан кундузлар кўп,
Оқшом билмас кундузлар.

Анави учар юлдуз
Бизнинг юлдуз бўлади.
Кўкламдай чаман кундуз
Бизнинг кундуз бўлади.

Чексиз кўкни қучолди
Менинг Юрий амаким.
Космос бўйлаб учолди
Менинг Юрий амаким.

Одамзод ета олди
Осмони фалакка,
Одамзод ета олди
Бағри тўла тилакка.

Эндиги гал ҳаммамиз
Бирга-бирга учамиз,
Умидлар кенглигини
Биргалашиб қучамиз.

Ердан узиб чиқамиз
Осмонга гул-ғунча.
Шунча кўп гулдастаки,
Осмон сиғдиргунча.

1961, апрель

МЕНИНГ ПИОНЕРИМ

Тиниқ кўкдай беғубор,
Оқин сувдай улуғвор,
Ҳамма ерда тап-тайёр,
Ҳатто нафасимда бор —
Менинг жон пионерим!

Юзлари гулдай ёниқ,
Сўзи қалбидай аниқ,
Товши қулоққа таниқ,
Боболарга суяниқ —
Меҳрибон пионерим!

Олам унга кундузи,
Фазо тўла юлдузи,
Юлдузлар аро кўзи,
Гагарин бўлар ўзи —
Осмон пионерим!

Ленин бобо наслидир,
Авлодларнинг аслидир,
Худди кўклам фаслидир,
Оташин нафаслидир —
Тоза қон пионерим!

1961, май

ОНАЖОНИМГА

Меҳри офтоб бўлган,
Ҳар сўзи китоб бўлган.
Ёғу қаймоқ, мураббо,
Ой кулчам, ширин кулчам,
Жаҳон онажонимсиз.

Юлдузни узиб берай,
Кундузни тузиб берай.
Ватан ахир чаман-ку,
Кундузимсиз ҳам кечам,
Осмон онажонимсиз.

Ўзингиз чироқмисиз,
Гулмисиз, япроқмисиз.
Мен ахир ғунчаман-ку,
Битта қучоқлаб олай —
Ватанимни қучгандай.

Бағрингиз фазога тенг,
Учишни ҳам ўргатинг.
Ватанимдай бебаҳо,
Сиз кўрсатинг, йўл олай —
Чақмоқ кўкда учгандай.

1963, январь

УЙИНЧИ ҚИЗ

Раъно қиз ўйин тушар,
Қилиқлари ёқимли.
Жажжи ҳаракатлари
Тўлқин-тўлқин оқимли.

Русча бичиқ кўйлаги
Товланади офтобранг,
Сочлари ипак ўрим,
Қомати создай таранг.

Саъвадай шохдан-шохга
Лип этиб қўниб қолар,
Оёғининг учида
Айланиб тиниб қолар.

Билаги илон каби
Тўлғанади фазода,
Лабдаги майин кулги,
Ғунча каби озода.

Раъно қиз ўйин тушар,
Парқу каби елвагай.
Ўйна, ўйин ярашар,
Сенга кўзим тегмагай.

1963

БИЗНИНГ УЙДА УЧ ҚИЗ БОР

Бизнинг уйда уч қиз бор,
Бири-биридан гўзал.
Бирининг оти Дилбар,
Бирининг оти Севар,
Учинчиси туғилмаган,
Туғилса оти — Чевар.
Чеварни биз севамиз
Эсга олиб ҳар маҳал,
Юзлари тўлин ойдаи,
Шакар сепган ширмойдай.
Омон-эсон туғилсин,
Қора сочи тўқайдай
Уч қиз бўлиб ўсамиз.
Гулга тўлган чаманда
Ойимизнинг тилаги,
Дадамнинг уч тераги
Катта бўлиб ўсганда,
Ер юзининг кераги
Уч қиз самбит гул каби,
Чаман каби Ватанда
Севар — ишсевар бўлди,
Чевар қиз — чевар бўлди,
Уч қиз ҳам халққа, юртга
Севилган Дилбар бўлди.

1963, март

МЕНИНГ ВАТАНИМ

Ҳаво салқин кенг боғда
Сайр этайлик шу чоғда.
Узум, анор, мевазор,
Атрофи гул, лолазор.
 Боғда, боғда,
Ҳаво салқин шу чоғда.

Менинг гўзал Ватаним,
У — менинг ақлу таним.
Пахталарнинг конидур,
Жоним унинг жонидур,
 Жоним, жоним,
Менинг гўзал Ватаним.

Қирчиллама ёши бор,
Порлаган қуёши бор.
Боши узра қуёши,
Улуғ бобом йўлдоши
 Чаман-чаман
Мен ўсган азиз Ватан.

1963, июль



Яша, дейман, ўғлим!

ХОЛДРОЙНИНГ НАҚАЗИ

Холдрой Нор тоғанинг
Севимли кенжа қизи,
Бу ишчи оиланинг
Кичик порлоқ юлдузи.
Нор тоға кўн заводда
Пардозчи бир ударник,
Терини буғлар ўтда,
Дазмоллар бардам, тетик,
Теваракни илк саҳар
Нури чулғаб оларкан,
Кўздан уйқу — пардалар
Оҳиста тарқаларкан
Заводнинг шўх, чинқириб,
Чалинади гудоги,
Ишчи танда қон юриб,
Турмуш қайнар эртаги.
Нор тоға кийинадир,
Ювиниш ва нонушта,
Заводга йўлланадир
Холдор ухлар оҳиста,
Нинни-нинни қўлига
Олиб жажжи бошини,
Нима кўрар тушида,
Чимиртадир қошини.

* * *

Нор тоға кўн заводнинг
Толиқмас ударниги,
Кечикиш, прогуллик
Унда кўринмас таги.
Ун икки йил ишлайди
Социал Ватан учун,
Ун икки йил бирма-бир

Бериб ёшлигин кучин,
Ун икки йигит кўркам
Қунт бериб ҳунарига,
Туртинса, қийналса ҳам
Эгаллайдир техника.
Ортиқ унга энг қийин
Машиналар ҳам таниш,
У тутингандан кейин
Ҳал бўлар ҳар қандай иш.
У ишлаган терилар
Билмайди асло брак,
Сифат учун берилар
Ундаги қунт ва идрок.

* * *

Тунов куни заводда
Бўлди катта йиғилиш,
Ишчилар ўртасида
Ударникча умтилиш
Чини билан бу ерда
Борлигин кўрсатар эди.
Ҳар ишчи навбатида
Минбар кўтариларди.
Советларга сайловнинг
Бу қизгин йиғилиши
Чиндан ҳам ударникнинг
Бўлмишди ўзин иши.
Энг яхши Совет учун
Энг яхши депутатлар,
Ишчилар ишига чин
Куч берган азаматлар
Ишчи диктатурасин
Олдинги штабига
Ударниклар сарасин
Сайлар Совет сафига.
Ўт олди кучли танқид,
Мақталди бир неча от.
Фахрли ном, қизил бет
Ва Нор тоғага навбат.
Клуб тўлди қарсақдан
Номи ўқилар экан;
Узоқ-узоқ бурчакдан,
— Тўғри, сайлаймиз! — деган

Овози ишчиларнинг
Баралла кўтарилди,
Нор тоға Советларнинг
Сафига ўтказилди.
Қалбида севинч тўла
Нор тоға кулар эди,
Ғурурланиб йўл-йўла,
Уйига кетар эди.
У энди оддийгина
Зарбдор Нор тоға эмас,
Чин зарбдорнинг номига
Депутатлик қандай мос!
Йўлкада қарши олди
Кенжа қизи Холдорой,
Адасин ачомлади
Ипакли галстукдай.
— Қизим, ҳали билмайсан
Аданг ким бўлганини,
Кел, бир севиб ўпайин
Жажжи юзинг холини.
Мен — Советга депутат,
Биласанми, оппоғим!
Холдорни ўпар қат-қат,
Бу бахтга лойиқ ким!
Холдор қўйиб юборди
Адасининг бўйинини,
Бир ўйчанлик қоплади
Еш ва эсли юзини:
— Сен депутатми, ада?
Мен бу сўзни биламан,
Опам кеча боғчада
Айтиб берган барчасин.
Наказнинг ҳам мен ҳатто
Маъносини ўргандим.
Мен айтай битта-битта,
Мана менинг наказим:
Бизда холос боғча бор,
Клуб ҳам йўқ музика.
Мени, ўйна, дейдилар,
Қушпа-қуруқ чапакка.
Иннайкейин, қўғирчоқ,
Фартуклар етишмайди,
Опамга айтсак ҳар чоқ,

Кулади, индамайди.
Жон ада, наказимни
Эсингдан чиқармагин!
Қизчасининг нозини
Тинглаб олгандан кейин
Нор тоғанинг кўзлари
Олмосдай ярақлади,
Холдоройинг сўзларин
Кўкрагига қатлади,
Гарчанд Холдор накази
Қисқа ва кичик эди,
Жаранглаган овози
Эрка ва тетик эди.
Нор тоға Холдоройни
Бағрига босди маҳкам,
Зарбдор ота, пок бўгин —
Бу туриш қандай кўркам!
Холдорой кичик эди,
Ундан кичик накази,
Бироқ унда тингланар
Келажакнинг овози.

(1935, январь)

БАЙРАМ ТОНГИДА

Бобо қуёш ухларди
Тоққа ёнбошлаб,
Ой ботарди, бир гала
Юлдузни бошлаб.
Хўроз ҳали бўйнини
Толдан чўзмасдан,
Деразада кичик Мош
Юзин ювмасдан,
Яйра капалак каби
Уйда гивирлаб,
Майин қўзғалиб лаби
Узга шивирлаб,
Ойнанинг олдида
Бўйинбоғ тақар,
Уқтин-ўқтин ҳовриқиб,
Кўчага боқар.
Укажони Йўлдошнинг
Уйқуси зийрак,
Жиндай шовқин-сурондан
Кўз очар тийрак.
Тагин уйғониб кетиб,
Йиғламасайди,
Ойижонин Яйра қиз
Жуда аяйди.
Яйра оёқ учида
Қадамлар эркин.
«Дада, ҳой, дада, туринг!» —
Туртади секин.
Дада фабрика учун
Тайёрланарди.
«Кетаётирмен,
Тонги йиғин бағрига
Етаётирман.
Тўдамизнинг буйруғи,
Бормасам бўлмас.
Ишга зарба беражак,
Қолсам бир нафас.
Опам уйғонганида
Айтиб қўярсиз!»
Дада дадалик билан
Юмшоқ эркалаб,

Яйра сочидан ўпди:
«Мунча эрталаб?
Кўча-кўйда ўзингни
Авайлаб юргин.
Тагин конка, автобус
Босиб кетмасин».
Яйра қувноқ чопади
Тўдага қараб,
Тонгги майин ел қолар
Сочини тараб.
Дада ўйлай бошлади
Соқол ғижимлаб,
Шу кичкина бошларнинг
Улуғ мазмунин,
Олтин қўнғиздай учиб
Кўп эркин-эркин,
Тонг йиғилган ёшларнинг
Жиддият ўйин.
Жаҳон инқилобини
Қўзғатиш куни
Шу қалбларга ҳам
Кирмиш сурғилиб,
Беш йилликнинг салобати
Борлиги билан
Шу онгларга ҳам
Сингмиш кучайиб.
Ҳой, мен қандай бахтлиманким
Минглаб Яйранинг
Отасидирмен,
Қурилгувчи азамат
Учинчи бўғин
Бобосидирмен.

(1931, сентябрь)

ИККИ ЁШЛИК

I

Кўклам. Нега шамол келмас юксак тоғлардан,
Толкучукдан жевак таққан майса боғлардан,
Хаёл қўли қуча олмас йироқ ёқлардан,
Қанотланган умид учар ёш дудоқлардан:
«Шамол, баҳринг камол!

Чўлоқ кетмонингни олиб кет!»

Шамол келмас, кўтарилмас дака варрагим,
Дардаракдай типирчилар, тошар юрагим,
Кўкка томон кўтарилган мурғак билагим,
Қизгалдоқли пастак томда ёлғиз тилагим:
«Шамол, баҳринг камол!

Чўлоқ кетмонингни олиб кет!»

Ёшлигимнинг хазиначин ахтармай қанча —
Муҳаббатли эсдаликлар топилмас анча:
Пастак томлар, пилта чироғ, сасиган танча,
Ялангоёқ, йиртиқ иштон, товшим борича:
«Шамол, баҳринг камол!

Чўлоқ кетмонингни олиб кет!»

II

Уфқлардан қаҳ-қаҳ солар шўх пропеллер,
Ун минг метр тубанликда айланади ер,
Кўзи билан кўкни ютган ўйноқ пионер,
Қўлда қоғоз аэропланча — учқур планер:
«Аэроплан, Низомжон планерин олиб кет!»
Улуғ ўлка харитадай кўринар пастда,
Яшиндай тез масофалар босар нафасда,
Ҳатто ҳукуматнинг худди боши устида
Қанотланган умид учар лабдан оҳиста:
«Аэроплан, Низомжон планерин олиб кет!»
Бу ёшликда на пастак том, на танча, фиғон,
Янги ёшлик кўкламларга, тонгга чулганган,
Бу ёшликка онг-билимдан қанот боғланган,
У юксакка учмоқ учун дадил чоғланган:
«Аэроплан, Низомжон планерин олиб кет!»

(1935, январь)

УРДАК ВА ТУРҒУН

Бир бор экан, бир ёввойи ўрдак бор экан
Кўм-кўк қуюқ ўрмончада яккаю ёлғиз.
Шу яқинда бир анҳорча, қирғоғи кўркам,
Ўрдак шунда чўмиларкан кечаю кундуз.

Оппоқ гажак қанотлари елканли кема,
Шаббодада ўйноқлаган шўх пирпирақдай,
Унга ўйин-мазак экан бунда ҳар нима,
Билмас экан қайғу нима, муҳтожлик қандай.

Анҳорчада кичик мурғак балиқлар тўла,
Очиққанда тумшуқ билан тута олади.
Парво қилмай қилтаноқдан ютиб бир йўла,
Яна қўшиқ —ғақ-ғақларин куйга солади.

Тўлин ойли кеча экан, ҳаммаёқ ойдин,
Теварақда эсар экан совуқ шаббода,
Қўзичоқнинг баррасидай сувдаги тўлқин
Ой нурида эрмак экан икки қирғоқда.

Анҳорчада яна бир оз сузмоқчи бўлди,
Гўзал оқшом, ўрдак кўзи севинч-ла порлар.
Кеза-кеза очиққанин хўп яхши билди:
«Нима қайғи, анҳорчада кўп-ку балиқлар?».

Ҳаво совуқ бўлгани-чун ҳамма балиқлар,
Иссиқ булоқ томонига жўнаган экан.
Ой нурида майда-майда узун тўлқинлар
Ўрдакчага балиқ бўлиб кўринган экан.

Тутмоқ бўлиб, ҳар тўлқинга бўйин чўзаркан,
Тумшуғига илинмасдан қола берибди,
Балиқлардай ялтираган тўлқинлар титрак
Ўрдак кўзин жавдиратиб қоча берибди.

Бу оқшомда ўрдак шўрлик ҳеч қандай овсиз
Қайтибди очлигича ўз катагига;
Ташқарида шамол юрар, совуқ аёвсиз,
Ҳорғин бошин қайирибди қанот тагига.

Эртасига ҳаво ҳам тинч, кун иссиқ экан,
Балиқчалар ўйноқларкан эски ўрнида;
Ўрдак шўрлик балиқларни ойдин деб билган,
Ов қилмаган, оёқларин сақлаб қўйнида.

Бизнинг Турғун ўрдак каби умидсиз эмас,
Қийинликни енголувчи яхши феъли бор.
Бир умтилиш янглиштурса, тинмай ҳар нафас
Қайта-қайта ғайрат билан яна умтилар.

Ўтган йили бир синфдан ўтолмай қолди,
Симобдай шўх ўйинқароқ эди ўзи ҳам.
Бу мавсумда бутун кучин ўқишга солди,
Дўстларидан қолақ экан, етолди кам-кам.

Шундай улуғ зўр байрамда ўқувчи Турғун
Бир синфдан ошганлигин рапорт беради.
Бошқа ялқов, камҳафсала ўртоқларини
Ўзи билан тенглашувига шахт чақиради:
— Ўрдак каби бўлманг, — дейди, — ҳай, ёш ўртоқлар,
Бир зўр берсак ҳар қолақлик орқада қолар!

(1935)

ТУРСУНАЛИ НЕГА ВАРРАҚДАН АЙНИДИ?

Кўклам келди, учиб ўтди розу турналар,
Жамиланинг жамалаги сингари қатор.
Ғув-ғувиллаб шамол келиб дилни тимдалар,
Шундай кезде қайси бола индамай ётар!

Кўклам келди, оқ булутлар ўтади сузиб,
Гўё варрак дардараги кўк гумбурлаши,
Уқишдан сўнг томлар ошар майсада кезиб,
Турсунали ўйнамоқда, совиган оши.

«Айт-чи, нега осмоннинг шундай варраги?» —
Турсунали табиатга ҳасрат қилади.
Чидармиди ёш устанинг ўйноқ юраги:
Қоғоз бўяб, савағични тинмай йўнади.

Тол чивиқлар ёш бошига ташлар кўланка,
У қунт билан безамоқда, қоғоз ялтироқ,
Турсунали ясаб олди ўзига дака,
Катта, бутун тахта қоғоз, ранго-ранг қуроқ.

Чиллак тўла чийратма ип, қўйди ҳаммасин,
Қуроқ учар осмоннинг қоқ ўртасида,
Келиб қолди бу варракка кўкнинг ҳаваси,
Ўзиб кетиш, олиб қочиш бўлар пайида.

Йўқ, узилмас, варрак учар кўкда ҳайқириб,
Гўё олам боғбонига бўлиб тартарак,
Турсунали чийратмага қулогин қўйиб,
Осмоннинг сирларидан тинглайди дарак.

Варрак айтар: «Кўрасанми, мен баланддаман,
Хатто қушлар тенглашолмас оқ қанотимга.
Турсунали, сен ҳам юксал, дунё кўп чаман,
Кўп кучсизман, тортар эдим сени ёнимга».

Шу пайтда учиб ўтди битта аэроплан,
Турсунали ҳайрон қолиб, унга термилди.
У дариллаб: «Турсунали, қани укажон,
Мен кучлиман, тезроқ юксал, менга мин», дерди.

«Гўзал дунё, бахмал боғлар, улуғ шаҳарлар,
Зўр гигантлар, шу колхозлар, шу олий бино,
Шўх тўлқинли, тиниқ сувли катта наҳрлар,
Улуғ Ватан, бори менинг қанот остимда.

Тезроқ ун, ўс, тезроқ юксал, келиб менга мин,
Мен учирай сени фаннинг энг чўққисига!..»
Турсунали бу сўздан сўнг қолди бир оз тин,
Ёш юрагин тимдаларди ҳавас-дағдаға.

Кўкка қараб салют берди хандон пионер:
«Тез фурсатда мутлақ ўқиб сени минаман».
Гир шох урди аразлаган варраги, дир-дир,
Ерга тушди ранги кетган, ўзи тирналган.

Қайта бошдан қоғоз олди, тахта, чўп олди,
Ясай кетди аэропланнинг кичик нусхасин.
Резинкали паррагини бураб қўйворди,
Модель кетди эгаллашга кўкнинг қопқасин!

(1937, 25 март)

ЯША, ДЕЙМАН, УҒЛИМ!

— Дада, мен осмонга учар бўлсам,
Чеки йўқ кўкни ҳам қучар бўлсам,
Юлдуздан-юлдузга кўчар бўлсам,
Сен тубанда қолиб не дейсан?

— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен танкка отлансам-да,
Истаган ўлкага етсам дамда,
Эсизки ҳозирча ёшим кам-да,
Кўзинг йўлда толиб не дейсан?

— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен кетсам агар Москвага,
Москва йўлласа душман-ёвга,
Савасам мен бўз отимнинг човига,
Сен тўзонда қолиб не дейсан?

— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен жўнадим Арктикага,
Битта ортиқча путёвка санга.
Эътибор бермай совуқ осмонга,
Сен туманда қолиб не дейсан?

— Яша, дейман, ўғлим!

— Дада, мен сўрасам қаламингни,
Тўлдирсам шеърда кўп-камингни,
Юволсам хижолату гамингни,
Ёзганимни ўқиб не дейсан?

— Яша, дейман, ўғлим!

(1939, ноябрь)

БИЛИБ ТУРИБМАН

(Қўқон пионерларига атайман)

- Чунончи,
Кўм-кўк осмон бошингда зонтик,
Ер заррину амиркон этик,
Сен қора кўз эркин кийикдек,
 Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
 — Байрамни айтяпсиз, билиб турибман.
- Сени севганимни яшириб турмасдим,
Ҳамма мисраларни қизилда ёздим.
Сен — йигит қадамда, мен — одим-одим,
 Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
 — Байрамни айтяпсиз, билиб турибман.
- Битта лола сенинг чаккангда эди,
Ўсар от ўйинда арслонга минди,
Келиб-келиб ёдимга тушибди энди,
 Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
 — Байрамни айтяпсиз, билиб турибман.
- Сен менинг бўйнимдан қучоқлаб эдинг,
Низомий, Хисравга қилиқ бирла тенг,
Сен: «Ўзим Навоий бўламан», дединг,
 Қачон эди, айт-чи, менинг Яшарим?
 — Бугунни айтяпсиз, билиб турибман.

*Қўқон,
1941 йил, 2 май*

БАЙРАМ МАКТУБИ

Ўттиз саккиз йил бурун
Бугунги сиз билан тенг
Ўн тўрт ёшларда эдим,
Тонгсиз, узун кечқурун
Қора қўйнин очар кенг
Кўз ўнгида учурум.

Мақтаб қаёқда дейсиз!
Ноннинг ҳатто ўзи йўқ,
Бўз якак, йиртиқ иштон,
Эшиксиз, ўтсиз, нурсиз,
Вайроналар қуп-қуруқ,
Халқ тентирар паришон.

Оқ подшонинг уруши
Юртни ергача топтаб,
Теккан эди тинкага.
Оч қўшиннинг юриши
Ер юзини гур ўртаб,
Ўхшарди алангага.

Шунда улуғ Лениннинг
Шунқорлари қўзғалди.
Шонли партиямизнинг
Илғорлари қўзғалди,
Ишчилар қўзғалдилар,
Қўшчилар қўзғалдилар.

Ўттиз саккиз йил бурун
Енгган улуғ Октябрь
Халқларни этди озод.
Гўё ўтли учурум
Шоҳу бойларнинг бир-бир
Тахтини қилди барбод.

Ўн тўрт ёшларда эдим,
Улуғ Октябрь тонгги
Етим бошим силади.
Инқилобнинг жаранги,
Дилда эркнинг ғурури...
Айтавергим келади.

Жонажон Партиямиз
Мен каби миллионларнинг
Қўлидан етаклади.
Инсон бўлдик ҳаммамиз!
Яша, Совет Ватани!
Барқарор бўл абадий!

Менинг ким бўлганимни
Сиз яхшироқ биласиз.
Чунки сизга яқинман,
Хур совет граждани,
Меҳнатсевар, тинимсиз
Шоир, яъни оқинман.

Мен-ку, сизлар ўқиган
Ушбу гўзал мактабда
Синфма-синф ошмадим.
Аммо, қурилар экан —
Ишчилар билан сафда
Лой қориб берган эдим.

Тўғри, сизнинг синфда
Парталарда ўтириб,
«Алифбе» йиртмаганман.
Аммо янги тартибда
Ўқитувчилик қилиб —
Бир нафас тинмаганман.

Мени яхши танийди
Мактабингизнинг ҳар бир
Пойдевор ғиштигача.
Мени яхши танийди
Шогирдларимнинг ўсмир —
Еттинчи пуштигача.

Шунинг учун ҳам, ахир,
Сизнинг ҳар қувончингиз
Қалбим билан пайваста.
Шунинг учундир, ахир,
Бахтингиз, севинчингиз
Менинг учун гулдаста.

Шундай улуг байрамда
Сизлар билан тенг туриб

Қувонсам, қилманг ажаб.
Сиз борсиз рўпарамда,
Сизда ўзимни кўриб,
Талпинаман гуркираб.

Шундай улуғ айёмда
Кўкда жаранглаб кетар
Навқирон овозингиз.
Шундайин қутлуғ дамда
Юксак осмондан ўтар
Жонажон парвозингиз.

Жонингизда ўлмаган
Лениннинг ўзи бордир,
Яшасин Ленин! — дейман.
Қалбингизда юммаган
Лениннинг кўзи бордир,
Яшасин Ленин! — дейман.

Яшасин Партиямиз! —
Октябрь ижодкори!
Яшасин Партиямиз —
Халқларнинг халоскори!

(1955, ноябрь)

ЭНДИ УРУШ БЎЛМАЙДИ

Бизнинг маҳалламизда
Икки қўлсиз киши бор,
Боши-кўзи, бут-бутун,
Оғиз тўла тиши бор,
Аmmo қўли тубдан йўқ,
Айтишича, кўпдан йўқ.

Бир кун бизлар ҳаммамиз,
Бошлиқ мураббиямиз,
Шу кишига учрашиб,
Ҳолу аҳвол сўрашиб,
Ўзини кўрмак бўлдик,
Сабабин сўрмак бўлдик.

Оти — Миржалил ака,
Уйида юрган экан,
Столдан рўмолчасин
Ололмай турган экан.
Артиб қўйдик юзини,
Сал ёшланган кўзини.

— Айтинг, Миржалил ака,
Қўлларингиз илгари
Ўрнида бўлганмиди,
Бизларники сингари?
Бармоқлари бормиди?
Тирноқлари бормиди?

Мийиғида илжайиб
Бизларга берди жавоб:
— Қўл-бармоғим бор эди,
Варақлар эдим китоб,
Токарлик билар эдим,
Гул пайванд қилар эдим.

Урушнинг оти қурсин,
Қўлларимдан айирди.
Фашистнинг зоти қурсин:
Ўғлимдан ҳам айирди.
Ғазабимда асос бор,
Уруш қурсин, қасоскор!

Овқатни еёлмайман,
Едириб қўядилар.
Кийимни киёлмайман,
Кийдириб қўядилар...—
Шундай деб иргатди бош,
Кўзларида жиққа ёш.

— Яхши ҳам сизлар каби
Ўғилларим, қизим бор.
Сизларнинг жонингизда
Соғ-саломат ўзим бор.
Энди уруш бўлмайди,
Қўлсиз юриш бўлмайди.

Ҳамма яхши кишилар:
«Тинчлик замон бўлсин», дер.
«Одамлар дўсту иноқ,
Бирга омон бўлсин», дер.
Сиз қўрқмай ўйнай беринг,
Қўшиқлар куйлай беринг.

Урушга лаънат ўқиб,
У билан хайрлашдик.
Тинчликка шеър тўқиб,
У билан хайрлашдик.
Бошимиз тоғдай бўлди,
Кўнглимиз боғдай бўлди.

(1962, август)



Билиб қўйки, сени Ватан кутади

КУКЛАМ ШАМОЛИ

Чимён тоғларидан қўзғалган шамол
Тошкент боғларидан ҳилпиллаб ўтди,
Шафтоли гулига қўнган арининг
Қанот тағларини сийпалаб ўтди.

Бақатерак тебраниб, ташлар кучала,
Ўрик ерга гул тўкиб, пистон қадайдди.
Тўрғай кўкда минг мақом билан машқ қилиб,
Шамолдан тароқ қилиб, думин тарайди.

Чучмўмали тепанинг кўм-кўк бошида
Бир тўда шўх болалар — тўзимсиз юрак —
Кулгисидан осмоннинг жоми жаранглар,
Тентак шамол йўлини пойлар варварақ.

Каникул пайти ўтди, қани, болалар,
Пойандоз бўлсин сизга бинафша, сунбул,
Варракдан — планерга, китоб, қаламга,
Жиддий дарсларга бошлар кўниккан кўнгил.

1935

БИЛИБ ҚҰЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

Сен бу кун синфда шод юрак билан
Синов навбатини кутиб турасан.
Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Глобусда бўлган ҳар кичик нуқта
Миллионлаб қондошга Ватан, албатта.
Бахтиёр халқимиз яшар абадий,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Жабрда масала қўш муаммодир,
Худди шунда бир улуг қурулиш жодир.
Сен катта инженер эртами, индин,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Шеърдир, лирика, балки оддий тил,
Халқларнинг тиллари бир хил эмас, бил!
Дипломат бўларсан шу букун, энди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Фанлар кўп, фанлар бор ўрганишга куч:
Ерда юр, сувда суз, осмонда уч.
Ҳаммасидан аъло, барчадан олдин,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Ўтмишни ўргансанг — келажак порлоқ,
Партия тарихи йўлингда чароқ.
Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

1941 йил, 18 май

УҶИ

Уқишни, билишни севгани учун
Мен ҳам ўз қизимни жуда севаман.
Чунки, у билади, ҳамма отадек
Бахтларнинг юкига доим теваман.

Китобинг қўлтиқда, куни эртага
Биринчи «А» ҳарфин сен ўрганган чоғ,
Уялмай келавер, манглайинг ўпиб,
Сенга ҳам очилгай бу мерос қучоқ.

Билмак шарафидек юксак зинадан
Одамзод шунчалик кўтарилолди,
«О» ҳарфи, «Д» ҳарфи ҳурмати учун
Одам деган муқаддас номни олди.

Доҳиймиз Ленинни яхши танийсан,
«Л» ҳарфи шундайин ёзилур, ўқи!
Шу улуғ ном билан очилди мактаб,
«М» будир ва бундай ёзилади «Ғ».

1946 йил, 29 август

ТОНГОТАР ҚҰШИҒИ

«Соғ одам қўшиқни севади».
(Йўлдош Охунбобоев сўзлари)

Сен билан баб-баравар
Уйғонолдим, эй қуёш.
Тонготардан кечгача
Сен ҳар кун менга йўлдош.

Ҳозир мен ювинишим,
Сутни ичишим зарур.
Мен нонушта қилгунча,
Сағал юксакланиб тур.

Даричамдан мўралаб,
Китобимни ўқиб боқ.
У ерда Ленин бобом
Юзингдан ҳам ёруғроқ.

Кейин бирга кетамиз.
Мақтабимни кўрасан,
Катта ойна орқали
Синфимизга кирасан.

Синфимизни сен айлан,
Ўқишларим битгунча.
Аранг тўрт соат ўтар
Бир бошга етгуингча.

Кейин ўқиб бўламиз,
Бирга-бирга ўйнаймиз.
Қиличу тўқмоқ каби
Ўртоқликни қўймаймиз.

Сен ўрнингга кетасан,
Бизда ёнади чироқ.
Жон ўртоқ, жоним ўртоқ,
Эртага кел барвақтроқ.

1947, март

БИРИНЧИ ДАРС

Богимда жамбил, райҳон,
Атиргулнинг сони йўқ.
Уздирмасдан сақлаганман
Сентябрга гулдаста.

Чамандагул, пушти, нимранг,
Гўлос, сапсар, қизил, тўқ.
Қучоқ етмас гулдастамни
Кўрган бола ҳавасда.

Кумуш қулфли чарм напкам
Товланади офтобда.
Буни менга Улуғ акам
Москвадан келтирган.

Буюк Ленин бобомизнинг
Сурати бор китобдан
Куни эрта варақ очиб,
Биринчи дарс ўқийман.

Ёз ҳам ўтди, йироқ-йироқ
Қолди лагерь, Чимён-сой.
Баракали куз бошланди —
Омбор тўла, уй тўла...

Ғайрат билан ўқиш учун
Биз ҳам кучни аямай
Мактаб сари оқмоқдамиз,
Кўча тўла, кўй тўла.

Ўтган йили биринчида
Билдим ўттиз бешта ҳарф.
Ҳарфлар, менинг аскарларим,
Ҳужумга бўлинг тайёр!

Иккинчини эгаллашга
Бор зеҳнимни қилай сарф.
Кундай ёруғ бу синфда
Аталган ўз ўрним бор.

Бу кун ғоят кенг кўринар
Мактабимиз қўраси.

Мингдан ошиқ болаларнинг
Чуввоси кўкдан ошар.

Ҳар боланинг синфдоши,
Қурдоши, ёр-жўраси,
Шу ёшгина юракларда
Эндиги олам яшар.

Янги, тоза китоб каби
Синфимизнинг эшиги.
Шафтоли гул юзимизга
Қўш тавақа очилган.

Бу синфдир эрта кунги
Олимларнинг бешиги.
Қадамига гулдасталар
Пойандоздай сочилган.

Синфларда бўш парта йўқ,
Мағзи тиқин анордай.
Болалар тинч, ўрталикда
Кезиб юрар интизом.

Ҳар боланинг зийрак кўзи
Электрик фонардай.
Ўқитувчи кулиб кирди.
— Оёққа тур!
— Ассалом!

Биринчи дарс бошланади
Олам каби китобдан.
Нур оламиз улуғ Ленин
Ёритган офтобдан.

1947, август

ҚУЁШЧАЛАР ШЕЪРИ

Саъвалар куйлайди тонготар куйин,
Қалин қор тагида ухлайди кўклам.
Арча атрофида бошлаймиз ўйин,
Ғоятда хурсандман дўстлардек мен ҳам.

Ярим йил аълочи бўлдим ўқувда,
Звенон ичида энг интизомли.
Арча лампочкаси порлар кўзгуда,
Пирожний ошаймиз олча қиёмли.

Соатлар — кунларни, кунлар — ҳафтани,
Ҳафталар — ойларни туғдирганидек,
Аълочи номимни асло бўшатмай
Синфдан-синфга кўчаман тетик.

Бугундан бошланур бизда каникул,
Шовқинли синфлар бир оз олур дам.
Қиш фасли, дарчада қировлардан гул,
Уйимиз хотиржам, қувнаган, кўркам.

Ота-оналарнинг бебаҳо қадри —
Ҳурмати жонимиз устига миннат.
Шу азиз кишилар меҳнат, шафқат-ла
Биз каби авлодни улғайтди фақат.

Улуғ Ватанимиз осмон бўлса,
Биз уни безаган юлдузларимиз.
Умримиз муттасил бир жаҳон бўлса,
Биз уни порлатган кундузларимиз.

Ҳаётда, меҳнатда, ўқувда доим:
Улуғ Партиямиз ишига тайёр!
Қалбимиз қон тўла, ёқут парчадек,
Кремль юлдузи каби беғубор.

Яшаймиз ҳаётдан олиб бўсалар,
Умрнинг найини бизлар чаламиз.
Халқу Ватанимиз қуёш бўлсалар,
Биз бу кенг осмонда — қуёшчалармиз.

31. XII—47.

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Уйимизда зўр қувонч
Катта байрам тонгидек.
Ҳамма ўрнидан турган
Офтоб билан баробар.
Акам, опам кийинган
Бўстонларнинг рангидек.
Қалбимиз чаман-чаман,
Бошимизда гулчамбар.

Биринчи сентябрнинг
Қутлуғ тонготари бу,
Қадрдон мактабимиз
Бизга қучоғин очар.
Куз ҳавоси мусаффо,
Ариқларда сув — кўзгу..
Ўқиш, ўрганиш, билим
Ақлимизга нур сочар.

Жуда катта Ватаннинг
Кичкина фарзандлари,
Улуғ Ленин бобонинг
Ёққан чироқларимиз.
Қанчалик соғлом, аъло
Ўқишни билган сари,
Билим билан порлайди
Бизнинг қароғларимиз.

(1949, август)

ИМТИҲОН

Каттакон мактабларнинг
Мингларча юлдузисиз.
Республика таянчи —
Ўғиллари, қизисиз.
Сиз билан гуркирайди
Эндиги порлоқ замон.
Ёдингиздан чиқмасин,
Бугун сизда — имтиҳон.

Бугун ўқиган ҳар фан
Эртанинг нақдинаси.
Сизнинг шу ёш қалбингиз
Билимлар хазинаси.
Илмингиз-ла ер яшнаб,
Ярқирайди осмон.
Ёдингиздан чиқмасин,
Бугун сизда — имтиҳон.

Аълочи номингизга
Туширмасдан зарра доғ,
Ўқиган китобингиз
Зеҳнингиздаги чароғ.
Оталар нақази шу,
Бўлсин бошимиз осмон,
Аъло баҳолар билан
Кутар сизни имтиҳон.

(1950 йил, 20 май)

АЪЛО ХОТИРА

Улуғ бобога лойиқ набира бўлмоқ учун
Унинг кураш йўлларин ўрганмоқ-билмоқ керак,
У қурган иморатнинг ҳар битта зар кирпичин
Ҳар қайси ишимизнинг таянчи қилмоқ керак.

Улуғ бобонинг асл, навқирон фарзандлари —
Коммунизм асрининг граждани ўзингиз.
Тирик Ленин наслисиз, фарзанди-дилбандлари,
Ленинча кучга эга ҳар мўътабар сўзингиз.

Улуғ бобо қолдирган бебаҳо меросларнинг
Асл эгаларисиз, тенг ҳуқуқда ягона.
Сизга атайлаб атаб у қўйган асосларнинг
Устида барқарордир бизнинг шонли замона.

Улуғ бобо айтгандек: «Ўқиш, ўқиш ва ўқиш»
Ҳамиша умримизнинг сарлавҳаси бўлади,
Офтобнинг нурларидан зеҳнда атлас тўқиш
Муқаддас хотирасин зар лавҳаси бўлади.

Улуғ бобо Ленинга бўлур аъло хотира
Ҳар қайси фарзандининг аъло олган баҳоси.

(1951, апрель)

БАХТЛИ БОЛАЛАРИМГА

Биринчи сентябрь, тонготар чоғи
Ҳавода гуж каптар қилади парвоз,
Тўкин кузга кенг сахий қучоғин,
Урнини бўшатар неъмат тўла ёз.

Биринчи сентябрь, ёзнинг лагери
Порлоқ синфларга бўлди айирбош.
Талай китоблар бор, ундан ҳар бири
Зеҳнга кўчади йил бўйи ёвош.

Биринчи сентябрь, аъло ўқишнинг
Янги зинасидан қўясиз қадам.
Катта синовларнинг, кузакнинг, қишнинг
Аъло поясидан ўтасиз кўркам.

Биринчи сентябрь, бахт китобидай
Очилур мактабнинг барча дарчаси.
Партия — халқимиз офтобидир,
Сиз эса, шу нурнинг кичик парчаси.

Биринчи сентябрь, бутун халқимиз
Тинчликнинг аҳдига қўяди қўлин.
Пахтакор ўзбекмиз, бугун халқимиз
Очади теримнинг карвони йўлин.

Шоир отангизман, мен ҳам қўл қўйиб,
Тинчлик ҳузуридан топаркан илҳом,
Ручкамда сиёҳим қуримай туриб,
Бахтиёр авлодга ёзаман салом.

(1951, август)

БУ ЙИЛ БИРИНЧИ СИНФГА
КИРАДИГАН УЎГИЛ-ЌИЗЛАРИМГА АТАБ
ЕЗГАН ШЕЪРИМ

Шоир ота уйғонган,
Кезинар ёвош-ёвош,
Сиёҳдони устига
Тонг отиб, тушар қуёш.
Сиз учун шеър ёзмоқчи
Шу йиғилган нур билан.
Сатрлари куйлайди
Бир жаҳон ҳузур билан.

Боғида ўсган гулзор
Орасида оралаб,
Ишкомдан сават-сават
Ҳусайнидан саралаб,
Киприк билан супуриб
Бу чаманнинг йўлини,
Шоир сенга узатар
Ўз мўйсафид қўлини.

Йўлингга гул сочмоқчи
Этак-этак, этаклаб
Мактабингга элтмоқчи
Улуғ йўлдан етаклаб.
Биринчи «А» ҳарфини
Сен ўрганган чоғингда,
Лениннинг маърифати
Эркалар қучоғида.

Менинг Мирза Қодирим,
Сенинг жамолингда мен —
Каттакон улуғ элнинг
Боласин кўрмоқдаман.
Сен тенги миллион-миллион
Ўғилларим, қизларим,
Менинг келажакларим,
Ҳеч сўнмас юлдузларим.

Саодат мактабининг
Биринчи синфида,
Шоир ота уйғонган
Тонготар нафасида:

Биринчи ҳарф ўрганар
Ленин бобо дарсидан,
Бу тонготар муборак,
Тўкин куз нафасидан!

«Алифбе» деб аталган
Қўлтиқдаги китобинг —
Келажакни ёритган
Каттакон офтобинг.
Сизга биринчи сўзим:
Ленин тилини ўқинг,
Худди Ленин айтгандек:
«Ўқинг, ўқинг ва ўқинг!»

Маърифат денгизида
Тўлқиндан баланд тошинг,
Билим чўққиларини
Довон-довонлаб ошинг.
Толеингиз ёр бўлиб,
Москвани кўрасиз,
Ундан минг-минг йилларнинг
Сирларини сўрасиз.

У албатта айтади
Келажакни — сизни деб,
Лениннинг авлодлари —
Сиздек ўғил, қизни деб.

Мария Ивановна,
Сизга Ғафурдан салом!
Мирзага ўргатингиз
Билганингизни тамом.

(1952, 1 сентябрь)

ЧАРОҒЛАРИМ—ҚАРОҒЛАРИМ

Ўттиз учми, ўттиз тўрттами
Гул эккандим сизларга атаб.
Чуввос солиб синфдан чиқиб,
Ҳар биттаси битта гунчалаб,

Қувлаб кетди, кулиб қолдим мен
Ўз умримнинг иқболин кўриб,
Узоқ йиллар бекор кетмагай
Умидимнинг жамолин кўриб.

Ҳаммасида бир қучоқдан гул,
Қучоқ-қучоқ гулдай ўзлари.
Ую кўча тўла минг булбул,
Айниқса-чи, равшан кўзлари.

Мен шуларга китоб ёзмасам,
Кетгани хўб кўзларимдан нур.
Сиздай доно ўғил-қизларни
Ўқитганга минглаб ташаккур.

Қарсак чалган каби кулгингиз,
Қулогимда умрбод жаранг.
Жаҳоннинг жамоли сиз билан,
Сиз бердингиз бу оламга ранг.

Имтиҳондан аъло ўтдингиз,
Болаларим, ўйнамоқ чоғи.
Сизни кутар лагерлар, боғлар,
Шу боғларнинг сизсиз чароғи.

Қувлай кетди, кулиб қолдим мен
Ўз умримнинг иқболин кўриб,
Узоқ йиллар бекор кетмагай
Умидимнинг жамолин кўриб.

(1954, апрель)

ЯНА БИР ҚУТЛУҒ КУН

Хондамирни кўрсангиз,
Шунақа қувонганки,
Ҳали мактабга кирмай
Қатор «беш» олган каби.
Синглисини етаклаб,
«Мана, мактабим», дейди,
Папкасини кўрсатиб,
«Дафтар, китобим», дейди.
Юз минглаб қутлуғ куннинг
Нури юракка тегди,
Хондамирга энгашиб
Богда гул бўйин эгди.
Бу — бошинг, деб ўргатдим.
Бу — қошинг, деб ўргатдим,
Етти цифрин кўрсатиб,
Бу ёшинг, деб ўргатдим.
Ғунчадай у очиб лаб,
Икков гуллар қучоқлаб,
Мана мактабинг, дедим.
Улуғ Ленин илмини
Ўргатган мактаб ўзинг,
Ҳатто ярим кечалар
Юмилмас ойдек кўзинг.
Шу болани топширдим
Илмингдан баҳраманд қил,
Ленинизм илмига
Ўз қўлинг-ла пайванд қил.
Қаттакон остонангга
Умид билан келганман,
Бутун эътиқодимда
Доим сени деганман.
Тўқсонинчи мактабнинг
Биринчи классига
Кексайган чоғимда ҳам
Бир ариза бергум бор.
Мария Семёновна
Хондамирни ўқитиб,
Улуғ рус илми билан
Мени қилсин бахтиёр!
Чунки улуғ рус халқи
Халқимни дилшод қилди,
Қолоқ Ўзбекистонни

Шунчалар обод қилди,
Ғафур Ғулом қўлига
Доим қалам олганда
Ўз улуғ оғасини
Ҳар сатрида ёд қилди.
Хондамир қўлтиқлаган
«Алифбе» билан дафтар
Менинг келажагимдан
Оламга берар хабар!
Мактабнинг юксак боши
Шунча порлоқ эдики,
Онасининг юраги
Шунча қувноқ эдики,
Осмон тўла учаркан
Дафтарлар каби каптар.
Қариган кишини
Эзма деса бор.
Аввалги шеъримдан
Бир сатр такрор.
Тошхон Наташахондир,
Тожикча Сангин духтар,
Оёгининг тагида
Офтоб балқиб тўхтар.
Хондамирнинг йўлига
Суқланиб қарар эрди:
— Келаси йил мактабга
Мен ҳам бораман,— дерди.
Юзлаб набираларни
Умр аро кўргим бор.
Мен бу улуғ даргоҳга
Юз мартача келгум бор.
Олам каби кўчада
Жаҳонга солиб жаранг,
Билмам соат нечада
Бу шўхлар қилиб гаранг,
Мендек катта бувасин
Ўқигани қўймаса,
Қуёшдай катта пойандоз
Тўқигани қўймаса,
Майли билгани бордир,
Бу азамат авлоднинг.
Менга Ленин бахш этди
Шу улуғ эътиқодни.
(1954, август)

МЕН СҰРАЙ, СИЗ ЖАВОБ БЕРИНГ

Осмон тўла учар ғоз,
Қаноти оппоқ қоғоз.
Тез учар баланд парвоз,
Кўриниши жуда соз,
Юрагида кири йўқ,
Кири тугул сири йўқ,
Шуни топинг, дўстларим?

— Тинчликнинг каптари, — деб
Чувиллашар болалар.

Узи момикдаккина,
Қорни ёстиқдаккина,
Юзи дўндиқдаккина,
Қўйни сандиқдаккина,
Ўрмонда бўлса керак,
Совғалар берса керак,
Танийсизми, дўстларим?

— Таниймиз, қорбобо, — деб
Чувиллашар болалар.

Тўққиз юзин айтмайман,
Элик бешин айтаман,
Айтганимдан қайтмайман,
Фақат бешин айтаман,
Ўзим секин айтаман,
Лекин кейин айтаман,
Не айтаман, дўстларим?

— Бизнинг аъло баҳони, —
Дейишар қароғларим!

Каттакон Ватан бордир,
Кўклари беғубордир,
Чунки авлодларимиз
Халқ ишига тайёрдир.
Жумбоқларни топдингиз,
Кўнгилларга ёқдингиз.
Энди менда сўрашиб,
«Бу болалар ким?», деса,

Дейманки, чароғларим.
Уч қулочча бўйи бор,
Бугун катта тўйи бор,
Атрофидан айланиб,
Биз айтажак куйи бор.
Ранг-барангдир чироғи :
Қишда кўм-кўк япроғи,
У нимади, дўстларим?

— Байрам арчамиз,— дейди
Қувонишиб болалар.

Якшанбаю душанба,
Сешанбаю чоршанба,
Боринг-чи ўн кунгача,
Кун демайин тунгача,
Ҳамма ҳурмат сақлайди,
Ўғил-қизин ёқлайди,
Қачон экан, дўстларим?

— Бу бизнинг каникул,— дер
Овунишиб болалар.

Умрини овози бу,
Мен эса, тонгда каптар.
Жуда-жуда қувониб,
Азиз синфдошларнинг
Етук фикрларига
«Аъло» баҳолар қўйиб,
Қўлтиқда қирқта дафтар.
Баъзида ўқитувчи,
Баъзида ўқувчидай
Ҳаёт «Алифбе» сини
Келинг бирга ўқиймиз
Олияхон сингари,
Ипак қурти сингари,
Боларилар сингари,
Чумолилар сингари.
Ҳаётгий меҳнат учун
Каттакон жамиятнинг
Кичик аъзоси бўлиб,
Минутларнинг қадридан
Марғилон атласини,

Яъни жон атласини,
Биргалашиб тўқиймиз.
Қирқ беш минутда ёзган,
Беқофия шеъримни,
Миллионларча болаларим,
Сизга атадим фақат.
Бир минут бўш ўтмасин
Азиз ҳаётингизда,
Ўқинг, билинг, ўрганинг,
Минутларнинг қадри шу.
Яна юз йил ўтади,
Яна минг йил ўтади,
Сизга жуда ҳурмат-ла,
Бутун жаҳон айтади:
— Ленин партиясининг
Фарзандлари, қадри бу!
Жонимга ёққанини,
Ростини айтсам агар —
Сизнинг келажагингиз
Жаҳон бўлиб кетади.
Яъни коммунизм деб
Интилаётган соат
Бизнинг замонададир,
Бутун халқлар бахтига
Замон бўлиб кетади.

(1954, декабрь)

МИНУТЛАР ЧАҚИРАДИ

«Вақт» деган шеър ёзган
Отангиз сўзламоқда.
Бир қўлтиқ китоб тутиб
Минг йилни кўзламоқда.

Менделеев бўласиз,
Ун марта Павловларсиз;
Инсон номи улуғдир,
Ҳаёт билан тўлиқдир.
Тонготар вақтидир бу,
Уйғонмоқ, ювинмоқдан
Эринчоқлик қилганнинг
Соати ўтиб кетар,
Яланғоч кўкрак билан
Қулочингни керганда
Олган ҳар битта нафас
Сени саломат этар.
Бир қултум қайноқ сутни
Ичгунча ўтар секунд;
Биз-ку қараб турибмиз,
Бу илиқ тухумни ют!
Атайлаб ўз уйимни
Мактаб бағрига қурдим:
Биринчи қўнғироқда
Сизлар каби югурдим,
Кекса ўқитувчиман,
Қалбим мактабга туташ,
Қўлимда бўр юқи бор
Сийёҳ ранги аралаш.
Мария Семёновна
Аллақачон кутади.
Ёшинг-ку етти-саккиз,
«Беш» олганлар ютади.
Менинг келажакларим,
Қалбимда лолаларим,
Қароғим, болаларим,
Қимматингиз ўлчашга —
Бағримда қуёшим бор,
Қундуз каби бошим бор,
Оқшом каби қошим бор,
Юлдуз каби кўзим бор,

Сўз айтмоққа ўзим бор:
Секундлар чақиради,
Минутлар чақиради,
Соатлар чақиради.

(1955, январь)

ҚУТЛУҒ ТОНГ САЛОМИ

Шаҳримиз кўчалар, йўлларга тўла,
Саф тортиб ўтади хандон болалар.
Ҳар кўча қувончга, гулларга тўла,
Шаҳримиз кўркидир жонон болалар.

Мингларча кўчадан, ўн минглаб уйдан
Миллионлаб болалар мактабга чопар,
Билим хазинаси бўлган бу ердан
Бахтининг бебаҳо гавҳарин топар.

Коммунизм асрин граждандари,
Доно қизларимиз, ўғилларимиз,
Сиз аъло баҳода ўқиган сари
Қувватга тўлади кўнгилларимиз.

Етук насларга онадек яқин,
Болага танитган дўстим, ўртоғин —
Билимлар ўчоғи мактабим, яша!
Қардошлик қучоғи мактабим, яша!

Ҳурматли, қадрдон ўқитувчимга
Тонгларни қаршилаб оташин салом!
Устоз ва меҳрибон ўқитувчимга,
Бутун халқ олқишлаб, оташин салом!

(1955, август)

МЕҲНАТ КЎКЛАМИ

Саъвалар кўк узра сайраб кетдилар,
Тол чивиқ қизларга бўлди сочпопук.
Турналар шимолга қараб ўтдилар,
Тойчоқлар адирда жуда югурук,
Қўзилар маърайди оқшом чоғлари,
Ҳаётга бурканди ер қулоқлари.
Ғунчадан бол эмар асаларилар,
Қумурсқа омборин ёяр қуёшга.
Дала-туз шамалоқ, ёшлар, қарилар,
Ҳамма куйманади қадрдон ишга,
Дилимни қистайди ота меҳнатим,
Кўкламдай беғубор тиниқ ниятим.
Мактабнинг тажриба участкаси бу,
Менинг меҳнатимга катта улуш бор.
Баҳор ирмоқлари тип-тиниқ кўзгу,
Шудгор кўтармоққа ҳаммамиз тайёр.
Далага отландик бугун баримиз,
Катта оиланинг дастёрларимиз.
Мичурин бобонинг ўргатган илми,
«Алифбе» сингари ҳаммамизга ёд.
Доим яшамакнинг улуғ билими
Навқирон юракни ҳар дам қилур шод.
Оталар изини босган тойчоқмиз,
Ўқишда, меҳнатда кўнгли чақмоқмиз.
Ота-боболари туғма деҳқонмиз,
Нонимиз сочилган олтин тупроққа.
Биз ҳам шу Ватанда кичик боғбонмиз,
Китоб варағидек ҳар бир япроққа —
Туганмас парвариш қилмак ишимиз,
Эртага агроном бўлар кишимиз.
Эркаклар кўкламнинг майин ерлари,
Юраклар осмонда варварак каби;
Малла қўзичоқдек баҳор селлари
Паҳлавон умиддан зўр дарак каби —
Зовталаб чақирар колхоз эшигин,
Тебратар бу йилги ҳосил бешигин.

21. III. 57.

ҚИШ

Тўзғиган парқу каби
Паға-паға ёғар қор.
Ер юзи кўзгу каби
Гард қўнмаган, беғубор.
Похол кўрпа ёпиниб,
Тим қотиб тоқлар ухлар,
Увишгандай қимтиниб,
Яланғоч ноклар ухлар.
Қалпоқсиз юриб бўлмас,
Кўча-кўй жуда совуқ.
Бу инжу маржон эмас,
Тол шохида булдуруқ.
Тепаликнинг бағрини
Яхмалак этиб олдик.
Ўтган гал, ҳордиқ куни
Кечгача шувиб қолдик.
Мактабнинг қўрасига
Ясаб қўйдик Қорбобо,
Папка бор елкасида,
Кўрганлар дейди: «Оббо!»
Синфимиз эртаю кеч
Ёздай исиб туради.
Совуқ киролмайди ҳеч,
Дарча тўсиб туради.
Яйраб-яйраб ўқиймиз,
Баҳолар ҳаммаси «беш».
Шеър, қўшиқ тўқиймиз,
Томларда қорлар кумуш.
Фақат мактаб саҳнида
Совуқ қотар Қорбобо.
Қўшиқ унинг шаънида,
Қатор-қатор Қорбобо.
Ҳеч ким ўша шўрликни
Ўзи эришдан қўрқиб,
Синфга чақирмайди,
«Совуқ!», деб бақирмайди.

(1960, ноябрь)



Уйлашни ўрганамиз

НОРТОЖИНИНГ КУРАК ТИШИ

Нортожининг ҳозир ёши олтида,
Бироқ чоллар каби кемшик бечора;
Бир парча гўшт ёки нон еб қўйдими,
Кечгача тиш ковлаб, бўлар овора.

Олдидаги тўртта курак тишининг
Соғи йўқ — ҳаммаси чирик, дарз кетган,
Баъзиси жуда паст, баъзиси баланд,
Баъзиси лаб юлар — мисоли тикан.

Болалар тегишиб: «Сўйлоқ», дейдилар,
Шишган милклари жуда кўримсиз;
Шунча ёш Нортожи нимага бундай,
Нега тиши тушган шўрликнинг, эсиз?

«С» билан «ш» ҳарфин айта олмайди,
Сўз ўрнига тили ҳуштак чалади,
— «Шўрва», «шамол», дегин, — деса болалар,
Яхшилаб айтолмай, ҳайрон қолади.

Нортожи ўзи шўх, эринчоқ бола —
Юзини ҳафтада аранг ювади.
Кўчада ҳам кўйларда чанг-гупроқ кечиб,
Олапар, Тўрткўзни доим қувади.

Оғзидан узилмас хўрозқанд, ўрик,
Данакни қўрқмасдан тишда чақади.
— Тишингни ювсанг-чи, — деса онаси,
Илжайиб, бепарво унга боқади.

Бир кун Нортожининг тиши оғриди,
Лунжлари олмадай шишган, осилган.
— Вой, тисим, вой, тисим, вой тисгинам-эй,
Айтингиз, ўртоқлар, не қилсам экан?

Дўстлари, болалар уни қуршашиб,
Оғзига қилдилар экскурсия:
— Қани, оч оғзингни, биз текшираамиз,
Тишингнинг оғриши нимага? — дея.

Нортожи: «Шошмангиз», демоқчи эди,
Сўз эмас, ҳуштаги чалиниб кетди.
Карнайдай оғзини очиши билан
Сассиқ ҳид ҳаммага билиниб кетди.

Болалар бирма-бир текширадилар:
— Вой-баёв! Бунисин қаранг, ўртоқлар!
Тишларда истаган нарса топилар:
Жийдами, ўрикми, писта пўчоқлар.

Айниқса, олдинги курак тишида
Бир ҳафта бурунги овқат қолдиғи;
Ёнида, бошида, оралиғида
Сақич бўлаклари, тухум сариғи.

Бир бола сўрайди: — Ўртоқ Нортожи,
Умрингда тишинга чўтка текканми?
Нортожи айтади: — Бет юволмайман,
Тисимни ювисми энди бир ками?

Дўстлари етаклаб, олиб кетдилар,
Мактабга қатновчи доктор ёнига.
Доктор тишин кўриб, бир «дори» ёзди,
Жуда фором келди оғриқ жонига.

Биласизми, ўртоқлар, бу дори нима?
Бир қути порошок, кичкина чўтка.
Нортожи эринмай ҳар кун тиш ювар,
Қизиллик югурган кулча юзига.

Энди Нортожининг тишлари дурдай;
Оғриқни, сасишни билмайди, тоза.
Ҳар кимки, тишини тозалаб турса,
Жони ором олур, ўзи покиза!

(1936, декабрь)

АЗИЗНИНГ ДАДАСИ НОС ЧЕКИШНИ ТАШЛАДИ

Азиз ифлос кийиниб
Кеча виговор олди,
 Буни текшириш керак,
Нима учун, нимага
Азиз балога қолди?
 Текшириб билиш керак.
Вали аканинг ўзи
Рабочий бўла туриб
 Носвой ҳам чекар эди,
Уйдаи, кўчадами
Парво қилмай, тупуриб
 Ахлатин тўкар эди.
«Туф», дедию кечаси
Носвой аралаш ахлат
 Пальтого келиб тушди.
Авф этингиз, болалар,
Рангин айтаман фақат:
 Кўку зангори, пушти.
Азиз пальтони кийиб
Виговорни олса ҳам,
 Уёгини айтмайман.
Вали ака айтади:
— Чекмайман, дедим, болам!
 Ахир, энди чекмайман!

(1939, ноябрь)

АҲМАД ЁМОН БОЛА ЭМАС-КУ, АММО...

Яқинда бир қизиққина иш бўлди,
Кўклам эмас, кеча ўтган қиш бўлди.

Аҳмад ёмон бола эмас, биласиз,
Еш бошига иш тушди эсиз-эсиз.

У дарслардан «аъло», «яхши» бўлса ҳам,
Интизому тозалиқдан яхши кам.

Йўқ-йўқ, у шўх эмас эди классда,
Евош эди ҳам баландда, ҳам пастда.

Интизомнинг бошқа бир маъноси бор,
Биздаги қўл, бурун, қулоқ, оёқлар,

Упка, меъда — бадандаги аъзонинг
Интизоми, иши бордир теппа-тенг.

Аҳмад бузган интизом ҳам мана шу,
Унга бир оз ётроқ эди совун, сув.

Аъзоларин тежаб ишлатмагандай,
Ювмас эди ҳафта ўтса ҳам атай.

Ана шундай қилиб бир кун, ўртоқлар,
Аҳмаддаги қўлу кўзу оёқлар

Йиғилишиб бир-бирига ҳасратлашди,
Ҳасрат анча чўзилиб ҳаддан ошди.

Сўз бошлади тикка туриб оёғи,
Қора чармдай ифлос эди ҳар ёғи:

— Мен нимаман, занглаган болтаманми,
Аҳмаджонда бир эмас, олтиманми?

Бирин қўйиб, яна бирин ишлатса,
Чўлоқ кетмон эмасманки, пешлатса!

Олиб бордим ҳар истаган жойига,
Култепами, ўрми, қирми, сойига.

«Сакра», деса сакрадим, чопса — чопдим,
Лой тепдим, тезак тепдим, чалма ёпдим.

Мен шўрликни шиша тилди, мих кирди,
Инсоф билан кўринглар ҳамма кирни.

Сув келмайди, ахир, қурдим дарёдан,
Шарақ-шарақ оқмоқда ҳар бир ёқдан.

Қадрим йўқми бир обдаста сувча ҳам,
Валижоннинг оёғидан нимама кам?

Уйда оёқ кийими бир неча пар,
Чувак, маҳси, сандал, калиш, туфлилар.

Ҳаммаси ҳам первой сорт, «скороход»,
Биронтасин кийса бўлмасми ёхуд?

Қоқилишдан яра-чақа ҳар ёғим... —
Шу гапдан сўнг йиғлаворди оёғи.

Секин туриб сўз бошлади қўл тикка:
— Мендай қўлни сотса бўлмас юз мингга.

Ҳали ёшман юракда кўп тилагим,
Мен улғайиб, чиниққанда билагим

Аэропланнинг штурвалини ушлашга
Ва душманнинг жиғ-жиғига муштлашга,

Сафларини йириб-ёриб, итариб,
Ғалабанинг шон байроғин кўтариб,

Ёрнинг баланд ўрнига ўтқазишга,
Сўнг энг яхши поэмалар ёзишга

Мендай қўлнинг соғлиғи жуда керак,
Ҳозир эса қўл эмасман — белкурак.

Биласизки, аёлмандман — ўн бола,
Ҳар бир болам қилар Аҳмаддан нола.

Шундай ишлар буюради уларга,
Номус эмас, айтиб берай сизларга:

Бош бармоқдай ўғлим бурга овлайди,
Қорамалдоқ доим бурун кавлайди.

Кичкина нозик қизим жимжилоқ
Тозалайди эринмасдан кир қулоқ.

Қолганларин ишин айтсам, кўп уят,
Оиламиз эмас, ахир, беният.

Мана, кўринг, болаларнинг ўзини,
Ўсиқ тирноқ сирини, ич, юзини.

Қўл хўрсиниб бармоқларни кўтарди,
Упка унинг аҳволига йўталди.

Меъда: — Тўғри, — деди қўпол ҳам йирик.
— Тўғри, — деди, ғулдуради кекирик. —

Бу ҳасратдан бизда ҳам етарли бор,
Бўлиб қолдим сўнгги пайтда мен омбор.

Аҳмад еган овқатларда тартиб йўқ,
Гоҳ аралаш, гоҳ қуралаш очу тўқ.

Ер ёнгоғу қурт, хўрозқанд, семичка,
Хом сувлардан ичак бўлди ингичка.

Инсоф қилинг, бу қанақа иштаҳа,
Ҳам кечгача йўталар «аҳа-аҳа».

Ҳолвайтарни улгурмайсан ҳазм этиб,
Орқасидан келар морожний етиб.

Устига-устиг тухум еган нимаси,
Тухумдан сўнг яна бир кафт монпаси.

Бу ҳам камдай, сельтер суви, мармелад,
Мен нимаман, эмасман-ку, искалад?

Тасдиқлади юрак меъда сўзини,
Дук-дук уриб билдирди ўз-ўзини.

Сўз қисқаси, шундай қилиб, ўртоқлар,
Упка, жигар, тилу, жағу қулоқлар

Узоққина бир-бири-ла ҳасратлашди,
Мажлисдаги танқидлар ҳаддан ошди.

Кўз ачишиб шивирлайди сирини,
Бурун эса кўрсатар ўз кирини.

Ҳамма аъзо айтади: «Афсус-афсус»,
Бадан қизиб бўлди қирқ бир градус.

Бу мажлисда раис эди ақлу бош,
Гарангсимон ўрнидан турди ёвош:

— Мажлисимиз кўп узоққа чўзилди,
Кўп аъзонинг бунда нерви бузилди.

Ўзимни ҳам оғригандай сезаман,
Шунинг учун бир таклиф киргизаман:

Аҳмаджондир хўжайин ҳаммамизга,
Интизомга, тозалikka ва бизга.

Бундан кейин бермас экан эътибор,
Ишламаймиз, мана, кўндаланг қарор.

Бош сўзига қўшилди барча аъзо,
Бу иш эди Аҳмадга яхши жазо.

Юрай деса — оёқлари бемадор,
Қўли буйруғига бермас эътибор.

Ўқий деса — кўзи тиниб кетади,
Тил босринқи алжишларни айтади.

Ҳеч қандай овқатга иштаҳаси йўқ,
Муттасил ўқчийди қуруқдан-қуруқ.

Худди мисдай қизиган пешонаси,
Ўрнига ётқизди суяб онаси.

Докторга югурди рабочий ота,
Аҳмаджон ётади бўшашган латта.

Икки соат ўтгандан сўнг отаси
Кириб келди, орқасида биттаси.

Аъзолари шивирлашиб олдилар,
Келувчига секин назар солдилар,

Кўз — лампочка, қулоқ — репродуктор,
Билдиларки, келаётибди доктор.

Доктор қўйди қўлтиққа термометр,
Ҳар аъзони текширди у бирма-бир.

— Аҳа! — деди охирда ўз-ўзига,
Терс ётқизиб яғринга қўйди банка.

— Касал унча қўрқинчли ҳам эмас,
Бузуқ меъда, иссиқ-совуқ, кирлик, бас.

Ўзин тежаб, манов дори ичилса,
Ажаб эмас, касал бадандан жилса.

Яна ўзим хабар олиб тураман,
Текшираман, назар солиб тураман.

Доктор кетди, шўрлик Аҳмад ўн беш кун
Касалликнинг аламин чекди бутун.

Эринмасдан дори ичиб, парҳездор,
Доктор ундан бўлиб турди хабардор.

Бош оғриғи ўзга кела бошлади,
Тил ҳам энди сўзга кела бошлади.

Иштаҳаси кирган, овқат сўрайди,
Кўз очилиб, баданга мўралайди.

Қўл, оёқ кучга кириб ғивирлашар,
Бутун аъзо ўзаро шивирлашар:

— Аҳмаджонга шу жазонинг ўзи бас,
Эсли бола қадримизни унутмас.

Иш бошлайлик, етар энди, ўртоқлар.
— Маъқул, — деди юрак, жигар, талоқлар.

Сўнги марта доктор келди кўргали:
— Тузалибсан, ўғлим Аҳмаджон, балли.

Мен ёзаман сенга яна бир дору —
Ҳаммом, совун, мочалкаю иссиқ сув.

Бу гаплардан Аҳмад жуда уялди,
Отасининг елкасига суялди.

Ота-бола жўнадилар ҳаммомга,
Сув югурди мурғаккина ёш жонга.

Аҳмад хурсанд, бошдан-оёғи хурсанд,
Юзи тоза, бурни худди хўрозқанд.

Юрак текис дук-дук этиб уради,
Оёқлари қайга деса юради.

Қўллари ҳам севинчидан чапакда,
Бутун аъзо бир-бирига кўмакда.

Энди Аҳмад соғлом, тоза, аълочи,
Меъда кучли, тишлари мисли инжи.

Чунки унинг ҳар ишида интизом,
Ҳикоясин тугатди Ғафур Ғулом.

21 апрель, 1940 йил

ОЛА БУЗОҒ

Уй ичимиз билан шу кеча
Ухламадик оппоқ тонггача.

Бизда қўнғир сигир бор эди,
Соғ-саломат кўзи ёриди.

Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор,
Усти қора, бағри оппоқ қор.

Тили худди лола япроғи,
Сапсар гулдай тикка қулоғи.

Думи гажак, қўнғир-қўнғироқ,
Садаф мунчоқ тиши ялтироқ.

Олхўридай қуралай кўзи,
Босволдидай чўзинчоқ юзи.

Бақбақаси маржон осгандай,
Тумшуғига чақич босгандай.

Хиёл ўтмай бурни терлайди,
Нафасидан келар сут ҳиди.

Бурун учи — дона-дона тер,
Мўнграб-мўнграб алланима дер.

Қамчин даста ҳар бир оёғи,
Бирам жажжи силлиқ туёғи.

Ола бузоқ туғилиб олди,
Оғзимиз ҳам оқариб қолди.

Биринчи сут — оғиз бўлади,
Седанадан мағиз бўлади.

Бир, икки, уч... олти, дегунча,
Тана бўлиб етилар шунча.

Битта сигир икки бўлади,
Қаймоқлари локки бўлади.

Сутларини соғиб хурмага,
Топширамиз колхоз фермага.

Мана, қатиқ, мана, сметан,
Пишлоғини есанг, тўймайсан.

Катта бўлсин ола бузоғим,
Овунчоғим, эркам, маъроғим!

(1949 йил, июль)

УЙЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Мухторжон олти ёшлик
Синглисидан сўради:
— Мунисхон,
Ростингни айт,
Ўйлашни биласанми?
Мунисхон акасига
Ажабланиб қаради:
— Ака-а, ўзинг айта қол,
Ўйлаш деган нимади?
Мухторжон жиддий туриб,
Қошини бирга йиғиб
Синглисига кўрсатди:
— Мана, мен ўйлаяпман...
— Нимани ўйлаяпсан?
— Жуда кўп ўйлаяпман:
Морожнийдан тоғ бўлса,
Нуқул гилос боғ бўлса,
Бир қозон қаймоқ бўлса,
Туядай пишлоқ бўлса...
Оғзининг суви келиб:
— Вий-й,— деворди Мунисхон, —
Тўхтаб тургин, акажон,
Мен ҳам ўйлаб боқаман.
— Тез ўйла,— деди Мухтор.
— Тура тур, ўйлаб олай:
Ҳи-и... Битта қўғирчоқ бўлса,
Қалити бузилмаса,
Кўзини юмганида
Мени ҳам кўриб турса...
— Шу ҳам ўйлаш бўлдимми?
Ўйлашни ўрганиб ол!
Сен ойи бўласанми?
Кўзин пир-пир учириб:
— Сен-чи?— деди Мунисхон.
Мухторнинг жаҳли чиқди:
— Мен қиз бола эмасман,
Қизлар ойи бўлади.
Мен катта бўлганимда,
Беш юзга кирганимда
Катта дада бўламан.

— Қизинг ҳам бўладими,
Оти нима бўлади?
— Юзта қизим бўлади,
Оти Пунис бўлади.
— Вий-й,— деворди Мунисхон, —
Мен-чи, ойи бўламан...
Мингта ўғлим бўлади,
Оти Пухтор бўлади.
Ҳи-и,— тилин ликиллатиб
Гиж-гижлатди акасин.
Шундай қилиб, дўстларим,
Сўлим, шинам боғдаги
Сув крани тагида
Ўйнаб юрган икки ёш
Ўйлашга бошладилар.

(1962, июль)

КЕККАЙМАЧОҶ СОБИРЖОН

Генерал Собир Раҳимов
Кўчаси,
Қирқ учинчи...
Бу уйда яшовчи кўп,
Шулардан бириси-чи,
Собир Пўлатов деган
Тўққиз ёшли кеккайма.
Унга сен нима дема,
Кеккайгани кеккайган...

Нима қизиқ гап айтсанг:
— Бе,— дейди,— мен биламан,
Сиз ҳали қараб туринг,
Ундан қизиқ қиламан...
Телецентр вишкасин
Уйимга кўчираман.
Тепасига чиқаман,
Варрагим учираман.
Комсомоллар кўлидан
Амугача сузганман,
Сакрашда Брумелдан
Ярим метр ўзганман.
Шунинг учун номимга
Кўча қўйиб кетишган,
Лекин фамилиямни
Бир оз хато айтишган.

Атрофини қуршаган
Дўстлари хахолашар.
«Роса қойил қилдим», деб
Собир ҳаддидан ошар.

Бир куни мард Гагарин
Космосга учганини,
Дунё айтиб офарин,
Фазони қучганини
Дадаси Собиржонга
Бир-бир ўқиб берганди,
Кичкина кеккаймачоғ
Манглайин жимирганди.
— Бе,— деганди кеккайиб,—

Космос деган нимамиш,
Ушанақа ракета
Меники бўлганида,
Эҳ-ҳе, қандай учардим,
Бир зумда у юлдуздан,
Бу юлдузга кўчардим...
Деганида дадаси
Мийингида илжайиб:
— Ҳов, албатта, албатта,
Ёшингга тўлганингда
Янги кема тузилар,
Гагариндан ўзилар,—
Деган гапни айтганди.
Ундан ҳам олдин бир кун
Тўрт азамат баҳодир
Қирқ тўққиз кун адашиб
Океанда қолганида,
Қутурган ваҳший тўлқин
Ҳар дам қўрқинч, хавотир,
Қайиқ сари тирмашиб
Даҳшатлар солганида,
Ўлим билан беллашган,
Очлик билан курашган
Бутун дунёга машҳур,
Жасур, қўрқмас ва мағрур
Мард совет солдатларин
(Сиз биласиз отларин...)
Радио айтиб берганди,
Собир кўкрак кERGанди:
— Бе, океан нимамиш,
Шундай қайиқ бўлганда
Қирқ тўққиз кун жуда оз,
Мен юз кун сузолардим.
Улар этик еганда,
Этик мен учун — кишмиш.
Синаганман илгари.
Мен ҳам Гек Финн сингари
Тахталарни арралаб,
Қипиқларни саралаб,
Тўйиб олиб жуда соз,
Бемалол кезолардим.
Атрофини қуршаган
Ўртоқлар хахолашар,

«Роса қойил қилдим», деб
Собир ҳаддидан ошар.
Лекин бу кеккаймачоқ
Кеча шарманда бўлди,
Икки синф болага
Роса чирманда бўлди:
Дарсдан кейин вожатий
Ўқувчиларни тўплаб,
Ҳайвонот боғи сари
Олиб бормоқчи бўлди.
Собир дарров важ топди,
Лабини гапга жуфтлаб:
— Кўп борганман илгари,
Бормайман, — деди, кулди. —
Бе, ўша ҳайвонларнинг
Нима ҳам қизиғи бор?
Ўн қулоч илонларнинг
Ямалган, узуғи бор.
Қоплонлар терисида
Беқасам чизиғи бор.

Уни тўхтатди Аброр:
— Тўхта, сенга савол бор:
Жирафа қандай ҳайвон?
— Эҳ-ҳе, — деди Собиржон, —
Шуни ҳам билмас Аброр,
Жирафа деган ҳайвон
Ҳайвон эмас, жонивор.
Мушукдан кичик ўзи,
Китдан сағал каттароқ,
Ёнбошида тўрт кўзи,
Тимсоҳдай юм-юмалоқ.
Шимпанзедай ўрмалаб
Ер остида яшайди,
Туяқушдай тимдалаб,
Юмронқозиқ ошайди.
Оқ айиқдай хартумли,
Бегемотдай уч думли,
Помирда кўп учрайди...
Қий-чуввос ҳаддан ошар,
Болалар хахолашар.
— Қойил-э! — дейди Аброр. —
Помир қайда, айтивор!

— Помир унча узоқмас,
Охунгузардан нари,
Тешикқопқа томонда.
Болалар уриб қийғос,
Ҳеч ким қолмай армонда
Хахолар унга сари.

* * *

Ана шу-шу бўлди-ю
Кеккаймай қўйди Собир.
Ниманики билмаса
Ўрганиб олар бир-бир.
Бари бир ўртоқлари
Уни кўрган чоқлари
Жирафа эсга тушиб,
Илжайиб қўядилар.
Собиржон қувноқ бола,
Дўстлари севадилар.

(1963, март)

АҲМАДЖОН — ФОТОГРАФ

Аҳмаджон фотограф,
Ёйилди овозаси,
Ишшайиб йиғолмайди
Оғзининг дарвозасин.
Бир қўлида штатив,
Ёнбошида «Смена».
— Четга чиқ, уста келди,
Уста бўлганда — мана!
Болалар дув ўрашиб
Суриштириб қолдилар;
Аҳмаднинг сўзларини
Ҳатто ёзиб олдилар:
— Мана шундай саф туринг,
Ҳозир сурат оламан,
Кейин бу ленталарни
Тиниқ сувга соламан.
Биру икки, уч, дейман,
Бу ерин босаман «чиқ».
Сен озгина кулиб тур.
Сен Нодир, бу ерга чиқ.
Болалар жим туришар
Саф тортиб, ғоят сипо.
Орадан икки ҳафта
Ўтиб кетса ҳам аммо,
Аҳмаджондан дарак йўқ,
Сурат қаёқда дейсиз!
Униси ҳам майли-я,
Вақт кетган, эсиз-эсиз.
Аҳмаджон асли теги
Фотони билмас экан,
Техника ўрганишни
Назарга илмас экан.
— Суратимни ол, — деди
Бир куни Жуманиёз.
Жуманиёз, қаёқда,
Чиқибди жўжаҳўроз!
Шундан кейин Аҳмаджон
Анчагина уялмиш,
Ҳаваскор тўғаракка
Ихлос билан йўналмиш.

(1963)

ЧАҚЧАҚЛАШАЙЛИК

Кашикул хангомаси

Кузнинг биринчи ойи,
Йилнинг кўрки-чиройи.
Йўлларга гул сочилган,
Шовқин-сурон ичида,
Мактаблар ҳам очилган,
Саҳн тўла болалар —
Кўнгли гул-гул далалар
Тортишув ўз кучида.
Ёз бўйи ким қаерга,
Қайси тоққа борганин,
Августда қайси қирда
Шер юрагин ёрганин
Ваҳмаю лоф аралаш,
Бир-бировга гап бермай,
Навбат бўлиб хомталаш
Мақтанишар пойма-пой.
Бир эчкидан беш қўзи
Олганмиш Юсуф ўзи.
Куч-қудратин аямай
Аҳмад, Мели, Жўравой
Тянь-Шанга чиқибди,
Нишон калтак тиқибди.
Тушарда ўн бўрининг
Қазибдилар гўрини.
Ёглаб туриб таёқни
Савабдилар айиқни.
Ойша ўз қўлтиғида
Ўн беш жўжа очибди,
«А», «В» витаминларни
Дон ўрнида сочибди.
Жўжалар уч кундаёқ
Товуқ, хўроз бўлибди,
Шўрваси ширинмишу
Тухуми оз бўлибди.
Бунга Наби: — Бе, — дейди, —
Мен боққан бузоқни кўр.
Энди уч ойлик бўлди,
Беш яшар буқадан зўр,
Бир машина ейди ўт,
Ўн челак беради сут.

Зокир боққан балиқлар
Аквариумга сиғмабди,
Деворни ёриб чиқиб,
Дарё излаб йиғлабди.
Латофат мақтанади:
— Қулоқ солинглар жиндак.
Боғчага олча экдим,
Қўлимда сочма челақ.
Гуллади ҳам, пишди ҳам,
Ширин мураббо бўлди.
Бу гаплардан зериккан
Туроб дер: — Оббо, бўлди!
Мана, Туроб бир ўзи
Қўлида болға, ранда,
Ҳеч ерга чиқмаса ҳам
Бўлгани йўқ шарманда:
Укасига ўзича
Ясаб берди курсича.
Кейин ясади нарвон,
Еттита катта диван.
Жажжи қиз Кумушхоннинг
Боғида ҳар мева бор:
Баҳори қовун-тарвуз,
Кузги қулупнай, анор.
Бу ерда анжир, беҳи
Пишганига ой бўлди.
Колхознинг бозори ҳам
Меваларга бой бўлди.
Дерки: — Очилди чаман
Олти туп эккан пахта.
Олачипор товуғим
Теришга берди ёрдам.
Чиройлидир Тошхоннинг
Чизиб қўйган сурати.
Ҳатто, Эрмитажда ҳам
Қўйилган эмиш оти.
Шундай қилиб десангиз,
Мактабларга борсангиз,
Ваҳмаю лоф аралаш,
Навбат бўлиб хомталаш
Сўзлашар чала-ярим
Бахтиёр болаларим.
(1965, июль)

ЯНА ҚИЗИҚ ҲАНГОМА

Катта танаффус вақти
Беш минггача дўст билан
Мирза Мухтор —
Беруний
Майдонига йўлланди.
(Жуда ҳам беш минг эмас,
Ун етти киши эди.)
— Метро шунда бўлади! —
Деди Саша Иванов.
— Йўқ, бу ерда бўлмайди,
Бизнинг уйда бўлади! —
Деди Турғунжон яниб.
— Метрони кўрганмисан?
Ракетадан каттакон,
Филдан сағал кичкина...
(Шошиб гапирар эди,
Конфети тушиб кетди,
Тамшаниб қолди Эркин.)
Ана шу гапдан кейин
Оля холанинг қизи
Маҳмадона Наташа:
— Подумаешь! — деб қўйди.
Мухтор илжайиб қўйди:
— «Гунча» деган журнал бор,
Шуни ўқиганмисан?
Рангдор бўёқ суратни
Умрингда кўрганмисан?
— Метро бундоқ бўлади.
Жуда катта самолёт
Кўкдан ғувиллаб ўтди,
Болалар метро баҳсин
Шу ондаёқ унутди.
Тили чучук Лутфулла:
— Мен учинчи синфда
Бу самолётдан ҳам катта
Ракетага минволиб
Ойда юрган бўламан!..
— Бе! — деди тагин Саша. —
Менинг битта сирим бор,
Уйлаб қўйган фикрим бор:
Мен чанғида олдинроқ

Африкада бўламан.
— Африкада қор йўқ-ку? —
Хахолаб кулди Эркин.
Саша ҳеч бўшашмади:
— Сен менга қўйиб бергин,
Қорсиз учиш йўлини
Ўзим ўйлаб топаман.
— Лутфулла Ойга кетса,
Сашавой — Африкага,
Кетавер, нима менга?
Менинг бунда ишим кўп;
Тошкентнинг ҳар ёғида
Ўн саккиз, ўттиз қават
Бино қуриб ташлайман.
Томига узум экиб
Агрономдай яшайман.
Бу гапларга анграйиб
Эргашарди Ҳалима.
Морожнийи сув бўлиб,
Кулиб юборди ҳамма.

* * *

Қўнғироқ уриб қолди,
Ҳамма югуриб қолди.

(1966, март)

КОММУНИЗМНИНГ ЙИГИТ НАСЛИГА



Бизнинг ҳар биримиз ҳам ҳақиқий медал
Бизнинг ҳар биримиз ҳам ҳақиқий медал



Ғолиблар байрами

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН

Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.
Шунчалик юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.

Ёруғлик жаҳоннинг бошланғичидир,
Жонини бағишлар нурга парвона.
Сен ёққан чароғнинг машғаласида
Порлади асрлар, замин, замона.

Ўзбек хонасини ёритмоқ учун
Қуввати етмади шамси самонинг.
Ильич шуъласидан баҳраманд бўлдик
Ўзинг тузиб берган ГОЭЛРОнинг.

Ленин партиясининг пешволигидир
Бахтимнинг камоли, ҳаётим сири.
Чунончи шу онда бахтиёр эмас
Жаҳонда менчалик бағдодий, мисрий.

Ўғлим Абдуқодир икки ҳарфни
Бир-бирига қўшиб айтолмаса ҳам,
Улуғ бобомизнинг азиз номини
Хижосиз айтади, мукаммал, кўркам.

Эртаги минг йилнинг одамлари ҳам
Табаррук умримни қилурлар ҳавас,
Чунки Владимир Ильич Ленин билан
Замондош бўламан, жондош, ҳамнафас.

Ўзбекнинг уйида доимо шодлик:
— Алло, Москва сўзлар! — демак она шаҳр.

Қайси бир бечора инсон бор экан
Ленин нафасидан олаолмаган баҳр!

Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.
Шунчалар юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.

1947

БИЗНИНГ КҮЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БҮЛАЖАК

Маҳшар ҳаётнинг ҳам чегараси бор,
Зулм занжиридан сўкилар тугун,
Информбюромиз башорат берар:
Муқаддас арафа кунлари буқун,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Боғимиз ҳуснида хазон офати
Кўклам ели билан чечак отгувси.
Бу хўрлик, ҳақорат, алам кулфати
Жаҳаннам қаърига бориб ботгувси,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Бутун савати-ла алвон ёзилур
Қатта оилага лойиқ дастурхон.
Қадрдон дўстларга нома ёзилур,
Чунончи: «Бўлинг,— деб,— бизларга меҳмон»,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қрим шароблари жомга қуйилур,
Мусибат кун тўкилган қон билан ёшдек,
Сахий баркашларда буғланиб келур
Украинанинг нони иссиқ қуёшдек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қизларни қўлтиқлаб келар қаҳрамон,
Кўзларда акс этар ўлмаган бу насл.
Қулоқда «бобо» деб янграйди нидо,
Олтин бешикларда туғар янги фасл,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Йигитлар давра олиб айтурлар қўшиқ,
Ҳижронзада қизлар бўлиб жўр овоз;
Висол кунидир бу ва мукамал ишқ
Одамлик шаъни-ла қилади парвоз,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Рақслар бошланур, гулўйин, гопак,
Ҳунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним,

Ширакайф қарсақлар, гулдурос чапак,
Улуғ айём кунидир, қолмас армоним,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Шоир ҳам шеър ўқир завқдан асабий,
Шеърини ўқийди у биринчи бор.
Шеърда Гитлердай итвачча каби
Лаънати сўзлардан бўлмайдигубор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ивирсиб базмга кечикиб қолсам,
Ғолиблар авф этсин — бир оз узрим бор;
Бисотда йўқ эмас, қийиқ, беқасам,
Бирор кун дам олсин азиз жомакор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Ғафлат ҳаммомида кириб қолади,
Енгил тортажакман мисоли пардек;
Кўринган дўстларим белим олади
Ғолиблар белида олтин камардек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Жаранглаб червонлар ҳамёндан чиқар,
Қизларимга атаб хина оламан.
О. ранглар...
Ой туғиб, офтоб болқар,
Ҳақиқий ҳафтранг, ҳақиқий чаман,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қариндош, қондошлар ҳалқасин қоқиб,
Эринмай айтарман: «Айём муборак!»
Афв этсин оламнинг посбони эрлар,
Афв этсин ғолиблар, кечиксам андак,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Қиёмат куннинг ҳам сўнгги бор ахир,
Бўлмагай бу зулмат билониҳоя.
Ватаним тонг тўйи ғоятда яқин.
Бизгажак мутлақо ленинча ғоя,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

23 ноябрь, 1942 йил

КУЗ КЕЛДИ

Урушдан қайтган ғолиб отадек
Қўни-қўнжи тўлиб сахий куз келди.
Қатор тевааларга сепини ортиб,
Мардликнинг юртига етук қиз келди.

Қирқ беш ёшдагидай мош-биринч соқол,
Барваста, меҳрибон, ялангтўш, танти,
Ағдарма этикнинг чанги ҳам қутлуқ
Барака йилдаги хирмоннинг гарди.

Сумбула сувидай тиниқ манглай тер
Марварид доналар бўлди оқибат.
Чалишмак мезонин ботмоқларидан
Юлдуз сон қанорлар тўлди оқибат.

Қуёшга тиг уриб учди куркинак,
«Кузак яхши бўлур», деган дарак бор,
Қирқини бажардинг, қирқ бири — йиғим,
Қани бир этакни бар уриб юбор.

Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди
Димоғни шод этар, руҳни саломат;
Шарбат-шароблардан сипқорган киши
Тўқсон йил яшайди кўрмасдан офат.

Ишкомлар ёқуту ақиқ хазина,
Қирқ беш ном узумлар осилган атан.
Ўлмай, эй, қўли қанд, жафокаш боғбон,
Яшай бер, боғларга чулғанган Ватан.

Қирқуяк ёмғири шивирлаб ўтди,
Чўпон қўчқорларга ташлайди назар,
Келаси кўкламда қўзи кўп бўлур,
Алҳазар, ярамас кўздан, алҳазар.

Тавротда афсона: бир олма учун
Жаннатдан бадарға бўлганмиш Одам...
Ёпирилиб келинглар, азиз одамлар,
Бу ер одам ери — муқаддас, кўркам.

Бизда олмаларнинг юз беш тури бор;
Розмарин, бильфлёр, жоноқи, қандил...
Олма тақдим этмак муҳаббат рамзи,
Олмада акс этар қонга тўла дил...

Тилими тилингни минг тилим қилган
Қирқмалар боғлади юкин қовғага,
Асалжон Шакаров паспорти билан
Бебилет жўнайди дўстга совғага.

Нимтатир шабада, шабнам, бедана,
Чайлага ўрмалаб чиққан сувқовоқ...
Соҳибкор ўзбексан, бу ер полизинг,
Мен эса шаҳарлик бир ширин томоқ.

Ёз бўйи уч-тўрт гал ер этагидан:
«Ҳорманглар-ў», — қичқириб ўтиб кетганман.
Бу гал инсоф билан, колхозчи ўртоқ,
Сенга ёрдам учун келиб етганман.

Меҳнат кузагининг тўйин файзидан,
Қолмагай дарёдил эрлар бебаҳра,
Яккалай жасорат меваси ирмоқ
Бир қатра бўлса ҳам қуюлар наҳра.

Зумуррад бутоқда, олтин чаноқда
Биллуриин май тутар кўркам пахтазор.
Ўз сўзли ўзбекнинг кўклам ваъдаси
Минг карра минг тонна, ҳазор бор ҳазор.

Инжу доналаринг бўлмасин увол
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек,
Қишнинг гулдуросин кутиб ағрайма,
Карнай овозига ишқибоз кардек.

Иккита чаноқнинг пахтасин олсанг,
Энг ози — бир ғалтак чийран ип бўлур.
Исрофгар ўз бахтин душмани ахир,
Белинг оғриган-ку, нечук эп бўлур?

Куз келди, ғанимат олтин куз келди,
Манглай осмонига минг юлдуз келди,

Урайлик, йиғайлик, терайлик, дўстлар,
Бир кутган унумдан юз тўққиз келди.

Элдошлар оғзига бол қуйғувчимиз
Қондошлар, киясиз янги сарупо,
Ўз сўзли ўзбекнинг ваъдаси битта,
Минг карра минг тонна пахта жо-бажо.

Ғолиб ватандошим, кеккай, ҳаққинг бор,
Бу карвон юкидир меҳнатинг — меванг.
Шаҳарлар кезади мағрур одим-ла
Бўйнида қўнғироқ гилампўш теванг.

(1945)

ТОШКЕНТ

(12 ноябрь, соат 6, тонготар)

Уфқнинг этагида майин қизиллик ўйнар,
Сўнги кулимсаш билан Зухра ҳам термулади.
Тарновда ўсмир чумчуқ қанотини тузатар,
Кампир ҳовли саҳнида ивирсилаб юради.

Майсаларнинг сочига
Қиров қўниб қолибдир,
Булоқнинг ҳоври кетиб,
Лаби тўнғиб қолибдир.

Суворов мактабининг дев қоматли биноси
Секин йиғиб олмоқда асфальтдан кўланкасин.
Подъёмга чақиради фанфарларнинг садоси,
Саша чўткаламоқда шинелининг елкасин.

Фараҳли тонготарнинг
Файзи бор, сурури бор.
Шу кичик юракларда
Кутузов ғурури бор.

Расо бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб,
Муюлишдан трамвай ғийқиллаб ўтганига,
Осмондаги тўлин ой шафақ аро ёнбошлаб,
Коинок минбаридан юмалаб кетганига.

Ўкирар Текстилни
Мағрур, вазмин гудоги.
Узоқ-узоқдан келар
Бўзсувнинг гулдурани.

Кўкда қора карвондек аста жилиб бормоқда
Н-нчи заводларнинг мазутланган дудлари,
Нон комбинат печидан буғланиб тарқалмоқда
Тўйинчилик йилларнинг иштаҳали ҳидлари.

Юз тоннали ханпада
Хамирлар гупуради,
Райпишчеторг қизлари
Дўконин супуради.

Аэродром майдонин чулгаган кумуш туман
Қиймаланиб ўтади қатор пропеллардан.
Ўнлаб оғир самолёт шарқу ғарб, шимол томон
Азму салобат билан ердан кўтариларкан —

Олис йўллар шунқори,
Ошноларга салом айт,
Масковданми, Урганчу
Кавказданми, омон қайт.

Ўзбек трассасида манглайи тонгни ёриб,
Пахтачи машиналар қатор кетар ғувуллаб,
Пунктнинг хирмонлари қорли тоғдай оқариб,
Ўнгу сўлда қолади бири-бирисин қувлаб.

Шаҳарлик кўмакчилар
Терим учун йўл олар,
Манзилгача кузатар
Куркилдак билан Салор.

Вокзалда соат учдир. Москвача интизом,
Терлаб-пишиб, ҳансираб, тўхтади паровоз ҳам,
Тез тушишга шошади йўловчилар беором:
Омон-эсон етдингиз, тўрт кўз тугал, хотиржам.

Бағри кенг ота шаҳар,
Қўноқларга чиқ пешвоз,
Салом бер, қўлга сув қуй,
Йўлнинг ҳордиғини ёз.

Кўчанинг у юзида мутахассислар уйи.
Иккинчи қаватида инженер Попов яшар.
Не учундир ўчмади чароғи туни бўйи,
Балки ижод уйқунинг фурсатини талашар.

Рубобий пардаларнинг
Оҳангида тонг отур,
Ҳойнаҳой бир янги куй
Яратди композитор.

Қуёндай ҳуркак, бедор дояларнинг уйқуси,
Юракда доим зовта, ташвишли, аммо кўркам

Тонгнинг мушфиқ қўйнида чақалоқнинг йигиси,
Қуёш билан баробар кўз очди янги одам:

Тинмағур шаҳримизнинг
Субҳида шунча овоз,
Хатто туғруқхона
Бу овозга қўшди соз.

Кўчада қий-чув кўпди, «нима гап?», деб қарадим.
Олмоснинг сиёҳини тўккан эмиш Хадича.
Мактабга кетар эди болалар туркум-туркум,
Соат ҳам саккиз ярим, қаранг-а, ҳа, дегунча.

Тонг смена алмашиб,
Офтоб ҳам найза бўйи,
Ана энди бошланар
Кундузги меҳнат тўйи.

Бир умрлик севгининг майда жузъидир бўса,
Бир бўсаи субҳнинг қадридек кичик бу шеър.
Сени мақтамоқ учун умрим тонготар бўлса,
Субҳидамдек тотади жонимга сучук бу шеър.

Туганмас хазинангни
Тинмай қозганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин.

Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шан,
Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон, дўст, эмукдош
Қиши — ёз, кузи — баҳор, тунги — кундан
равшан,
Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош.

Муқаддас Совет элин
Кўркисену бахтисен,
Шарқда ёруғ дарича,
Ўзбек пойтахтисен.

12 ноябрь, 1946 йил

АЛИШЕР

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдир акси садоси,
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда
Буюк Алишернинг асрий нидоси.

Она сутидан ҳам азиз нарса йўқ,
Бағир: форсий — сийна, арабчада — садр.
Кўкрак сути билан боққан ўғлини
Она юрт халқлари қилмоқдадир қадр.

Биринчи тамшанган сутнинг ҳурматин
Бутун ҳаёт бўйи оқлай ололган,
Теварак оламда кўркин кўрсатиб,
Ватан ва халқини йўқлай ололган;

Тирик одамларга насиба бўлган
Ҳаётгий фароғат, жаҳоний алам;
Бириси озгина эркалаб ўтиб,
Бириси бир умр таъқиб қилса ҳам;

Тўфон, қуюнларда яккаю ёлғиз,
Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур,
Темурланг давлатин сўнгги чоғида
Саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур —

Дарахшон юлдузлар сари ўкирган
Бўйнида занжиру қалби озод шер.
Инсоний муҳаббат меҳри-ла вафо,
Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер.

Ҳирот тонготарин тасаввур қилиб,
Йигитлик умрингнинг камолин кўрдим:
Қариган чоғларинг қаро шомида
Хуросон ўлкасин заволин кўрдим.

Заволни билмаган порлоқ ижодинг
Маърифат мулкида битмас хазина!
Инсоний камолот катта йўлида
Бир поя юксакроқ олтидан зина.

Ўтмишдан беш юз йил тарихчи учун
Синчиклаб қараса — куни кечадек.
Яшовчан кишига эндиги минг йил
Эртага қўлига кирган ўлжадек.

Беш юз йил ҳурматинг сақлаган ўзбек
Кеча туғилдинг, деб қилади фараз,
Етук кишиларни яна минг йиллар
Халқ фарзанд атайди, жондан — беғараз.

Ўзбек деб аталган озод улуснинг
Отахон шоири, қадрли устод.
Ошиқлар ғазалинг куйга солганда,
Маъшуқлар дилининг хонаси обод.

Бирор шоҳбайтингни ёддош тутмаган
Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ.
Олтин балдоқдаги нефрит кўз каби
Асаринг биз учун бўлди қорачиқ.

Улуғвор халқимиз тарихда машҳур,
Гувоҳлик беролур бунга Геродот.
Ўзбекни, тожикни қабила атаб,
Бирор лорд қилолмас ўтмишни унут.

Шарқимиз чумоли уя эмасдир,
Бирин бировидан таниб бўлмаса,
Шўрлик бойваччалар, толеингиз шўр,
Афсуски, тарихдан таниб бўлмаса!..

Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жафоларни тортган эски Шарқ —
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ.

Алишер Муштарий юлдузи каби
Ўзбек осмонида болқиган чоғи,
Яна бир муҳтарам ўғил кўргандай,
Каттароқ очилди олам қучоғи.

Электр барчанинг уйин ёритур,
Ва туз тотимида миллий фарқ йўқ.

Маърифат инсоннинг шерик хислати,
Ватани фазодир бўшаларкан ўқ.

Тирик Фарҳодларни танимак бўлиб,
Олий юртимизга қилсангиз сафар,
Бу ерда ҳар битта тарошланган тош
Юксак умидлардан беради хабар.

Мирзачўл саҳросин суғора олган
Ширинсой қизлари тилакларида,
Янги замонани йўргаклаб олиб,
Сизга тақдим этар билакларида.

Алишер бобонинг холис нияти
Бизнинг асрларда ҳаётга кўчди.
Ильичнинг юз минг вольт чироғи ёниб,
Бойқаро саройин шамлари ўчди.

Меҳнатда қаҳрамон, жангларда ботир,
Севмакда вафоли, дўстликда маҳкам —
Алишер орзуси бўлган авлодмиз,
Асримиз — кўркимиз, асримиз кўркам.

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдир акси садоси,
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда
Улуғ Алишернинг асрий нидоси.

Навоий қадрини била олмади
Ложувард кошинли, олтинланган қаср,
Асил ўғиллари давлат қурулган
Яшасин коммунизм аталган бу аср!

1948 йил, 13 май

ПОЛЬ РОБСОНГА

Ўқирган арслон каби кўк гумбазин титратиб
Поль Робсон қўшиқ айтар, тинглайди бутун олам.
Бу қўшиқда ҳуқуқсиз қора башариятнинг
Жаҳоний изтроби гуркирайди мужассам.

Қўшиқ айтар қора қул — негрнинг асл ўғли,
Бу қўшиқда акс этар мазлум халқнинг садоси.
Бу қўшиқда айтилуր Гарлем маҳалласида —
Ўз юртида ғариблар бошга тушган савдоси.

Бу қўшиқда эҳтирос, асаб, умид, келажак
Қуёш аниқлиги-ла эртадан берар хабар.
Бали, қоронғиликнинг ўрнини нур эгаллар,
Том тоға кулбасида тонг отиши муқаррар...

Қўлда бор фурсатларнинг ҳукмига бўйин эгиб,
Қондаги жўшқинлар-ла ёзар эканман китоб.
Қалбимнинг чўққисига умид байроғин тикиб,
Тасаввурга келади Америкада инқилоб...

Ҳар халқнинг ўз хоҳиши, иродаси, ҳуқуқи,
Тузуми ва тўзими ўз-ўзининг ишидир.
Қўшниллар деворидан мўралаб сир ахтарган
Худди шу қўшнисига душман бўлган кишидир.
Демократ ахлоқли ернинг гражданини
Томас. Ренкин эмаски, ўғирликда ушланса,
Шум Кэннон кийган бўлса Розенберг кафанини,
Не ажаб кули кўкка соврилибон ташланса.

Йигирманчи асрнинг қонхўр каннибаллари
Бемурод ният билан топган ирқий фалсафа.
Нух кемасин қидирмоқ Туркия тоғларидан,
Хом, Сом, Ёфас сингари жуда эски сафсата.

Ердаги неъматлардан маҳрум қила олмағай —
Оқ, сариқ, қизил, қора бадандаги жило ранг,
Ер юзи инсонники, уйи ҳам гўри шунда.
Янкилар фалсафаси Геббельсдан мерос найранг.

Ҳалигача негрлар, ҳиндулар, ҳабашларнинг
Тортган жаҳон алами Африкадан огирроқ.

Тўймағур, очкўз, золим инглиз қулдорларнинг
Виждони дўзахларнинг саҳросидан тақирроқ.

Оқсуяк жанобларнинг қонли мудҳиш ижоди —
Қора қасос симболи аталувчи Линч суди:
Оҳу фиғон ичида ўртанган негрларнинг
Тутуни улар учун гўё сигара дуди.

«Америкача интизом», «жаҳоний ҳукмронлик»
Ер юзида жаҳаннам қопқосин очиб халққа,
Булар бари Трумэн нияти, ширин хаёл,
Бармоқни кўзга тиқса кўринган тилла ҳалқа.

Форрестол деган бири девона бўлган билан
Девона бўлмаёжак жаҳондаги ақллар.
Ва Уолл-стритдан қачон бўлса ҳам ахир,
Занжирини парчалаб ўтажак қора қуллар.

Тинглар хайрихоҳ эллар, Поль Робсон қўшиқ айтар,
Қуёш аниқлиғи-ла эртадан бериб хабар.
Бали, доллар зулматин эркнинг нури эгаллар,
Том тоға кулбасида тонг отиши муқаррар!

25. 07. 49

КУЗГИ КУЧАТЛАР

Навқирон бир теракнинг чўққисида ошён —
Кеч куз тонготарини салом билан олқишлар,
Олтин тангалар каби барглар учар паришон,
Аллақачонлар кўчмиш бўғот тагига қушлар.

Онда-сонда қоқилмай қолган бир-икки ёнғоқ
Осмон-фалакда шўнғиган қаргаларга ўйиндир.
Изғиринда таранган зағизгонлар серчақчоқ,
Юмрон мўралаб пусар, ини иссиқ қўйиндир.

Карам илдизин чайнаб олазарак товушқон,
Бўрсикдай, юм-юмалоқ, бир савам пахта каби,
Успирин шоирлардай ҳижога уста, чаққон,
Кузга мадҳия ўқир тегмай лабига лаби.

Барди кўрпаларини елкага қийғоч ташлаб,
Учиб қолган соқийдай гунгурс ухлайди тоқлар,
Пахсаларнинг бўйнига билак ташлаб, ёнбошлаб,
Хомуш уйқусирайди қўрғон тагида ноклар.

Теваракка жавдираб, ниманидир чулдираб,
Эриган шиша каби тиниқ оқар ирмоқлар.
«Боғаро ёлғизим», деб ёндош юриб, эркалаб,
Бағрига сингиб борур ҳалқа-ҳалқа булоқлар.

Каттакон мис баркашдай буғриққан қон талашган,
Аранг чинор учига келиб қўнади қуёш.
Камҳафсала, бепарво, қилар иши қолмаган;
Юрайми, юрмайми, деб ер билан қилар кенгаш.

Ҳу... Шудгор этагидан шу томонга йўл олур,
Иргайдай тетик, лобар боғбон Миршакар ота,
Узун-узоқ сояси гўёки режа солур,
Елкада кетмон билан беш-ўн кўчат, албатта.

Ҳар илк баҳор, ҳар кеч куз қадрдон ҳунар билан
Ўз удумин қўймайди саксон ёшли соҳибкор.
Бу боғда ўз номини ёзолди у зар билан,
Дарахт кесиш жўн ишдир, кўкартириш эътибор.

Бу ниҳол қачон униб, қачон мева беради,
Миршакар тотадими, тотмайдими, бари бир.
Одамзод ўлмади-ку, кимдир ахир теради,
Мана, Миршакар ота ҳаётида ечган сир.

Унинг учун келажак ўз фарзанд, ўз авлодлар,
Бу қари боғбонини эсга олса кифоя.
Шунда Миршакар ота, сиз қомати шамшодлар,
Наслларнинг бошига чинордай солур соя.

17. 11. 48

БИЗНИНГ КЕКСАЛАР

Оппоқ соқолларни тонг ели тараб
Шабнам қатралардай тиниқ ўй билан,
Гоҳ уни текшириб, гоҳ уни қараб,
Ҳижолари туташ ғўнғир куй билан,—
Меҳнат кундузини бошлар кексалар.

Кеча ўтиб кетган умр соати
Шу ёнгоқ ҳосили сингари тайин.
Эндиги нақдина йиллар роҳати
Новвот чой сингари эркалар майин,—
Доим фароғатда яшар кексалар.

Минг ойлик умрга кеча тўй қилиб,
Тенгдошлар йўқловин яхши ўтказди.
Даромад орттириб, анча қўй қилиб,
Колхоз подасига қўшоқ тутқазди;
«Қари билганини билмайди пари».

Кўзида юз йилнинг чақин мазмуни,
Жўсада нор филнинг салобати бор.
Гўё халқ ҳикмати жонли яқуни
Сўзида маънилар ҳарорати бор —
Жамият кўркидир бизларда қари.

Чиннидай покиза, ардоқли ҳужра:
Тугун-тугунчалар лиммо-лим бисот,
Ўтган ёз қовуни пўчоқлар ичра,
Бир кафтча уруғлик лалмикор нўхот,
Бир халта пуштию малла ранг чигит.

Бу ернинг мағзида ётар яширин
Соҳибкор ҳаётдан оз-оз хотира;
Балиқ йил тарвузи қўй йилдан ширин,
Бу йил узумларга тушмайди шира;
Чолга қулоқ осар донишманд йигит.

Пахтакор ўзбекнинг доно чолига
Еримиз ройиши қўлда тангадай,
Чунки шулар воқиф ҳар аҳволига,
Баъзида отахон, баъзан янгадай
Озмунча парвариш қилмаган у сарф.

Отахон тажриба катта ҳосилнинг
Тилла қозигидай бўлса не ажаб?
Иссиқроқ, совуқроқ келмаган йилнинг
Унумнинг чўғига бўлолмас сабаб.

Сабаб — меҳнатимиз эрур ҳарфма-ҳарф.

Катта тахталарнинг бўлиқ ерида
Тизадан ўпади яшил киштукор.
Пахтакор даланинг ўри-қирида
Минг туман машина ҳайқириб тайёр. —
Дастурхон ёзгандай олам муҳайё.

Кутади азамат ўғиллар-қизлар
Жондош азизларин — отахонларин.
Йўлига пойандоз кеча-кундузлар,
Кутади билимдон қадрдонларин
Ўз лойиқ ҳурматин тутиб жобажо.

Оппоқ соқолларин тонг ели тараб,
Дала йўлларида кетар кексалар.
Учраган ғўзанинг тусига қараб,
Кузакдан хушхабар айтар кексалар —
Агроном бу гапни топади маъқул.

Кун кеча қилинган меҳнат соати
Ғўза куртагида бўртмоқда тайин,
Эндиги нақдина ҳосил роҳати
Ҳозирдан қўшиққа тушмоқда майин,
Илму тажрибанинг қардошлиги шу!

7. 06. 51.

ПАРТИЯМГА МИНГ РАҲМАТ

Кремль саройида минбардаги ўзбекман,
Менга улуғ Партиям бу ҳуқуқни бахш этди.
Суюнчимдан бағрида минг боғу минглаб чаман
Довруғим жаҳондаги барча халқларга етди.

Отам тушда кўрмаган умид, орзу меники,
Шунчалар баланд экан кишининг азиз боши.
Шу муносиб шафқатлар бариси Ленинники,—
Ўлмаган жони билан инсоният қуёши.

Имконият боғини гуллар билан безатдик,
Олтин-олтин ғишт билан бу Ватан иморатин.
Йиқилганни турғаздик, бузилганни тузатдик,
Ўчирдик инсонларга шайтонлар ҳақоратин.

Ўйимизни ёритур ҳар кимнинг ўз меҳнати,
Ҳар кимнинг ўз баҳори, ёзи, кузи, қиши бор.
Бизларга бегонадир бекорчилик иллоти;
Мақсади, нияти бор, ҳар кимнинг ўз иши бор.

Бир чигит ерда униб жамолин кўрсатгунча
Умримизнинг бир йили — баҳор, ёз, куз ўтади.
Бир чаноқли пахтамик камолига етгунча
Кўзимиз чаноғига нурлар келиб етади.

Андижонлик соҳибкорнинг юзларидан ўнгулик,
Бети бетимга тегса жонимга истироҳат.
Гул очилсин Қумрихон чаккасига тақгулик,
Ҳар қадам меҳнатидан жонимизга ҳарорат.

Шер қадам йигитлардек Избосканда изим бор,
Қоматингдан ўргилай, минглаб барно қизим
бор.

Юлдузлар хижолати менинг ўтқир кўзим бор,
Ҳар бутун нон ушалса, дастурхонда ўзим бор.

Кенгашга йиғилганлар, бахтлисиз бу дунёда,
Ленин сизни чақирди Кремль саройига.
Ипак пахта унади олтин Сурхондарёда,
Кони бор, маъдани бор, камоли ўз жойида.

Партиям буюклигин бир умр куйласам мен
Кучимга куч қўшилур, халқимга иззат, ҳурмат.
Шу минбарда тик туриб келажакни ўйласам,
Келажакка, Ленинга, Партияга минг раҳмат!

(1958, февраль)

БИЗНИНГ УЙГА ҚЎНИБ ЎТИНГ, ДУСТЛАРИМ

Ўзбекистон юртига борган чоғи,
Гурр очилур қардошликнинг қучоғи,
Дилда қайнар неъматларнинг ўчоғи,
Асфальт йўлда «Волга»нинг тўпичоғи,
Аввал бизга қўниб ўтинг, дўстларим!

Ғафур Ғулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз,
Қисталанг гап, бизникига келасиз,
Ташриф этиб мени хурсанд қиласиз,
Бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим!

Олам билар, Фурқат кўча йўли бор,
Беруний майдони, ёшлар кўли бор,
Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер қўли бор,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Дўстлар учун дарвозамиз ланг очиқ,
Бошингизга гул япроғидан сочиқ,
Бу тоза сув, атирсовун, оқ сочиқ,
Сўлим айём, келишингиз ярашиқ,
Албат бизга қўниб ўтинг, дўстларим!

Келасиз деб жамбил, райҳон ўтқаздим,
Ким келибди даста-даста тутқаздим.
Сафар битмай қолди — бир оз ютқаздим,
Қардошлиқда олтмиш баҳор ўтқаздим.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Жойни солиб гулзорнинг ўртасига,
Парқу болиш, атласдан кўрпасига,
Мушт тушириб қайғунинг калласига,
Жўр бўлишиб ўн беш тил ялласига,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Шукр айтаман толеимга, болам кўп,
Чаккаларга тақилгудай лолам кўп,

Келин-кеват, тоға, амма, холам кўп,
Кўк чой учун етгулик пиёлам кўп,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Болалик уй — қалб уйининг бозори,
Шўхликка шўх, Том Сойернинг сардори,
Суйганлари фото ва қўл фонари,
Тегишмаган кишига йўқ озори,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Уртангизда ёзиғлик шу дастурхон,
Сахийликка мисоли катта жаҳон,
Дастурхоннинг боши эрур тузу нон,
Юлдуз каби ярашиб сиздай меҳмон,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Дастурхонда меваларнинг тури кўп,
Бариси пок, шабнамдай тоза, маҳбуб.
Узум, анжир, шафтоли дер: мени ўп,
Шу қовунни сўйиб енг роҳат қилиб,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Бу қирғовул, бу тувалоқ, бедана,
Бу ширмой нон — юзларида седана.
Қази-қарта, сомса дегани мана,
Ҳасип, норин, сиз эмассиз бегона,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Мана будир гилос, олма, шакароб
Ва бу эса чаросдан тортган гулоб,
Ичганларни ҳушёр қилувчи шароб,
Бу қимизни сипқоринг кучга қараб.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Ҳар гуручи анор дона ош билан,
Муҳаррамой лаганмас, қуёш билан,
Қўл кўкракда таъзим этиб бош билан,
Ер-оғайни, қари-қартанг, ёш билан
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан,

Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан,
Бизнинг уйга кириб ўтинг, дўстларим!

Ҳар китобдир оиламиз офтоби,
Тирсиллайди кутубхона шкафи,
Кимники, деб сўрса меҳмон арбоби,
Ғафур деган бир Насриддин китоби,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Кекса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.
Кўп кўринсин кўзингизга озимиз,
Дўстлар учун жонимиз, ниёзимиз,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

*Москва,
1959, 15 февраль*

БИР САЛОМНИНГ КУЧИ

Сўлим чойхона эди, катта ҳовуз, мажнунтол,
Ўртамизда дастурхон, оби нону чақмоқ қанд,
Тенгқурларнинг суҳбати, бодом гули, мумли бол,
Биз оламдан хурсандмиз, олам ҳам биздан хурсанд.

Нега қувонмас олам, биз ахир камол билан,
Илму маърифат билан, ишқ билан, жамол билан,
Бағримиз инсонликнинг бутун файзига тўлиқ,
Қўр тўкиб ўтирибмиз юракдаги ёл билан.

Табиат бу суҳбатга агар қулоғин тутса,
Бошқа ишин унутиб улфатга қўшиларди.
Кишилар сўзлашаркан лабдаги ҳар сўз — бўса,
Меҳнатимиз давоми роҳатга қўшиларди.

Жўраларнинг бириси нон заводда хамиргир,
Бириси халқ артисти, сўзлари — хандон писта,
Бири қўшни мактабда ўттиз йиллик бухгалтер,
Олтита пенсионер гўё кузги гулдаста.

Бир-бирига чой тутар пиёлани чертишиб,
Одатий таъзим билан қўллари дил устида,
Яхши ҳулқлар ичида олтмиш, етмиш йил пишиб
Қалблари биллурдай пок, қалб амри тил устида...

* * *

Шу топда бир тўполон ногаҳон қуюн каби
Асфальтни чайқатгудай, девор, том қулатгудай,
Ҳақорат, валдир қўшиқ, бақирган маст асабий
Саннағлаб келар эди ерни ямлаб ютгудай.

Қулоқ гирдобга ўхшар, ҳар истаган чўпу хас
Унга кириши мумкин, эгаси беихтиёр.
Чойхонага маст кирди, ўшқирган аждар нафас,
Чойга пашша тушгандай суҳбатга чўкди ғубор.

Учта азамат йигит яшиндай ирғиб туриб,
Гирибонидан олиб, қўл қайириб боғлашди.
Мўйсафидлар суҳбати олағовурда эриб,
Бир-бирга зимдан қараб, ичларида қаргашди.

Аллатопларга қадар гаплар гапга қовушмай,
Ўртага туя чўкиб, афсус, ўкиниш қолди.
Шунчалик ширин суҳбат, узоқ умрдай мўмай
Таққа тўхтаб қолганда Нормат дегрез йўталди:

— Сўз қаерга келувди? Қўйинг ўша коскини,
Отасин текин пули ўглини қутуртирди.
Бостон, шевиёт беркитар ифлос тану қўсқини...
Чақарлик Юнус ҳофиз сўзнинг оқимин бурди:

— Бу йил токда шира йўқ, чиллаки урди чумак,
Кенжатоғни ўйлайман, харажати тап-тайёр...
— Ассалом, отахонлар!— Қорача, чайир, жикмак:
Биринчи босмахона наборшиги Шомухтор.

Улфатга салом бериб бирин-бирин кўришди:
«Кеча мояна олдик, шўрвами ё паловми?»
Жўралар ҳурмат учун ним туриб ўтиришди...
Ёпирай, салом кучи алангами, оловми?

Ўчай деган гулханни қайтадан қилди чаман,
Суҳбат кўнгилдай тиниб, самимий қилар давом...
Кекса шоирман, дейсан, бунча гапни чўзасан,
Саломнинг кучин кўрдинг, шеър бас, Ғафур Ғулом!

17. 08. 1962 йил

ҲАММА ЕРДАН СЕН ГҶЗАЛ¹

Жаҳонда нима кўп — гўзал жойлар кўп,
Товуснинг паридай ранго-ранг, сўлим,
Ушқириб оқувчи ажиб сойлар кўп,
Бир ёғи ўрмону бир ёқ учурум.

Талай ўлкаларни кездим дарбадар,
Елкада хуржину қўлимда таёқ.
Шундай заминлар бор, оддий қуми — зар,
Бу ерда уч ҳосил бераркан тупроқ.

Писта, арғувон кўп афғон ерида,
Ножу арчаларга бурканган Ҳирот,
Бинафша дарахти ўру қирида,
Жўшқин ирмоқлари — бўй бермас бўз от.

Ажиб манзарага эга Карачи,
Денгиз соҳиллари кўз илғамас кенг.
Бирор тепаликка чиқиб қара-чи,
Ер, денгиз осмон туташ, теппа-тенг.

Деҳлида кирмаган кўчам қолмади,
Ажойиб-ғаройиб ҳар бир қадамда.
Тиззамда, кўзимда куч ҳам қолмади
Пайдарпай ҳайратлар чулғаган дамда.

Аграда учратдим киши ақлининг
Такрор бўлмайдиган мўъжизасини,
Тожмаҳал ерида кўргандай бўлдим
Гўзал Андижоним андозасини.

Қаерда бўлмадим! Нилнинг бўйида
Абулҳавл олдида ҳайронликда мот.
Беш минг йил намоён киши ўйида.
Эҳромлар, эҳромлар, баҳайбат, ҳайҳот.

Румода муқаддас улуғ Пётрнинг
Машҳур жомесини қилдим зиёрат.
Колизей майдони хотиралар-ла,
Спартак қалбларга берди ҳарорат.

¹ Шу номли шеърнинг бир қисми (Автор эскартиши.)

Эйфель миноридан Парижни кўрдим,
Зеҳн сиғдиролмас эди ҳуснини.
Бир муддат Болқонда тентираб юрдим,
Қадамлаб ўлчадим эни-бўйини.

Ер ўғли эдим мен, шунинг учун ҳам
Бир пайт сайёҳликни қасд қилиб олдим.
Кўра-кўра чарчаб, ҳафсалам совиб,
Ниҳоят, Ватанга қайтиб йўл олдим.

Ҳамма кўрганимдан яхлит хулоса:
Туққан Ватан экан — жаҳонда гўзал!
Ўз юртим ерида унган ҳар майса,
Бегона юртларнинг гулидан афзал.

Зумуррад ҳавонгни тўйганча ютдим,
Ажойиб Ватаним, жоним Фарғона,
Водил сувларида бетимни ювдим,
Эҳҳе, қанчалик кенг бизнинг замона!

1964



Қўмсаш

ҚЎМСАШ

(Комсомоллик йилларимга бағишлайман)

Шахсий архивимнинг яқин кечмиши
Ёшлик йилларининг ишқи-ла тўла.
Мана порлоқ балоғат гувоҳномаси
Тўрт минг беш юз йигирма номери ила.

Бу номер остида саҳифаланиб,
Ҳаётнинг бошланғич йўллари ётар:
Ҳаётки, кураш, онг, севги, қуршов, чип,
Қалъалар забт этган қўшиндай қатор.

Бир бомба шўхлиги кўзларимизда,
Чақин чақнар эди товонимиздан.
Қуёш ўзин кўриб юзларимизда,
Олов исинарди шўх жонимиздан.

Тангрининг қуйруғига челак боғлардик,
Эски турмуш кўчаларида зир тириқтириб.
Дунёни қила олдик мурдорларга зиқ,
Янги ҳаёт гулшанидан изларин қирқиб.

Шу гигант бинода ким айта олур
Усмир билагимиз кучи синмаган?
Ёшлигим ҳаваси ҳар дам қайталар,
Юрак ўти умрлар ёнар, сўнмаган.

Ота соқолининг изи иякда,
Юрак вазмин ишга боғлиқ бўлса ҳам,
Кечмишда, ҳозирда ва келажакда
Машъал бўлиб қолдинг, ҳей, комячейкам!

Ёшлигим ўтмаган, олдда кўраман
Миллион юрак билан маҳкам қаторда,

Лениннинг шуурин зеҳнига шимган
Онамиз туққандир шу тонготарда.

Коллектив, синфсиз шу мард турмушнинг
Қаторига синган ботир комсомол,
Бизларда акс этар зўр Октябрнинг
Ёп-ёруғ истиқбол кенг — оламшумул.

(1933, октябрь)

КОМСОМОЛ

(Ўзбекистон комсомолининг XI қурултойига)

Ленин партиясининг ўстирганлари,
Азиз авлодларсиз, ўғилларимиз.
Жаҳонда фароғат билан яшамоқ
Қачон мумкин бўлур, айтинг-чи, сизсиз!

Ленин фарзандлари қалбининг кучи
Атомлар сиридан хийла буюқдир.
Бомба овозидан ҳуркович махлуқ
Бизнинг замонада фақат кийикдир.

Ўғиллар буютдик, ҳар бирин жони
Коммунизмга фидо бўлиши мумкин.
Бироқ, бу жонларнинг ўлмас қиммати
Капитал оламга тушмайди текин.

Отага ҳароми бўлмаган ўғил,
Асил фарзандликни ҳар дам кўрсатдинг,
Ғолиблик ҳиссасин жанг билан олдинг,
Қай тарих бўлолғай бу қудратга тенг!

Даҳшатли дорларга осдилар, кўрдик,
Фашизм умридек қисқа эди у.
Яна халқимизнинг ўзиникидир
Замину замона, Волга — она сув...

Мичурин, Алишер, Менделеевнинг,
Ленин бобомизнинг улуғ авлоди,
Сизнинг қўлингизда барбод бўлади
Зулм кўрган бечора дунёнинг доди.

Ғолиб ҳақ олинди қаттол жангларда,
Ҳарбу зарб кунларин ҳар дами минг боб.
Бу ҳақнинг муфассал ифодасидир
Асосий қонун деб аталган китоб.

Бир куни Ҳимолой тоғига чиқиб:
«Шунча ожизманми?», дебди Тагуро.
Бир мазмун етмабди унинг фаҳмига;
«Озод одамзодман», демабди, зеро:

Одамлик мазмуни тоғлардан буюк,
Айниқса озодлик нақд хазинангдир.
Сен унинг қадрига етгувчи фарзанд,
Асрлар кўзгуси мағрур сийнангдир.

Тоғдан буюк озодлик қадрин сақламоқ,
Қуруқ ғурур билан бўлмас устувор.
Шукурки тепангда партиянг, халқинг,
Ватанинг, меҳнاتинг, голиб ҳаққинг бор.

Ажойиб наслсиз, сиздаги талант
Амулар, Сирларнинг мазмунидан мўл:
Кўкимиз шунқори, еримиз кўрки,
Яша, омон бўлгил, енгган комсомол!

Шудгорнинг четида, тут соясида
Кўп ширин тотади меҳнат кулчаси.
Ҳар нон катталиги худди офтоб,
Меҳнатсиз умрдир миннат кечаси.

Узоқ-узоқларга кўзингни тикиб,
Ўз умринг баҳсида сурганда хаёл,
Беш йиллик меҳнатнинг поёнларида
Ажойиб келажак кўргузар жамол.

Бу ўз қўлинг билан ғиштини қўйган
Чирчиқ шаҳарида улуг комбинат.
Бу Фарҳод тоғидан чўзилган симдир,
Ҳар битта томирда ўн минг киловатт.

Ернинг ўртасида гуркираб кезар
Бекобод темирин яққол маҳсули,
Шунчалар фаровон, шунчалар кўркама —
Катта беш йилликнинг ҳар фасли, йили.

Даланг қирғоғидан уқадай ўтар
Пахталар юклаган чексиз карвон,
Сенинг манглай теринг, меҳнاتинг сингган
Ҳар бир дақиқадир пўлат, зўравон.

Сенинг орзуйинг вазмин, маънодор,
Ўз эккан пахтаингнинг чигиtidaй тўқ.
Чунки бу пахтаини ўстира олди
Сенга бахш этилган меҳнатга ҳуқуқ.

Ажойиб наслсиз, сиздаги талант
Минг йилнинг жамулжам мазмунидан мўл.
Гомердан ёд олган, Гейнедан ўзган,
Яша, омон бўлгил, олим комсомол!

Музика бешиги, Штраус ватани,
Оҳанглар бозори, қадим Венада
Динора янгротди ўзбек юрагин
Рубобий ҳиссини пианинода.

Ўрта Осиёнинг шарқ факультети
Лисонлар, забонлар, тиллар-ла обод:
Матлуба арабча бир шеър ўқиб,
Кеча ҳаммамизни қила олди шод.

Илм амал билан шарофатлидир,
Ўз-ўзига билимдон, бу билим ҳуллол.
Меҳнатинг синггани учун ҳар бошоқ
Оёқ ости бўлса кўринар увол.

Ажойиб наслсиз, сиздаги қудрат
Тоғлардан юксакроқ, зўр оламшумул.
Бургут ошёнлар қура олгувчи,
Яша омон бўлгил, доно комсомол.

Катта шаҳарларнинг гражданлиги
Сизнинг паспортларга бўлур муборак.
Чунки ўзинг қурдинг, ўзинг яшайсан,
Бунда шербаччалар турмоғи керак.

Аскарсиз, инженер, олимсиз, доктор,
Агроном... хулласи, ажиб наслсиз:
Ватанга биринчи эгатни солган
Совет трактори қолмади изсиз.

Коммунизм асрин гражданлари
Ленин идеясин зарротларисиз.
Каттакон йўлларда кўзингиз чароғ, —
Азмкор бир халқнинг зурётларисиз.

Ўҳҳў... ёза берсам Теодор Драйзер
Улим олди қилган васият каби.

«Мен ҳам коммунистман!» дея оларди.
Ярим озод бўлган дунё асабий.

Ленин партиясин ўстирганлари,
Азиз авлодларсиз, ўғилларимиз.
Жаҳонда фароғат билан яшаймиз,
Чунки сиз — биз билан ва биз билан сиз.

26. 1. 47

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ

Ленин комсомоли шону шарафи
Энг аввал ўзининг исмидек аниқ.
Ғурур кўкрагида кичкина значок
Йигитлик ҳуснининг кўркидек таниқ.

Қўлтиқда китоби, барваста, лобар,
Манглайин кенглиги бахтидек равшан.
Оналар эркаси, оталар фахри,
Шулар омонлигин истайди Ватан.

Ленин уч қайтариб «Ўқинг», деганин
Ўқиб-уқиб олган ленинчи авлод.
Улуғ бобомизнинг азиз ҳурмати
Билимдон қалб билан қила билган шод.

Меҳнат дастгоҳининг ўз эгалари
Юзларча ҳунарнинг ичи-тошида.
Оламча мазмунни кўтариб юрар,
Партия силаган баланд бошида.

Шундай ўғил-қизли катта оила
Советлар юрти, деб аталур, дўстлар!
Шуни билиб қўйсин ёвуз ниятли
Бошидан ажраган, мағзи йўқ пўстлар!

Инсонлик дафтари кўкрак чўнтакда,
Ҳамма халқ
Ленин дер,
демак ўз сўзин,
Ғолиб коммунизм сиздан топади
Доҳиймиз Лениннинг юзида кўзин.

21. 4. 50

Меҳнаткаш, ўрта ёш бир ижодкорнинг
 Қўлёзма томлари турган шкафдай
 Қалбим комсомоллик журъатларининг
 Том-том мазмунлари билан лиммо-лим.
 Лениннинг Декрети ўйилган мрамор,
 Ёдимда САГУнинг яланг қопқаси,
 Бошимда «Қизил шарқ» ишчи шапкаси
 Шу улуғ даргоҳга қилардим таъзим.
 «Хуҳ» деган ҳарорат энди ортиқча,
 Тўкилиб кетади бир қатрадан сўнг
 Бир чинни тўп-тўлиқ қайноқ сут каби,
 Етилган бир қиз ҳам шунда кутарди...
 Икков кириб бордик сўз қотмай пича,
 Юракда интилиш олов тоғдан чўнг.
 Комсомол жонимиз лава — ўт каби,
 Партия ёнида бирга кетардик.
 Нимасини айтайин, азиз дўстларим,
 Партия ўргатган бу маърифатнинг!
 Куйламай бўлурму улуғ айёмда
 Нурлар қиссасини тамом сарбасар.
 Ёш авлод ўнгида ким бўлмас таслим?
 Оламча зўри бор улуғ қудратнинг.
 Юраклар қувончга тўлуғ айёмда
 Комсомол ўзидан беролур хабар.
 Олдинда кетарди енгилмас байроқ,
 Партия саркарда — берар команда,
 Назарлар қиличдай кескир, ялтироқ,
 Фашист тухумлари қолмас омонда;
 Бутун билимларни, қудрат, зўрликни
 Ватан — халқимизга қилиб пайваста,
 Жангдан ғолиб чиқдик, олам халқига —
 Улмас жонимизни қилиб гулдаста.
 Кун оша бир гигант кўтараркан қад,
 Кекса бинокорнинг ёнида бормиз.
 Ҳеч ваҳший бир қудрат бўлолмайди сад,
 Енгувчи авлодмиз, Ленин шиормиз.
 Энг юксак тоғларнинг чўққисиди ҳам
 Альпинист комсомол байроғи порлар.
 Энг олис океанлар уйқусини ҳам
 Қочириб, комсомол чароғи порлар.
 Шахтада, заводда, пахта ерида

Илғорлар сафининг шахдамларимиз.
Қўриқлар кўтарган Олтой қирида
Буғдойкор совхознинг ўктамларимиз.
Юраклар устида порлар тўрт орден,
Ҳар бири бир тарих берган нишона.
Бизники бўлади ҳозир ва кейин
Коммунизм қурган шонли замона...
Колонна сафида бормоқда эдим,
Манглайим келажак каби қуёшли.
Мен билан қаторда таниш, аллаким
Барваста бир жувон тим қора қошли.
Табассум аралаш саломлашдик биз,
Қўл тутдик: — Байрамлар қутлуғ бўлсин! — деб.
— Танимай турибман, сиз ким эдингиз?
У кулди: — Кўзингиз ўтлуғ бўлсин, — деб. —
Комсомол сафига тенгдош киргандик,
САГУда ўқидик беш йил ёнма-ён.
Кечирим сўрадим, қизардим андак,
— Ҳозир қаердасиз, синглим, Гулжаҳон?
Кулимсаб камтарин жавоб берди ул:
— Ҳозир агрономман ва доктор наук!..
Партия ўстирган, шонли комсомол,
Сенинг шуҳратинг-ла шунча бўй етдик,
Чунки жоним ичра сенинг жонинг бор,
Чунки қоним ичра сенинг қонинг бор.

5 ноябрь, 1954 йил

КУЖЛАМ ЧАҚИРИҒИ

(Тошкент область комсомолларининг
слётида ўқилган)

Катта оиламизнинг етук ўғил-қизлари
Қатордаги норимиз, шараф, истиқболимиз.
Минг йиллик келажакнинг уфқида юлдузлари —
Сиз билан юксалажак шонимиз, камолимиз.

Қирқ йиллик инқилобнинг олтин varaқ тарихин
Безаган номингиз бор, ленинча улуғ авлод.
Қуёшни қуршаб олган юлдузлар каби йиғин,
Партия билан бирга жаҳонни қилур обод.

Сиз босган шонли йўлнинг меҳнати, жасорати
Қатралаб саналганда бўлади океандан мўл.
Халқимиз сизга қўйган ишқининг ҳарорати
Бағрингизни ёритмиш, беш орденли комсомол.

Павел Корчагин, Зоя, Набиевлар, Олеглар
Комсомоллик номини безади қони билан,
Эндиги тинч замона ўзга қаҳрамон тилар,
Шарафлидир яшамоқ қаҳрамон номи билан.

Бу ерда ўлтирибди Соҳиба билан Қўлдош,
Қизимиз Саодатхон, ботиримиз Турсуной.
Офтобдай кўкракларга юлдуз келиб қўйди бош,
Буни меҳнат дейдилар, меҳнат яратган чирой.

Яшанг, ботирларимиз, яшанг, мард қаҳрамонлар,
Халқимиз ҳурматини кўккача оширдингиз.
Ҳалол меҳнатингизга қойил қолди замонлар,
Шижоат юрагини ғайрат-ла тоширдингиз.

Кечаги шунча иззат — бугуннинг авансидир.
Юзингиздай кулимсиб етишди эрта баҳор.
Бизни ишга қистаган кўкламнинг нафасидир,
Қаҳрамонлик номини сақлаб қолиш эътибор.

Мазутланган билаклар трактор рулларида,
Онахон шудгорларнинг бағрини ёриб борсин.
Барака тупроқларни упалаб қўлларида
Келажак ҳосилларнинг хамирин қориб борсин.

Қизларимиз етади инжуларнинг қадрига,
Сараланган чигитлар бу куннинг дур-маржони.
Гавҳарларни тикайлик она ернинг бағрига,
Умид доналари бу, қаҳрамон олажони!

Мирзачўл бўстонида булбул қурди ошён,
Булбуллардан илгари борган эди комсомол,
Саҳрода лолалар кўп, аммо Лола қаҳрамон —
Қўриқ очган қизимиз эл тилида дoston.

Олтойни олти ойда бўстон қилолган авлод
Миллион пуд буғдой билан бошлади ўз тўйини.
Кўриқ очган пахтакор ўз халқини қилиб шод,
Мирзачўлда битказди беш хонали уйини.

Меҳнат билан муҳаббат сизларга ярашади,
Хой, бўйингдан айланай, бўй ўғил, бўй қизларим.
Партия, халқ, ҳукумат сизларга қарашади,
Тўйингизга аталар дилимда бор сўзларим.

Бунга ҳали эртaroқ, энди баҳор бошланди...
Уч миллион тонна пахта — бу йилги ваъдамиз бор!
Кадрдон меҳнатимиз чақириғи ташланди,
Ватаннинг ҳар постида комсомол бўлсин тайёр!

Жонажон Партиямиз чақириғи биз учун
Йўлимизни ҳамisha ёритгувчи чарoғдир.
Кўрсатинг, комсомоллар, ватанпарварлик кучин,
Мард қўлда ҳилпираган Ленин берган байроқдир!

16 март, 1957

МАРКС НАБИРАСИМИЗ

Инсоният зеҳнининг кун ўрталик қуёши —
Маркс фалсафасидир, бир жаҳон мазмун билан.
Бу фалсафа орқали одамнинг азиз боши
Камолига етишди оламча якун билан.

Маркс — Ленин илмининг ҳаётбахш алангаси
Октябрь деб аталган зўр инқилоб яратди.
Шу аланга ловуллаб башарият онгида
Коммунизм асридек бир офтоб яратди.

Кундан-кунга қулдорлик-қулликнинг зил кишани
Ҳалқа-ҳалқа ушалур мазлумлар билагидан.
Ҳар халқнинг ўз ҳуқуқи, ўз эрки, ўз ватани
Ҳар куни равшан бўлур, равшанроқ кечагидан.

Ҳозир нурнинг навбати, зулматники кечайди...
Маркс ёзган «Манифест» бизга бергандай хабар.
Энди социализм ижозат сўрамайди,
Қишдан кейин баҳорнинг ҳуқуқидай муқаррар!

Нуроний портретинг Ленин билан ёнма-ён,
Набиралар қалбида бобомиз меҳри яшар.
Шу икки улуғ зотнинг илмидан бардам жаҳон.
Коммунизм байроғин тик тутар озод башар.

(1958, май)

ҚУЁШДАН САЛОМ

Советлар халқининг зўр маърифати
Бутун коинотни эгаллаб олди.
Инсоннинг миллион йил кутган нияти
Бизнинг замонада рост бўлиб қолди.
Ракета учирдик биз ойга томон,
Ойдан ҳам нарироқ қуёшга кетди.
Бир кўркам юлдуз-ла безаниб осмон
Сайёралар сони ўнга ҳам етди.
Венера, Марс, Уран, Сатурнларнинг
Улуғ оиласи бир ўғил кўрди.
Бу металл ҳикматин Совет халқининг
Ақли, зеҳни, илми шунчалик қурди.
Сиз совет ёшлари бахтиёрларсиз,
Коммунизм асрин гражданлари,
Келажак манглайи порламас сизсиз,
Улуғ замонанинг жонажонлари.
Юлдуздан-юлдузга учмоқлик учун,
Эндидан сизларга йўл бўлди очиқ,
Сиз билан билимнинг сезаркан кучин
Сомснчи йўллари пойандоз чочиқ,
Хусусан шунчалик муборак кунда
Улуғ Партияга ҳар ёшдан салом!
Ўнинчи сайёра яратилганда
Ёшларга оташин қуёшдан салом!

4. 1. 1959.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XV СЪЕЗДИГА ТАБРИГИМ

Ўғилларим,
қизларим,
кўз қароғларим,
Шонли съездингиз муборак бўлсин!
Суянган тоғларим,
чаман боғларим,
Пўлат сафларингиз яна ҳам тўлсин!

Бир кекса комсомол бўлсам ҳам ўзим,
Ёшлик мандатини қўлимга тутиб,
Ленин чароғидай ярқираб кўзим,
Шу минбарга чиқдим, ёшни унутиб...

Сочларим оқарган коммунист ота
Сиз, ёш авлодидан хурсанд бир умр.
Баҳор мажлисига таклиф қилганингиз,
Шунча сийловингиз учун ташаккур!

Партия сизларни чақирган онда,
Миллионлар: «Лаббай!» деб саҳрога борди.
Олтойда, Сибирда, Қозоғистонда
Водийлар кенгайиб, чўллар қисқарди.

Қадим Мирзачўлни эслайман ҳамон:
Қуш ҳам қўнолмаган шўр дала эди.
Сиз бориб, пахтага бўлди катта кон,
У ердан карвонлар келмакда энди!

Сиз Ватан шаънига тинч меҳнатингиз,
Мўл-кўл ҳосилингиз билан донгдорсиз,
Бизни шод этади шон-шуҳратингиз,
Дунёда энг илғор, энг бахтиёрсиз.

Бешинчи беш йиллик қаҳрамонлари,
Улуғ зафарингиз муборак бўлсин!
Олтинчи беш йиллик катта йўлига
Янги сафарингиз муборак бўлсин!

Ишчилар синфининг таянган насли,
Келажак қудрати қўлингиздадир.

Янги корхоналар, беқиёс ГЭСлар
Сизни кутмоқдалар — йўлингиздадир!

Сизни кутмоқдадир чексиз қўриқлар,
Йигирма миллиард пуд ҳосил хирмони.
Янги бўстонларда янги қўшиқлар
Куйлангиз, янгротсин бутун дунёни!

Сизга муҳаббатим, сизга ижодим!
Доим табриклайман камолингизни!
Кўриб қувонаман, ботир авлодим,
Жаҳонни ёритган жамолингизни!

Меҳнатда ғайратли, идрокли, мумтоз,
Ҳар бир янги ишга сиз бош бўлингиз!
Ҳар бирингиз доно, новатор, устоз
Ва ўз соҳангизда қуёш бўлингиз!

Отангиз қатори бўлганим учун
Сизга айтадиган сўзим ана шу:
Гарчанд ҳар бирингиз парвозда лочин,
Гарчанд ҳар бирингиз донгдор, баобрў.

Шуни унутмангки, инсон ҳаёти
Муҳаббат, оила билан гўзалдир.
Фарзандсиз кишининг ўчади оти,
Одамзод зурёди билан афзалдир.

Севинг, турмуш қуринг, ўғил, қизларим!
Шеъримни бағишлай тўйларингизга!
Набираларимни кўрай, деб атай
Меҳмон бўлиб борай уйларингизга!

Хуллас, фарзандларим, кўз қароғларим,
Пўлат сафларингиз яна ҳам тўлсин!
Суянган тоғларим, чаман боғларим,
Шонли сьездингиз муборақ бўлсин!

1959

ЛЕНИН ҚҰЙГАН ОТ

Улуғ партиямиз не иш бошласа
Унинг ёнидадир ҳар дам комсомол.
Халқимиз қаерда қуриш бошласа,
Шу ерда саф боғлаб, маҳкам комсомол.

Ҳар ишда партия — олий қўмондон,
Комсомол — рядовой жанговар солдат.
Комсомол дегани келажак замон,
Совет ёшларига Ленин қўйган от.

«Ташсельмаш» заводин оддий ишчиси,
Терим машинасин ижод қилган у.
Далада ҳосилнинг зўр курашчиси,
Унинг амридадир каналларда сув.

Марсга ҳам биринчи боражак инсон
Учади комсомол билети билан.
Бизнинг ёшлар учун нимаёмиш осмон
Фазодан каттароқ нияти билан!

«Ленин» музёраин командасида
Қўпчилик ёшлардан — комсомоллардан,
Уч ойлик кечада Қутб постида
Мағрур сузиб борар мудҳиш йўллардан.

МГУ чироғи ҳамиша равшан
Қалби атомсифат ўғил-қизлардан.
Қаерда гул бўлса, қаерда гулшан
Бир ҳовуч сочилмиш шу юлдузлардан.

Сиз учун шеърлар ёзиб тўймайман,
Сизга ҳасадим бор, оловдай ҳавас...
Ҳазил бу, ҳазилни жўртта қўймайман,
Сиз омон бўлсангиз, менинг учун бас.

Шу муздай тонготар парад илғори
Ҳавони ёради кўксингиз қилич.
Сизга қирқ йил бурун боққан сингари
Эркалаб кулимсар отахон Ильич.

(1960, ноябрь)

ЛЕНИН АВЛОДИ ҚУТЛАЙДИ

Қуёшнинг тиғидай олтин қалам-ла
Уфқдай кенг қалбим шеърини ёзай,
Ёқутни эритиб гулгун қалам-ла
Жаҳонни қамраган фикримни ёзай.

Сенинг ҳурматингга, улуғ Партия,
Фарзандлик бурчини айласам адо,
Яшаб турганимиз оламдай кўркам,
Унгимда очилур янги минг фазо.

Ота-бобомизнинг шуҳрати маълум;
Қирқ беш йил жанг, кураш йиллари китоб.
Лениннинг сафдоши бўлган шулардир,
Ўқадам-қадарида голиб инқилоб.

Ажойиб кишилар замон қуради...
Эндиги минг йиллар унутмайди ҳеч.
Бир қўлда милтиғу ёвни қиради,
Бир қўли цементда, қўяди кирпич.

Оталар ёнида ҳамиша кўркам —
Чинорлар сингари биз кўтардик қад.
Ёлла қурилишнинг умрида биз ҳам
Ўспирин қуввати кўрсатдик беҳад.

Қайси бир гигант бор бизнинг Ватанда
Комсомол авлоднинг иштирокисиз?
Қайси бир гулшан бор — гўзал чаманда
Ёш қалбнинг шуури ва идрокисиз?

Волга-Дон ҳамманинг аниқ эсида,
Унда қалбимизнинг тўлқинлари бор.
Волгограднинг ҳам улуғ ГЭСида
Ақлли кўзимиз учқунлари бор.

Буюк жанг кунлари ёвни қирганмиз.
Ватанни тозалаб қонимиз билан.
Янги олам учун асос қўйганмиз,
Ўлимни билмаган жонимиз билан.

Қайси бир фронтда жонбозлик қилсак,
Ленин партияси бизга бўлди бош.
Само картасига чизилганидак,
Биз — сайёр юлдузлар, у бўлди қуёш.

Уч насл, ярим аср машаққат чекиб,
Ер узра қуролдик янгидан жаҳон.
Умид донасини юракка экиб,
Яратдик тарихлар кўрмаган бўстон.

Минг йиллар одамзод орзулар қилиб,
Ета олмаганин биз барпо этдик.
Инсон деган номни муқаддас билиб,
Кишилик ҳурматин жо-бажо этдик.

Барҳаёт инсонлар авлодиданмиз,
Коммунизм қурган бахтиёр авлод.
Биз, ахир, Лениннинг зурёдиданмиз,
Қайга қадам қўйсак бўлади обод.

Шу ҳақда гап оламда аниқ қолади,
Коммунизм асрин гражданимиз,
Улуғ Партияга содиқ қолади
Ақлу идрокимиз ва виждонимиз.

Ленин Партияси шу қутлуғ саҳар
Киши тарихига ясайди якун;
Янги замонадан беради хабар,
Коммунизм асри бошланур бугун.

Бунда тасдиқланур инсониятга
Эндиги умр учун Програма.
Одамзод етолди эзгу ниятга,
Кишилик зўр кучи — Програма.

Ленин идеясин жаҳонлар аро
Сўнмас ғалабаси доим бор бўлсин!
Ленин партияси замонлар аро
Халқларга раҳнамо, мададкор бўлсин!

(1961, октябрь)



Менинг келажагим

СТАДИОН ОҚШОМИ

Қуёш юмалаб кетди футбол тўпидай,
Лолаларга кўмилди уфқ қопқаси.
Нурларга чўмиб ётган стадионда
Бошланди йигитликнинг мард дағдағаси.

Томошабин кўзларидай бунда чироғ кўп,
Темир кекирдакларин чўзар радио.
Юрак ҳовуч ичида, тепади гуп-гуп,
Фирдавсий мисраидай томирда ғулу.

Йигирма минг дудоқда шу қисқа хабар.
«Полвонлар келишмоқда!.. Ана полвонлар!» —
Яғрин ташлаб, елвагай мағрур, бепарво,
Бир қур йигитлар келар енгил, худди пар.

Ҳамма жим, шиқир этмас гуғурт қутича,
Ҳаттоки кашандалар тутун бурқутмас.
Стадион жон кўзин мардларга тикиб,
Салқин оқшом елидан олмоқда нафас.

Ҳукмин юргизади ҳукм минбари,
Ҳукмга қирқ минг қўлдин қарсақки, имзо,
Полвонлар қадамига осмон поя,
Жаранглар бош устида нилигун фазо.

Кеча фабрикада, кеча қўшинда,
Кеча бахтлар даласида шонли қаҳрамон,
Бугун мана бунда — стадионда,
Миллионлар севган ўғил, машҳур паҳлавон.

Ясов, дадилланар шу йигит секин,
Балки тақдир ёзгандир шу кенг манглайга;
Шахмат тахтасида муҳра сургандай,
Эртанинг ботирлигин — Чапаевлигин.

Чироқларга кўмилган улуғ майдонда
Ўнгга, сўнгга синчиклаб аста қарайман:
Тингланар юрак зарби, асаб жунбуши,
Зотан, ҳамма қаҳрамон, ҳамма паҳлавон.

(1936, куз)

КУЗАТИШ

(Ўғлим Жўраҳоннинг ҳарбий хизматга
чақирилиши муносабати билан)

Умрим, эй сен бўлиб шунча бегубор
То абад айладинг мени бахтиёр,
Умрим, эй сен билан қилиб ифтихор,
Бўлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор!

Туғилган кунимоқ кенг пешанамни
Толе юлдузига баробар этдинг.
Бешинчи йилларнинг тўлқинларида
Бешигимни ўз қўлинг билан тебратдинг

Ленада ишчилар отилган куни
Абжад ўқиш учун мактабга бордим.
Бобомга шул куни юз ёш тўлмишди,
Таажжуб қиламан толеимгаким:

Наполеон Москвада этик йўқотиб,
Иштонсиз Парижга қочган чоғида,
Келажак кунларнинг сутин асқотиб,
Бобом ухлар Ватаним эрк қучоғида.

(Жўра, шу чистонни дўстларингга айт:
«Бобоси туғилган кун набираси
Алифбе ўқишга кирибди», — фақат
Айтмагил, юз йилдир бунинг ораси.)

Таажжуб қиламан оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига,
Тасодиф эмасдир, балки сен — бизни
Курашлар тақмишлар бахтнинг ипига.

Йигирма учинчи йилнинг тонгида
Шеърим билан эгизак бўлиб туғилдинг,
Йиллар ўтиб ҳар икков ўғил онгида
Уфқлар очилди, фазоларга тенг.

Шеър ўсди, сен ўсдинг соатма-соат,
Мана энди, улғайиб, ҳарбий ёшинг бор.
Дўстлар билан сафда ўқишга, албат.
Мен ёзган эгизак марш — йўлдошинг бор.

Улуғ ғалабалар арафасида
Қабул қилди сени пединститут,
Сенга дарс бергувчи муаллимларнинг
Ҳурмати ни доимо сен ёдинг да тут.

Таажжуб қиламан оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Тасодиф эмасдир, балки сен-бизни
Ҳаёт ўзи тақмиш бахтнинг ипига.
Сенинг-чун шеъримни ёзар эканман,
Уканг Усар елкамда пичирлатиб лаб,
Ҳарфларни бир-бирига қўшолмаса ҳам,
Уқиб борди сўзларни қийнаб, ҳижжалаб.

Феълени биласан Усар полвоннинг,
Ҳозироқ сендан ҳам оташин-олов.
Ит кўрса «Гитлер» дер, мушук — «Муссолин»,
Манжалақи ҳар ҳайвон доим унга ёв.

— Дада, — дейди. — Гитлер қачон ўлади?
Мен дейманки: — Энг катта байрам кунида.
— Байрам ўзи қачон? — дейди, сўрайди.
— Байрам — фашизмнинг ўлган куни-да!

Таажжуб қиламан оиламизнинг
Толелар яратган тасодифига.
Фашизм итлари қутурган дамда
Кира олдинг курашнинг кескин сафига.

Кулимсаб тургувчи толеинг порлоқ.
Худди шу йил таппа-тақ ўн саккиз ёшинг.
Ватан қирғоғига ёв қўймиш оёқ!
Жангга юр, Партия, халқлар йўлдошинг!

Мен ҳам роппа-расо Пушкин ёшида,
Фақат бу курашдир, эмасдир дуэль.
Дуэлда ўлурлар, курашда — ҳаёт,
Тарих талаб қилган улуғ қирон йил.

Усар мужда сенга, улуғ байрам кун
Бўлар ёв ерида худди эртага,
Ўлур Гитлер, фашизм, ўлур даҳшат — тун...
Халқ юргач, бу байрам бўлмасин нега!

Боболар удумин тутиб назарда
Курашда толеинг бўлур сенга ёр.
Чунки бу курашда улуғ саркарда
Партия байроғи бизга ифтихор.

Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл,
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл, жўр бўл,
Партия ҳурмати, Ватан ҳурмати,
Халқимнинг ҳурмати, ғолиб бўл, зўр бўл.

1941

СОҒИНИШ

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Узинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.

Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонготар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим?

Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...

Иблисининг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Уғлим омон келади, голиб, музаффар,
Гард ҳам қўндирмасдан қора қошига.

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутаман, узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонготар ели.

Кечқурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни — аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ, ё хавфу хатар
Хазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.

Тонготар чоғида жуда соғиниб
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Ўроғу гудқайчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи қўшни қиз — унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.

Богда сарвиносим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим арғувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд.
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.

Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр, васвасамдан кулади қуёш.

Асалдан ажраган мумдай сарғариб,
Ини йўқ аридек тўзгиганим йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абаддир ленинча падарий ҳуқуқ.

Сизларни келди, деб эшитган куни,
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин албатта.

Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай нимпушти, сарин, беғубор

Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.

Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

Ё ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерс боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.

*Тошкент,
15 май. 1942 йил*

ЙИГИТЛАРГА

Йигитлар халқларнинг мақтови — кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи.
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат,
Қизлар кулгусида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига
Бир бутун замонни алишсанг арзир.
Арзир, ўз йигитнинг қадами учун
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир ўлимни юртдан қочириб,
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.
Сиз ахир улуғ юрт иқболи учун
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон:
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздир посбон.

20. 11. 46

БИЗНИНГ ҚИЗЛАР

Бор бўлсин совет юрти,
Ер саҳнида бўстондир.
Озодлик талаб бўлган
Халқлар ичра дostonдир.
Ўз бахти, ўз иқболи,
Ўз эркида қизлармиз,
Юрган йўлимиз порлоқ
Меҳнатдан чароғондир,
Илму фан билимларга
Қалбимиз тўла кондир.

Гулларга тўлиб-тошсин
Бизнинг бу чаман доим,
Кундан кунга бўл кўркам,
Яшна, яшнагин доим,
Тинчликда омон бўлсин
Ғолиб бу Ватан доим,
Бор бўлсин Совет юрти,
Ер саҳнида бўстондир,
Бу юртда озод инсон
Бахт боғига боғбондир.

Шон бирлан, шараф бирлан
Эрта-кеч камолимиз,
Меҳнат-ла, илм бирлан
Порлайди жамолимиз,
Ҳар лаҳза бўлур равшан
Гулдек юзи элимиз,
Бор бўлсин совет юрти,
Ер саҳнида бўстондир,
Бу юртда озод инсон
Бахт боғига боғбондир.

1947

ГИЛАМ

Бир Мари қизининг тиккан гилами,
Охирги сатрда номин ўқидим.
Юлдузни эритиб, азиз дўстларим,
Шу туркман қизи-чун шеър тўқидим.

Оқшомни ким яхши кўради, дўстлар,
Тонготар чоққача кўзим толиқур,
Умр бошланди, деб ўйлайман тонглар,
Қачонки, зориққан қуёш болиқур.

Чинорлар учида биринчи нурни
Даставвал кўришга кўзим учади.
Қалам ҳам қуёшдек, тез юриш билан
Сатримдан сатримга қараб кўчади.

Малла қўзичоқнинг териси каби
Баҳор эркалаган айқирувчи сув,
Битта қиз гуллардан тақиб чамбарак,
Ўзи ҳам кулворди ва кулди кўзгу.

Бир Мари қизининг тиккан гилами,
Охирги сатрда номин ўқидим.
Юлдузни эритиб, азиз дўстларим,
Шу туркман қизи-чун шеър тўқидим.

1948

ФАРЗАНДЛАРГА

Ёзилди бу шеър баҳор тонгида,
Азиз фарзандларга совға бўлсин, деб,
Токи бир мўйсафид отанинг сўзи —
Эндиги қалбларга дилжо бўлсин деб.

Эндиги умрнинг посбонлари,
Азиз фарзандларим, ўғил-қизларим!
Улуғ Май кунингиз бўлғуси қутлуғ!
Насллар шаънида ўйлаганимда
Бўйингиздан ҳеч насл бўлмади улуғ.

Нью-Йорк, Вашингтон иморатлари
Қаддингиз олдида бўлажаклар паст.
Ҳушёр қалбингизга халал беролмас
Париж шантанидан чиққан битта маст.

Улуғ тарбияда учинчи бўгин,
Ленин, Октябрнинг набирасисиз.
Оламни сиз учун яратиб бердик,
Қолганин баробар қўриқловчи — биз.

Ёдингиз Синонинг ёдидан ўткир,
Бирор сўз айтганда, унутмас асло,
Аввалги шеъримда айтиб ўтганман:
Расо қоматингиз — бизларга асо.

Давлату мамлакат, Ватан ва ҳуқуқ
Қачон йигитларсиз бўлур барқарор!
Уйимда тинч-омон ухлай оламан:
Қаторда норим бор, норим бор қатор.

Май куни суйган ёр билагин тутиб,
Бу гулшан арода кезмак — ҳаққингиз.
Бекорга эмас-ку: кўкрак устига —
ВЛКСМ деган нишон тақдингиз.

Боғлар бу бўстонлар, Ватан ва давлат —
Бариси сизники, бари сизники.
Наслсиз, бепадар, бадбахт золимнинг
Не билан тугалур охир таг-туғи?..

Ота юртларнинг ўғил-қизлари,
Майингиз муборак қуёшингиздек,
Ўпишинг, кулишинг, ўйнанг, гул тақинг!
Муборак, қутлуғ кун ўз ёшингиздек.

27. 4. 48

ҒИЗЛАРГА

Ғилослар лабинғиз акси бўлгандек,
Лабинғиз аксидир бу боғда ғилос.
Сиз учун шеър ёзар бўлган чоғимда
Ўсма сиқиб бердинғиз сиёҳимга мос.

Кўкаринг, ўн-ўн беш бола кўринғиз,
Уялманг, бу ахир табиат ҳукми.
Эр-хотин бўлмаса кишилик наслин
Давоми бўлибон қоларди кими?

Боғимда настарон гуллаб қолдию
Баҳор ҳурмати-чун мен узиб олдим,
Кейин ўз чаккамга тақишдан кўра,
Бекамга тақдимни ўйлабон қолдим.

Бали, унинг чаккасида келажағимни
Ўн олти нури бор, унга арзиғай.
Табиат ҳукмини ёзар чоғларда
Сават тўқимоққа ярағай қўғай.

Бош қизим, эр ўғил — набирам билан
Қутлуғ оилага қўйганда қадам,
Ўзимни қизимнинг юзида кўриб,
Ғафур деб атайман набирамни ҳам.

Келажак наслнинг манглайин ўпиб,
Умрим ўлмас бўлиб қилади давом.
Баҳор табригини сизга ёзғувчи
Катта тўй кунлари бобонғиз Ғулом.

(1948)

ЎИЗИМГА

Мукаммал одамни яратмоқ учун
Фақат бизнинг қонун бўлади асос.
Ойнадан доғларни кеса олгучи
Уткир сўз — бриллиант, қалбимиз — олмос.

Ўиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур,
Бўй етиб, бошқа уй эгаси — бека.
Ўиз деган гулшаннинг онаси бўлур,
Фамилия бошқадир, унамай нега?

(1948)

МЕНИНГ КЕЛАЖАГИМ БОР

Юлдузлар сирини ошкор этган
Улуғ мирзо деган келажагим бор.
Тарихлар мадраса олийси учун
Бу буюк бинода катта ранжим бор.

Мўйсафид онамнинг оппоқ сочлари
Менинг ўтмишимдан берганда дарак,
Қаро шомлар аро дарак беролмас
Бизнинг оилада Уолл-Стрит—шабпарак.

Онам маъюс боқар менинг кўзимга,
Унинг нигоҳида мунгнинг акси бор.
Эндиги умрида,
айта оламан,
Тушмайди муҳтарам чашмига губор.

Бўй-бўй йигитларни ўстириб келиб,
Чинордай қомат-ла асраган чоғи
Не учун бу ғариб мотамзаданинг
Сассиқ алаф ҳидлар бўлди димоғи?

Йиғига ҳожат йўқ, йиғлай бошласам,
Оламни тўнкариб бошимга ташланг!
Бўйларингдан ўргилай, азиз ўғиллар,
Оламни сиз энди қайтадан бошланг.

Зулм ҳам бўлмасин, бедод бўлмасин,
Жабр ҳам бўлмасин, муттаҳамлик ҳам.
Олам дастурхони узра меҳнат-ла битган
Шу бир бурда нонни кўрайлик баҳам.

«Қон рангли лола» деб аталган чоғда
Болалар: «Қон на?», деб бизлардан сўрсин,
Даҳшатли тарихнинг мудҳиш изларин
Қамчиланган яғринда изларин кўрсин.

Умидлар, бир райҳон узиб бергандек,
Инсон димоғида бўлсин муаттар,
Ҳаёт тонготардек, доим кулгидек
Абадий ҳаётдан беролсин хабар.

Қачонгача одам бадбахт металнинг
Номаълум даҳшати остида яшар?
Келинг, бир нафасни тинчроқ олайлик,
Ер халқи, ҳазрати одамий башар!

23. 08. 48

КОММУНИЗМНИНГ ЙИГИТ НАСЛИГА

Ҳаво тоза, гўзал тонг отар,
Тонг қушлари билан баробар
Еруғ кунга бўлиб сафарбар
 Ҳаёт томон юрар комсомол,
 Қадамига мунтазир шу йўл.
Истиқболнинг очиқ боргоҳи,
Гўзалларнинг илиқ нигоҳи,
Оталарнинг қутлуғ дастгоҳи —
 Барчасининг эгаси сизсиз,
 Келажак йўқ вужудингизсиз.
Чегаранинг қоралигида,
Юлдузларнинг оралигида,
Одамларнинг саралигида
 Шунқоримиз, асл наслимиз,
 Баҳоримиз йигит фаслимиз.
Ернинг сири сизларга аён,
Стадион сизга осмон,
Сизникидир эндиги замон,
 Манглайлари кенг жаҳонимиз,
 Яғрини кенг паҳлавонимиз.
Улуғ Ленин илми кўнгилда,
Партиямиз таълими дилда,
Коммунизм каби кенг йўлда,
 Маърифатнинг том-томларисиз,
 Саодатнинг атомларисиз.
Жаҳондаги тинчлик, омонлик,
Одамизод хуррам замонлик,
Сиз қиласиз шунга посбонлик,
 Таянчимиз метин қалъамиз,
 Қопқамизда пўлат ҳалқамиз.
Агарчи мен бўлиб қолдим чол,
Сизнинг билан умрим безавол,
Сизнинг билан шеъримда камол,
 Бахтимизсиз, чароғларимиз,
 Кўзимизсиз, қароғларимиз.
Улуғ байрам — кўнгиллар кушод,
Сизлар билан олам бўлсин шод.
Коммунизм ватани обод,
 Улуғ Ленин фарзанди яшар,
 Партиямиз дилбанди яшар.

(1950, 5 ноябрь)

ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАРГА

Пахталар ватанининг асл чевари,
Пахта даласининг қиз-жувонлари,
Тиниқ кўкимизнинг кабутарлари,
Кишилик уруғин меҳрибонлари,

Эрк билан қудратнинг лугати битта,
Сизнинг шаънингизда сўз борар чоғи.
Меҳнат эгизакдир бунга албатта,
Сиз билан бўстондир олам қучоғи.

Ернинг тоза бўлмай сира ҳаққи йўқ,
Не қизлар қад букиб уни супурган.
Ҳатто тош кўзгу ҳам гўзаллик ҳаққи
Юзингиз аксини ўзга кўчирган.

Булоқ қатрасидай юраги тоза,
Ёқимтой жамоли тириклик кўрки.
Меҳру шафқатидан бўлуқ овоза
Дунёни қопласа арзийди, чунки,

Чигитнинг ёнбоши ерга теккандан —
Пахта хирмонгача — то ҳанузгача,
Илк кўклам чоғи дона тиккандан —
Шундай тўла-тўкин кечки кузгача.

Шуларнинг меҳнати миллион тоннанинг
Ҳар битта кўсаги, ҳар граммида,
Хайри, Хадичанинг, Қумри, Аннанинг,
Қунти бор ҳосилнинг жамул-жамида.

Олтин пиёлада нишолда каби
Етук идрокимиз ундирган ҳосил,
Тинчлик замонага зўр далда каби
Пахта хирмонлари ўсар муттасил.

Оқ бахмал кўрпадай пахта қопламиш
Республикамизнинг далаларини.
Теримга бел боғлаб мисоли қамиш,
Янградинг меҳнатнинг яллаларини.

Сизга таянади республикамиз
Ўзимнинг лобарим, чечан қизим, деб,
Қизалоқ бўлса ҳам аҳди маҳкам қиз,
Ҳар иши тежоглиқ кўрар кўзим, деб.

Кунларни соатлар забтига олиб,
Ҳатто тарозибон эрни шоширинг,
Қумурсқа ёпишган қанддай муталаб,
Хирмонлар қаддини кўкдан оширинг.

Икки юз, уч юзу тўрт юз килолаб,
Ҳарна қўлга кирса, терилгани хўб.
Бир-бирдан ўзишиб, қувлаб-қувалаб...
Бормикан жаҳонда сиз каби маҳбуб?

Пахта планимиз тўлиб, эртаси
Ҳурматли номларни ёдга олар пайт,
Албатта, сизлардан неча ўнтаси
Қаҳрамон исми-ла қилинажак қайд.

Улуғ мамлакатнинг улуғ кучига
Озу кўп қудратин қўшолган одам
Куч берган бўлади тинчлик ишига,
Тинч, омон яшайди юртида бардам.

Тинчликка гаровдир Совет ўлкасин
Ҳар грамм пўлати, ғалла, пахтаси,
Чақирар тенгдошин, ака-укасин
Теримчи қизларнинг тинчлик вахтаси.

Октябрь, 1951

МЕНИНГ БИР САТРИМ

Қалбимда қимматли болаларимнинг
Капалак сингари шўхликлари кўп.
Уларнинг манглайи бахтимдай маҳбуб,
Ўпиб эркалайман ўз лабларимни...

Бирор тонг биттаси йўталиб қолса,
Жонимни ҳовучлаб дилим уради.
Ярим дам кўзимдан йўқолиб қолса,
Туғма чанқов каби тилим қуради.

Топмасдан қўймайман болаларимни,
Чаманим **зийнати** лолаларимни.
Улар-ку шўхликда капалакдан зўр!
Аммо тополдимми, сезаман ҳузур.

Ҳар болам уфурган нафасин атри
Шеъримнинг энг етук, энг яхши сатри.

(1955, февраль)

ТОШХОН ДЕГАН ОЙҚИЗЛАРГА

Тошхон деган ойқизлар, ҳаттоки хаёлингиз
Узун-узун кечалар менга бермайди ором.
Хатларингизни ўқиб, дутор билан куйлайман,
Ушбу шеърӣ мактуб-ла сизга айтаман салом.

Кўзнинг қорачиғини қаергаки тикибсиз,
Шу ерда бахт унади, менинг онахонларим.
Ватан майдонларининг эгасисиз ўзингиз,
Мўсафид бағримдаги тиним билмас жонларим.

Ҳаммаси сизникидир — бу ердан осмонгача,
Ҳаммаси сизникидир — тепиб турган жонгача.
Мазмун ҳам сизникидир, ҳаёт ҳам сизникидир,
Эндиги келажак ҳам, бағри кенг жаҳонгача.

Она сигирлар каби сочингизни ялайман,
Жаҳонга жамолингиз тароқланиб кўринсин.
Қуёшни манглайизга қўймоқликни тилайман,
Бахтингиз тонглар аро ярақланиб кўринсин.

Менинг онахонларим, жафокаш ва меҳрибон,
Шу Ватаннинг жамоли, чечаги бўлган қизсиз.
Кечалар тим қоронғу, ваҳма бўлиб қоларди
Кўкимизда бўлмаса сиз каби порлоқ юлдуз.

Умримдан ўттиз йилни қайчилаб қирқиб ташлаб,
Йигит тасаввур билан бағрингизни ўйласам,
Уч миллион нима демак, уч миллиард тонналарни
Битта парёстиқ каби кўтармаклик менга кам.

Қизим деб Чиннихонни Ворошилов суйганда,
Элимиз қизларининг бошлари кўкка етди.
Шу болам қаҳрамон деб Фармонга қўл қўйганда,
Ўзбек хотин-қизлари олий муродга етди.

Пахта — бизнинг бахтимиз, нега уни термайлик,
Пахта — бизнинг бахтимиз, шу бизга яхлит мурод.
Пахта — бизнинг бахтимиз, нега териб бермайлик,
Пахтамиз ўз бахтимиз — қайлиқли уйлар обод.

Тез ора тўй бўлади, ўн-ўн беш қўй бўлади,
Юнус акам яратган янгича куй бўлади.
Остонаси олтиндан деганлари рост чиқиб,
Ҳар жупай йигит-қизга қўшқават уй бўлади.

Қирқ ёшли инқилобнинг ленинча ҳурматига
Онахон қизларимга айтар сўзим бор менинг.
Мен аниқ ишонаман ҳурматлар қимматига,
Сиздаги бу эътибор — умр эътибор менинг.

Қариган чоғларимнинг ҳар омонлик дамида
Қудратингизга атаб бирор сатр ёзсам бас.
Баҳор тонготарида эсан майин ел каби
Мендан сиздек авлодга етсин саломат нафас!

(4 октябрь, 1957 йил)

СЕН САЛОМАТ БЎЛСАНГ БАС

Кўнглимнинг чароғидир болаларимнинг кўзи,
Топилмагай болалар кулгусидек хушовоз.
Энди тилга кираркан, энтак-тентақдир сўзи,
Жоним билан қўл тутиб уфқда қилар парвоз.

Биринчи атак-чечак ўз ери, ўз қадами,
Олхўри товон билан тупроққа соларкан из.
Алпанг-талпанг тўлғониб йиқила тургандами,
Юз йиллик бахт йўлининг бошланиши бу сўзсиз.

Ўн бола ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи,
Қалбим даричасидан мўралаган истиқбол.
Ўйин-кулги аралаш елвагай эрка йиғи,
Еримизнинг кўрки бу, уйдаги етук жамол.

Бармоғингга кирмоқчи тиканга бағрим қалқон,
Кўзим қорачиғлари, сизга нур ярашади.
Қўнгироқ сочларингиз, қўнғир, қора, заъфарон..
Офтоб тарағида оналар тарашади.

Орангиздан бириси «хуҳ»ча иситмаласа,
Ота-она бағрини ўртаб кетар ҳарорат.
У ён-бу ёнга югур, докторга чоп — талваса,
Жонингизга жонимиз нақдинаси кафолат.

Не-не узоқ кечалар уйқунгизни қўриқлаб,
Оппоқ тонг отгунича мижжа қоқмай оналар,
Қоқилиш, суқилишдан, ўтдан, сувдан ардоқлаб,
Арзиққан юракларга торлик қилар сийналар.

Битта бола бўй етиб, ўз ўрнини толгунча,
Эмукдош элу юрти, она-Ватан мунтазир.
Фурсат ўтиб кетади қулт этиб ютунгунча,
Аммо келажак изми қўлингиздадир ҳозир.

Биз эртани кўрамиз болалар манглайида,
Бўгин-бўгин кўпаймоқ мангулик негизидир.
Бибиси бош бармоғин муҳри бор танглайида,
Чинордай умримизнинг фарзандлар илдизидир.

Қайроғочдай саф чеккан бу ораста наслни
Инжудай ардоқлаймиз, ўттиз икки тишимиз,
Кўкламларга бурканган қўл бола бу фаслни
Қуюндан, гармселдан қўриқламоқ ишимиз.

Эндиги эҳтимоллар: уруш, қирғин, тўполон,
Навқирон гўдакларнинг захрасин ўртамасин.
Яна қуёш чеҳрасин тўсмасин қонли туман,
Кўз ёши ҳўл қилмасин оналарнинг сийнасин.

Эй одамзод фарзанди, сен саломат бўлсанг, бас,
Асл инсониятнинг муддаоси ушбудур.
Эй менинг авлодларим, чўчимай олинг нафас,
Ешликнинг шинам дами ва сафоси ушбудир.

Биз замона яратдик, сизга мерос бўлсин деб,
Ҳар бир олтин хиштида коммунизм намоён.
Янги тарзда яратдик, сизларга хос бўлсин, деб,
Инсонча яшаш билан шарафлансин бу жаҳон.

(30 май, 1958)

ИПАКЧИ ҚИЗЛАРГА МАЙ САЛОМИ

Ерни гир айлантриб миллион туп ниҳол экдик,
Бахтимизга ярашиқ ҳусн-ла жамол экдик.
Олма, нок, ўрик, олча, қанду қурсу бол экдик,
Тутни беҳисоб экдик, сой лабига тол экдик,
Ярқираб кўринсин, деб, меҳнату шараф юрти.

Кўчатларнинг шох-шабба, хипчини, чўкиртаги,
Ниш урган япроқларнинг ёнбошида куртаги —
Гуллардир, ғўралардир, мевалардир эртаги.
Шунчалик боғу бўстон ундирибмиз жўртаки,
Ярқираб кўринсин, деб, меҳнату шараф юрти.

Пахтакор ўзбекларнинг ипакчилик иши бу,
Юзга ўтру қўйилган булоқдан тиниқ кўзгу,
Сип-силлиқ жилосидан симобий тўлқинли сув,
Маърифат намоишини бениқоб чеҳраси шу,
Ярқираб кўринсин, деб, меҳнату шараф юрти.

Мудроқ ипак қуртлари ечар малла тўнини,
Мурғак барглар устида ўтказар тун-қунини,
Бодом ранг пиллаларда кўкламлар мазмунини,
Ипакчи қизларимиз ёркан яқунини,
Ярқираб кўринсин, деб, меҳнату шараф юрти.

Атласдек жилоланиб еру кўкда кезар Май
Марғилон барнолари сипо ўтар қарамай,
Ўрим-ўрим ипакдай қоматингдан ўргилай,
Шу чивиқ беқасамдан мирзойи тўн тиктирай,
Ярқираб кўринсин, деб, меҳнату шараф юрти.

Пахтамиз, ипагимиз, олам тўла мевамиз,
Йўқ ердан яратмаклик ҳунаримиз — шевамиз,
Андижону Тошкент, Самарқанду Хевамиз,
Манглай очиқ чиройни жуда-жуда севамиз,
Ярқираб кўринсин, деб, меҳнату шараф юрти.

(1959, апрель)

УЧ ҚИЗУ ТҮРТ ҰҒЛОН

Ям-яшил водий бўйлаб уфқларга туташган
Кенг, кўркам асфальт йўлда кетарди етти ўртоқ.
Ҳаммаси ҳам саломат, юзлари қонталашган,
Шўх дарёнинг сувидай шарқироқ, тинмас, қувноқ.

Бириси Қўқондаги ёғ заводи прессчиси,
Бири Марғилондаги комбинатда тўқувчи,
Бириси «Андижонгаз» донг қозонган ишчиси,
Бириси Фарғонада ГПИда ўқувчи.

Иккиси Бағдоддаги «Партсъезд» аъзолари:
Бириси сут соғувчи, бири илғор пахтакор.
Еттинчи — қурт боқувчи, бу еттовнинг ҳар бири —
Сўзамол, ишчан, доно, кўнгли нурдай беғубор.

Уч қизу тўртта ўғлон, басма-бас шовқинлашиб,
Кетарди Фарғонага — комсомол слётига.
Кетардилар сўзлашиб, сув кечиб, довон ошиб,
Водий қизиб кетганди етти юрак ўтига.

Андижонгазлик Туроббой гапирарди тутақиб:
— Етти йил охирида водий газга тўлади.
Ҳамма фабрик- заводлар арзонгина ўт ёқиб,
Хонадон ўчоқлари дуд-қурумсиз бўлади.

Туроббойнинг сўзлари ўтдай қизгин бўлса ҳам,
Саноққа бой эдию лирика камроқ эди.
Тилининг учи билан қизил лабин қилиб нам
Тўқувчи қиз Саодат кулимсаб шундай деди:

— Газ-ку жуда яхши гап, аммо ипак кийим-бош
Кишининг вужудида доим сақлар ҳарорат.
Бизнинг атлас, шойилар товланар худди қуёш,
Крепдешин, жужунни бизлар тўқиймиз фақат.

— Мунча мақтанмасангиз? — қурт боқувчи сўз
қўшди. —
Атлас атлас бўларми, бизлар пилла бермасак?
Сўз ипак қурт боқишнинг шавқи-завқига кўчди..
Гап чувалиб «сен-мен»га келиб етди ҳам андак.

— Тўхтанглар! — деди Акбар, донғи кетган
пахтакор. —

Пахта — ўзбек халқининг миллий фахри, ғурури.
Ҳар гектар ер бошидан юз центнер ваъдам бор,
Буни меҳнат дейдилар, меҳнатнинг қурчи, зўри.

Модомики нақдгина ер бор, сув бор, қуёш бор,
Давлат, Ватан шарафин кўтарамиз албатта.
Мендайлардан бу сафда юз минг комсомол ёш бор,
Борар йўлимиз катта, интилиш ундан катта.

Обид ёғ заводдаги ишлардан сўзлаб кетди,
Шеър ўқиган ёш шоир эҳтиросига ўхшаш.
Ҳавохон сигирларин эркалаб, номин айтди,
Жумласи сутдай ширин, сўзи қаймоқ аралаш.

Студент Алишернинг олимларча овози
Водийни гумбурлатар кафедра сингари.
Уч қизу тўрт ўғлоннинг истиқболга парвози
Ленинча журъат билан босиб борар илгари.

Улуғ Ленин бобомиз ўзи кўриб турибди,
Коммунизм асрининг етук жаҳон ободин.
Ленин ўз қўли билан ниманики қурибди,
Унинг давомчилари ўз ленинчи авлоди.

(1960, апрель)

ИСТИҚБОЛ АРАФАСИ

Йигирма йилдан кейин не бўлур, деб истиқбол,
Инсоният эртасин қилмак бўлсанг сарҳисоб.
Материалист кишига ярашмас фолу хаёл,
Ёруғ башорат берар Ленин ёзган ҳар китоб.

Йигирма йилдан кейин биз яшаган Ватанда
Коммунизм асрининг жўшқин дами бўлади.
Ниҳоят одамизод ўлиб кетмай армонда
Қура олган замоннинг энг кўрками бўлади.

Советлар элидаги миллионлаб оиладан
Ўрта ҳол, меҳнатсевар, серфарзанд биттасимиз.
«Ячейка» аъзолари соғлом ақл, соғ бадан,
Кишиликка ҳурматнинг хазинаси сийнаимиз.

Ҳар киши, ҳар оила умид билан яшайди,
Эндиги юз йил унга куни эртадай яқин.
Бахтиёр авлодларим давом этажак, дейди,
Бўгин сўнгидан бўгин, оқин сўнгидан оқин,

Саксонга кирганимда йиллар ўтиб йил сайин,
Коммунизм асридан оламча умидим бор,
Ким бўлиб етишаркан йигирма йилдан кейин
Оиламиз кичиги, набирам Мирза Мухтор?

Ҳозирча уч ёшда у, қўйиб қўйган тўполон,
Шу топда шофер эди, шу топ милиционер.
Жез қалпоқли пожарний бўлишлик унга армон,
«Ту»лар шиғиллаб ўтса, «Учувчи бўламан», дер.

Коммунизм асрида бирор уйга ўт тушмас,
Пенсияда бўлади милиция нафари,
Энг олий камолотга етмак инсоний ҳавас,
Мухтор кабутар ўйнар, бу гапдан йўқ хабари.

Отаси, боболари коммунизм биносин
Худди шуларга атаб қуриб битказиб қўйди.
Бардош билан енголиб давр жабри-жафосин
Авлодларни шу ёруғ кунга етказиб қўйди.

Йигирма йилдан кейин...

Тасаввур қилмоқдаман

Ким бўлиб етишувин шўх ботир Мирза Мухтор;
Ҳар уруғ, ҳар кўчатга муносиб боғу чаман,
Ҳар одам фарзандига ўз жамият эътибор.

Йигирма йилдан кейин барваста, дадил, тетик,
Очиқ манглай, азамат, қувноқ битта инженер.
Ёки битта кимёгар, агроном, доктор, физик,
Коммунизм ўстирган мирзамухторлармиз, дер.

Балли бу мухтор авлод, жаҳонда энг бахтиёр
Коммунизм асрининг озод граждандари.
Ленин ўзи мураббий, онги, ақли беғубор,
Биллурин қатрадан пок қалблари, виждонлари.

Коммунизм юрти бу, тинчлик, омонлик бунда,
Инсонлар бир-бирига биродар, туғма қардош.
Ирқу миллат фарқи йўқ, ҳамма тенглик мазмунда,
Ҳар кишига теп-текис ҳарорат берар қуёш.

Ҳамма меҳнат қилади қўлидан келганича,
Ўзгалар қонин ичиб зулукча яшамак йўқ.
Ленин таълимотидан камол топган тушунча
Инсон деган ном учун муносиб олий ҳуқуқ.

Бугун улуғ Москва Съездлар саройида
Кишилар орзу қилган шарафли кун бошланур,
Ғолиб табассум бордир доҳиймиз чиройида,
Партия байроғидан оламга оқшомда нур.

Бу ерда тасдиқланар улуғ Програма, —
Инсоният умрининг эндиги йўл-йўриғи.
Инсонлик умидига тўлиқ Програма, —
Кишилиқнинг чинакам енгган ҳаққи-ҳуқуқи.

Шундай улуғ съездда бағримиз гунчасидан
Оташин гулдастадир, Партиямизга салом!
Чунки етук одамзод, онги, тушунчасида
Ленинга вобастадир, Партиямизга салом!

(1961, октябрь)

ЯНГИ ЗАМОН САРИ

Бирор тонг қуёшдан кечрак уйғониб,
Болалар чуввосин эшитмай қолсам,
Кунбўйи гангийман довдир сургалиб,
Гўёки зеҳнимда алланима кам.

Томимиз мактабнинг томига туташ,
Болалар тепган тўп бизга тушади.
Қувноқ шовқин-сурон қийғос аралаш
Илк саҳарданоқ қайнаб жўшади.

Бу тонг жуда барвақт уйғонди мактаб,
Болари инидай ғувиллайди у.
Нурларга чўмгандай ҳар олтин тараф,
Офтобда эриган жарангдор кулгу.

«Аввало тўй деган болаларники»,—
Ота-боболардан бу мақол мерос.
Туфлюю галстук, кийим-бош янги,
Байрамда безанмак ёш авлодга хос.

Улуғ байрам олди, Октябрь олди
Каттакон майдонда тантана, сбор,
Горн садолари уфқни ёрди,
Истиқбол кўринди кўзга беғубор.

Кун кеча улуғвор тарихимизга
Муқаддас янги боб очган съездда,
Онгимиз, зеҳнимиз, шууримизга
Офтоб нурларин сочган съездда —

Эндиги замоннинг бутун измини
Шу авлод қўлига қилинди тақдим.
Биз қурган муборак коммунизмни
Насллар қўлига қилинди тақдим.

Бир йигит умрича фурсат ўтади,
Инсонлар мунтазир замон келади.
Коммунизм асри сизни кутади,
Биз унда яшаймиз доим, абадий.

Ленин идеяси йўлидан борган
Улуғ инсоният бўлди бахтиёр.
Ленин орзуларин тимсоли бўлган
Покиза наслимиз, авлодимиз бор.

Авлодлар сафи бу, қўймоқда қадам,
Колонна кетмоқда Қизил майдонга.
Партиямиз каби ғолиб, мустаҳкам,
Қизил майдон оша янги замонга.

(1962)

ЯШИЛ КЕМА СУВОРИЙЛАРИГА

(Онахон механизатор теримчи қизларимга ва
йўл-йўлакай арслонгўш қаҳрамон теримчи
ўғилларимга ҳам)

Субҳидамда кезар яшил кемалар
Оппоқ олтин океанин оралаб,
Худди кўкда маржон-маржон турналар
Уфқларни ёрган каби тирмалаб.

Бу карвоннинг қадамига мунтазир
Қуни эрта порлаб турган истиқбол,
Бу қизимнинг қутлуғ исмидир Манзур,
Ёз фаслида кун ўртада баркамол.

Қизларим кўп эркин, соғлом камолли,
Илму фанда, ҳур меҳнатда ягона,
Ахлоқи-ла вафода ҳам жамолли,
Вужудидан кўркам бизнинг замона.

Ўзим, сўзим, юлдузимсиз қизларим,
Ҳамма яхши ниятларим чин бўлур.
Толемсиз шўх қуралай кўзларим,
Кулган қизнинг қошлари кергин бўлур.

Гард-губорсиз шу ғояга етибсиз,
Бавлаб, тўшлаб ўстирганларга балли!
Бағримдаги меҳрим поёнсиз, тубсиз,
Шарпангиз ҳам кўнглимизга тасалли.

Сизлар ахир не-не олий ВУЗларнинг
Юрагисиз, жавҳарисиз, шонисиз.
Мазмунисиз кечалар-кундузларнинг,
Юртимизнинг таянчи, дармонисиз.

Қандай бахтдир ўзбек номли халқ қизи
Илму фаннинг сири билар мукамал.
Маърифат-ла ярқироқ онгли кўзи
Замонларнинг муаммосин қилур ҳал.

Тотимлисиз Арслонбобнинг болидай,
Сиз борсизу меҳнатларимиз енгил.

Еру сувнинг, ҳавонинг тимсолидай
Ҳаётийсиз, ҳаётийларга кафил.

Бир чиннида қайноқ лиммо-лим сутдай
Пахта пишди, фурсат қиёмга етди.
Қадри баланд ҳар дамнинг қўру қутдай
Меҳнатимиз, хуллас, каломга етди.

Дала-тузда тўлқин каби ҳайқириб
Турсунойнинг шогирдлари келмоқда.
Яшил кема арслон каби айқириб
Пахтазорнинг бағрин тигдай тилмоқда.

Жанг кунлари қалъа олган қаҳрамон
Гвардия нафаридай сафбаста.
Машиналар гумбуридан осмон
Титраётган водийларга пайваста.

Шу қизлардир халқимиз меҳнатининг
Манман деган уддабуро лобари,
Енга олиб теримдай зўр заҳматни
Келтургувчи ғалабанинг хабарин.

Яшил кема суворийси чеварлар,
Ўзингиздай покизадир ишингиз.
Шонингиздан дала тўла лапарлар,
Байроқ бўлсин ҳамиша қилмишингиз.

Севган йигит ўкиниб қолмасин, деб,
Унга айтар қатор-қатор байтим бор.
Бўртган юзи офтобда тўлиқиб,
Тонг ёрмоқда яғрин кериб улуғвор.

Юз тонналар нима эмиш сен учун,
Севги, ахир, тарозида тортилмас,
Тан олсанг бас, муҳаббатнинг зўр кучин
Штурвалда кеккайган қиз Муқаддас.

Қиз-ўғиллар халқимизнинг таянчи,
Тезу тоза юз тонналаб терингиз,
Ва сиздадир элу юртнинг ишончи,
Сизни қутлар Ватанингиз — ерингиз.

(1963, сентябрь)



ДИПЛОМ

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

(Умумий мажбурий таълим ва ички урушлар,
босмачилик натижасида етим қолган боқимсиз
болаларни йиғиб, интернатлар очилиши
олдидан)

Шу ёшгина ўспиринга қарангиз:
«Ёш бошидан кашанда,
қандай орсиз, шарманда,
бобосидай кўксовланар,
кўп эсиз!» деярсиз.

Мурғаккина ўлкасидан бир парча
Махорканинг тутунига қўшилиб,
Ўткир ханжар сингари,
Бош устидан кўк тилиб,
Қанотли бир аждарча
Ёки зангор илон каби буралиб.
Соғлиқ деган муаммога чирмалиб,
Шу «гумбази даввор» ичра сингади.

Кўзларида маъносиз бир илтифот,
Гўёки у
Аллакимдан ранжибди;
Ҳалигача
Мақтаб, ўқиш унга ёт.
Машғулоти:
«Тойди» била «ачипти».
Биз бошданоқ шимиб олдик
Лениннинг:
«Саводсиз бир ўлкада —
Социализм тузилмас!», — деган ўтли шиорин,
Дилга чўккан

Анъанавий омийликнинг гўборин
Юз ҳам минг
Техникумлар, мактаблар
Ювмоқда, олмай нафас —
Кишилар фабрикаси.
Комсомол ҳам пионер —
Миллионлаб соғлом кадр,
Қаторланиб чиқмоқда,
Келар киши ҳаваси,
Ҳар биттаси азамат —
Беш йилликни тўрт йилда
Витказишга муқтадир.

Албат:

Шу бола ҳам
Пионердай гумбурлатиб барабан,
Шу қаторда қалам, дафтар қўлтиқлаб
Юрмаганга аламланиб — буриб лаб,
Аччигини олар, балки
Махоркадан, ошиқдан.
«Партиямиз ўқимоқни, ҳаммага
мажбурий, деб қўйса ҳам,
Айтинг нега
Маорифда ўлтирган акам
бепарво?» —

Деб балки чекар гам?

Бир Тошкентнинг ўзида
Ўзбекистон марказида — кўзида
Рўйхатдан ўтмай қолган
Шунча жон!
Маорифнинг вакиллари
Қаландардай тентираб,
Эшикларни қоқади —
Расмият
Фақат,
Минглаб Мишка, минглаб Ванька,
Минглаб-минглаб Аҳмаджон
Расмиятдан ишга ўтиш
Муддатига боқади.

Омийлиги тугатилган
Кекса гуруҳ ўрнига,

Янги бошдан саводсизлик
«Кадр»лари ўсмасин,
Ижтимоий бурроликнинг йўлини
Бепарволик,
Сансалорлик тўсмасин.

Бир қарангиз, нима сўрар
Шу боланинг кўзлари,
Бир бу эмас,
Шундайлардан мингларнинг сўзлари:
— Беринг,— дейди,— интернат,—
Беринг,— дейди,— фабзауч,
Биз тарқоқ куч,
Бизга эътибор, ҳурмат! —
дейди:
— Модомики,
Умумий мажбурий таълим —
Уқувга, ўрганишга
Биздан бошқа
Лойиқ ким?

(1930, 14 ноябрь)

НАВҚИРОН НАСЛИМИЗ СИНОВ ОЛДИДА

Ёзажак шеъримга бўлсин деб асос

Кечмишни ҳозирга айладим қиёс.

Сиз букун довюрак, қайнаган қон-ла,

Аъло баҳоларни кутасиз жон-ла,

Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,

Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Жаҳолат фикрни минг йил куттирди,

Сукротга фалсафа заҳар юттирди.

Улуғ Маркс, Лениннинг зўр фалсафаси

Навқирон наслимиз олган нафаси,—

Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,

Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Ҳамма халққа «Қонун», шахсига заҳар

Синони ўз асри қилди дарбадар.

Бизнинг ўлкамизда йўқолур офат,

Улимни энгишга сизлар кандидат,

Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,

Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Севимли Ҳамзамиз, Ҳозиқ-ла Турди

Халқимиз санъати учун бош берди.

Эртанинг, эй адиб ва шоирлари,

Кишилик руҳининг инженерлари,

Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,

Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Қора ерга яқинроқ келсин, деб, қуёш,

Улуғбек йўқотди кўкдай улуғ бош.

Сиз осмон илмини сувдай ичасиз,

Юлдуздан-юлдузга зумда кўчасиз.

Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,

Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Сиз билган фанларни қилмайман такрор,

Фақат салобатли бир ҳақиқат бор,

Отамиз Лениннинг ҳурмати учун,

Кўрсатинг навқирон наслимиз кучин!

Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,

Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Тошкент,

1941 йил, 18 май

СИЗНИКИ

Эҳ-ҳе... Умрингизда юзталаб ёз бор,
Ҳали қўл тегмаган гуллар сизники.
Шафақлар пойандоз: муттасил баҳор,
Ёзу куз бариси сизники, чунки:

Порлоқ келажакнинг ўзи сизники!
Аҳмад қилди гилосин олчага пайванд,
Али ўз найига ўймоқда ғаров;
Ҳаммангиз Ватан деб ўқиш, ишга банд,
Қилингангиз ўзи барига гаров,

Шулар ўзи сизсиз, бари сизники!
Кечалар термилиб кўкка қарайсиз,
Ранг-баранг юлдузлар учгандай бўлар..
Икки йил бурунги аълочи бир қиз
Юлдуздай учади ҳатто кечалар..

Уша сизсиз, бари сизники!
Оламнинг ўзи ҳам каттакон китоб,
Фалсафий умрлар унда бир поя..
Дам олинг; Чимёнми, майли, Арслонбоб,
Бошингизга арчалар ташларкан соя —

Билингки, шу Ватан бари сизники.
Биринчи сентябрь: поку тетик, соғ,
Аълочи фарзанддан севинар кўзим!
Сизга топширилди шу шаҳар, шу боғ,
Наркомпросга ҳам буюрган ўзим,

Бариси, бариси, бари сизники!
Эҳ-ҳе отангизнинг сочи оқариб,
Сизга осмондан тополди мақом,
Капитал оламин ўлдирдик қарийб,
Бумга гувоҳингиз дўст Ғафур Ғулом —
Ростгўй шоирингиз ўзи сизники!

(1941, июнь)

АВВАЛ ҲҶИ

Кеча ўнинчини аъло тугатдинг,
Қўлингда етуклик гувоҳномаси.
Ипак галстукка энди ижозат,
Йигитга муносиб йигит жомаси.

Овозинг дўриллар, демак, бу уйда
Иккита эркакнинг шарпаси ҳоқим...
Онани бўйгинангга тасаддуқ бўлиб,
Отани мақтанади: — Таянчим, кўрким.

Сезаман, оқшомлар мени ухлатиб,
Утёсов джазини тинглайсан секин,
Жавондан Мопассан томи йўқолса,
Билиб-билмасликка солишим мумкин.

Қўшнидан келарса жаранглаган сас,
Ҳушингни элитар ишқнинг ғаммози,
Тентагим, бу қизнинг кулгиси эмас,
Жонон пиёланинг янгроқ овози.

Сени ҳам домига тортмоқ бўлади
Севги деб аталган бу эски шева;
Ўзига — куёв деб номзод атади
Миллиард йигитлардан тул қолган бева.

Бироқ, вақт эртароқ, сабр қил, ўғлон,
«Шошган қиз ёлчимас эрга», деганлар...
Қалинга етгундек бисотинг ҳам йўқ,
Ҳумоюн овлайди шошмас мерганлар.

Улуғ беш йилликнинг қарзи елкангда,
Ҳали ўқилмаган мингларча китоб,
Ҳали институт минбарларидан
Ўнларча олимдан тинглайсан хитоб.

Фалсафа — Афлотун, илмлар — Сино,
Шеърлар Пушкинни қидирар сенда,
Отага ўғил бўл, яъни хўжа бўл
Қон-тер билан барпо бу сарзаминда.

Конлар — инженерни, тоғлар — Фарҳодни,
Устасин чақирар тонгги гудоклар,
Кеча ўнинчини тугатдинг... Бу оз,
Том Соёер қиссасин билган гўдаклар.

Шунчалар ўқийсан, бир эмас бир кун
Илмингга бу кунги доно қолур лол,
Онанг оқ сутини, отанг меҳнатин
Билимдон бошингга бағишлар ҳалол.

Беш йил — аср эмасдир, ғанимат фурсат —
Эндиги юз йиллик умрингга гаров,
Беш йиллаб шогирдлик умрин яшайди
Созга қўшилгунча най бўлиб гаров.

Дипломсиз умрни умр ҳам дема,
Озгина билганни — билмадим, деб бил.
Олим ўғил билан отинча келин,
Бир минг тўққиз юз эллингинчи йил —

Марҳамат! Бу уйнинг тўри сизники,
Тўйга келгувчилар мингдан кам эмас,
Биз учун ҳаваснинг умри қариган,
Қамишдан бел боғлаб хизмат қилсак бас.

Кўпчилик айтгандек: киши қариса
Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан,
Не қилай, мен ахир улуг наслимни
Комрон, бахтиёр кўрмоқ бўламан.

Ўғиллар толеин тилаб ҳамиша,
Отанинг билгани яхши дуодир,
Сиз қанча донороқ, голиб бўлсангиз,
Айни муддаомиз — шу муддаодир.

20. 10. 45.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

(10- синаф ўғил ва қизларига)

Мармар тусидаги пўлат сандуқда
Балогат муҳридек ялтираб кутар:
Ҳали қўл тегмаган, жарангли, вазмин,
Зарбдан янги чиққан олтин медаллар...

Классда шу доно кўзларга боқиб,
Чексиз қувонч ичра сураман хаёл...
Бу йигит, қизларнинг қанча-қанчасин
Кутиб турган экан порлоқ истиқбол?

Сизга қарсақларда чиниқди илгим,
Истиқбол сизники, барингизники.
Оламнинг эгаси сиз бўлмайин, ким?
Шундайин оламки, келмаган тенги.

Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир халқнинг
Минг йилни кўражак қароғларисиз.
Сизсиз ёримайди осмонда Зухра,
Замонлар тонгининг чароғларисиз.

Қўчқор бўлатурган қўзичоқларнинг
Манглайи туғилган чоғда дўнг бўлур.
Ғалаба асрининг ўсмирларисиз —
Шербачча қилиғи шердай чўнг бўлур.

Шунчалар билимдон сиёқингиз бор,
Минг ўйлаб, бир сўйлар ўқитувчи ҳам,
Уйда сиздан олдин бир масалани
«Биламан», дейишга қиладилар шарм.

Бебаҳо наслсиз, ҳаёт ва меҳнат
Олим қалбингизга сут билан кирган.
Сизнинг хамирингиз шу улуғ халққа,
Ватанга муҳаббат билан йўғрилган.

Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз,
Дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ.
Оталар «ўғлим», деб тўшини керса,
Қизи бор онага, куёвга лойиқ.

Бахтимиз чароғи қизлар, жононлар,
Ўшшасиз чаманда, кўргизинг жамол.
Ҳусннинг умри оз, аммо гўзаллик —
Илму маърифатда топади камол.

Йигитлар сараси сизга мунтазир,
«Уйқу жой танламас, муҳаббат чирой».
Донолик сурмаси билан қарангиз,
Нечоғлик равшандир бу гулшан сарой.

Бу гапга ҳали бор... Келаси баҳор
Етуклик паспорти қўлга теккан чоғ,
Учирма боласин кутган лочиндай
Қатор институт очади қучоғ.

Беш йил ҳадегунча ўтиб ҳам кетар,
Сўзингиз мамлакат хирожи бўлур.
Ватан ва давлатга оид кўп ишлар
Обрўли фикрингиз муҳтожи бўлур.

Кўк ўпган тоғларнинг муаммосини
Бирингиз геолог эрта қилур ҳал,
Бирингиз Амудан чўлга сув очиб,
Жаҳондай кўзгуга беражак сайқал.

Бирингиз шеърда камолга етиб,
Ишқу сўз мулкани қилурсиз обод;
Шунда ибтидоий бўлса ҳам гарчанд
Менинг ёзганимни қилажаксиз ёд.

Забардаст, бардошли, қунту ихлосли,
Азамат ўғиллар, отинча қизлар,
Сизларга ярашар шу олтин медаль,
Келажак уфқида сиздир — юлдузлар.

18. 11. 46.

СИЗГА

(Ўрта Осий Давлат Университети филология
факультетида ўтказилган кечада ўқилган).

Мажлисда муборак юзингиз кўриб,
Шоирнинг довдираб қолиши мумкин.
Қайсингиз Алишер, қайсингиз Пушкин,
Қайсингиз Нодира? Ломоносов ким?

Хато айтмоқдаман, доно авлодлар,
Бу мажлис эгаси сиз ўзингизсиз.
Эндиги оламнинг ҳар бир мушкули
Ҳал бўлмас мўътабар бир сўзингизсиз.

Сиз, ахир, осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин.
Ақлу балоғатнинг шотуларидан
Юксала берингиз секундлар сайин.

Бир варақ қорозга беш сўз ёзгунча,
Минг карра ўйлайман сизни, токи бу —
Сиздай доно бола, ўғил-қизларим,
Битта мўйсафидни қилмасин кулгу.

Сиз, ахир, қутлуғ уй эгаларисиз,
Сиз, ахир, гулханлар хўжаси ўтдек;
Сиз, ахир, гулшанлар яратолғувчи,
Найсон тонготари қутлуғ булутдек.

Ердаги барака қадамингиздан,
Азиз феълингиз-ла олам мунаввар.
Сиз, ахир, бизлардан эндиги минг йил,
Яна минг йилларга бергувчи хабар.

Кимки ўз кўзини сийлаш истаса —
Бизнинг авлодларга бир назар солсин.
Ўқиб, ўрганингиз, ижод қилингиз,
Ҳамма душманимиз беҳабар қолсин.

Сиздай ўғил-қизни улгайтган Ватан
Ҳамиша ободу ҳамиша дилшоод.

Бизнинг авлодларни туға олмаган
Ўзин танигандан буён одамзод.

Маърифат ярашган пешонангизда
Истиқбол бўсасин аниқ муҳри бор.
Ўз ота-оналар сиз шарпангизда
Гердаяр, ташаккур, яъни шукри бор.

(1948)

* * *

Кеча ўнинчини аъло тугатиб,
Мамлакат севинчи бўлган қизлар,
Бахтимиз, кўркимиз, келажакимиз,
Саодат юртининг эркаси сизлар.

Ватан ўз бағрида сизни ўстириб,
Ўзига тан бериб айтур муборак.
Ҳали йўлингизда имтиҳонлар кўп,
Бу — умр йўлида биринчи чорак.

Сиз эрта қайсидир институтнинг
Олий қонқасига қадам қўйган чоғ,
Бугунимиз сизга пойандоз бўлур,
Истиқбол манглайи ёруғ шабчироғ.

Сиз шону шарафни, оиламизни,
Юртнинг бойлигини яратувчисиз,
Коммунизм асрининг дурдоналари,
Ватаннинг донгини таратувчи қиз.

(1949)

ДИПЛОМ

Узоқ кечаларда юлдуз кўз билан
Олам китобини кезади зеҳн.
Гранит лавҳага ўйилган каби
Мияда чизиқлар секиндан-секин
Билим пармаси-ла бўлур чуқурроқ.

Жимжитлик.. Қитирлар баъзида қалам,
Оқ қороз юзида янги жимжима.
Ўн-ўн беш китобдан худди шуниси,
Худди шу бетдаги мана шу жумла
Студент кўзига ойдек ярқироқ.

Гўё шу жумлада жаҳонлар сири,
Шу сирни гўёки билар фақат у.
Жимжитлик... Бир ғурур ўртада гангир,
Келажак шу тобда келиб рўбарў
Кеча заҳматкашин қучар, эркалар.

Ўн-ўн беш китобни ёзган устодлар
Қўлтиқлаб олгандай ўз шогирдини,
Капалак сингари учишни чоғлаб,
Қанотин тузатиб, қоқиб гардини
Ўрнидан қўзғалур қатор эрталар..

Зачёт книжканинг қатор бешлари,
Унинг-чун кечаги босган зинадай,
Тайёрлаб папкага тушган ўн варақ
Ўн ойлик ёшдаги она сийнадай
Унинг улғайиши учун восита.

Нонушта чоғидир... Бироқ хаёли
Дўстлари, муаллим, аудитория
Кичкина олимнинг — кенг оламидир.
Отаси эшикни сал очиб қия:
— Ўғлим, чойингни ич,— деёлур аста.

Ноябрь, 1949

УЎИНГ, ЎИЗЛАР!

Даста-даста гуллар бўлсин нойандоз,
Шўх қизларим, жон қизларим, оппогим.
Кўча-кўйда жаранглайди минг овоз
Ўувончларга тўлиб кетди ҳар ёгим.

Бу овознинг эгаларин танийман —
Бизнинг шодлик кўчасининг қизлари.
Беш-беш, дейман, ўн-ўн, дейман, санайман,
Янглиштириб юборади кўзлари.

Икки қатим қизил ипак сингари,
Бир гунчани турлагунча ўтди ёз.
Нафасдан ҳам келар кузнинг асари
Ерда қизлар, кўкда маржон турна, ғоз.

Куз сулувдир, шарбат оқиб ётади,
Дала-шаҳар қай анордай мағзи тўқ.
Ифор ҳидга тўлиб тонглар отади,
Сидирға ранг, бундай сўлим мавсум йўқ.

Чаман-чаман қучоғини ланг очиб,
Она мактаб кутар болажонларин.
Сизни кўриб ўзи қайта ёшариб,
Аранг босар дилда ҳаяжонларин.

Букун байрам — биринчи сентябрдир,
Ёш юраклар каптар каби талпинар.
Ўизлар ўтар — тизим-тизим инжу-дур,
Ўёш тўкар бошларига мўл-мўл зар.

Ҳаммасининг гул-гул очган чиройи,
Ҳаммасининг қўлтиғида китоби.
Ҳаммасининг синфларда ўз жойи,
Ҳаммасининг ярқироқ офтоби.

Шу қизлардир эндиги ўн йилларнинг
Кўз қароғи, бўстонларда чароғи.
Етук, доно шу билимдон дилларга
Акс этмишдир коммунизм байроғи.

Уқинг, қизлар, эркам, онахонларим,
Даста-даста гуллар бўлсин пойандоз.
Кўнглимда бор орзу-армонларим
Сизнинг билан тугалланур, десам оз.

20 август, 1955 йил

ОРЗУ

Куни-кеча биринчи синфда эди,
Бармоқлар санардик: «Олти, етти», деб,
Бугун еттинчида... Орзу қистайди:
Эртани ўйлашнинг пайти етди, деб.

Катта келажакка бораверишда
Кичкина тилаклар зинаси керак,
Йигитлик умрининг тонготарида
Олдинга умтилиб кетялман зийрак.

Яна ўн йил ўтар, гўё ҳаводан
Ўвиллаб ўтгандек ўнта самолёт.
Минглаб кемаларга йўл кўрсатади
Кремль маёғи — парпираган ўт.

Еттинчи синфнинг ўқувчисиман,
Ўн тўртдан ўн бешга ошмоқда ёшим.
Умидлар атласин тўқувчисиман,
Йўлдошим — ниятим, ният — йўлдошим.

Ажойиб Ватаннинг ўғлиман ахир,
Эндиги юз йилни ҳал қилур ҳозир.
Бундаги мазмунча асрий минутлар
Билагон кучларга ҳардам мунтазир.

Йигитнинг қиймати ўлчанилади
Туққан Ватанининг салобати-ла.
Онага ўғиллар умрбод қарздор
Идроки, қудрати, балоғати-ла.

Ким бўлиб етишай — шу масалани
Худди шу дамдаёқ ҳал қилиш лозим.
Бриллиант қиррали турмушимизга
Ким керак ва жуда зарурроғи ким?

Отам: «Медик бўлсанг», дейдилар, аммо
Ўзим инженерлик қиламан орзу,
«Биз ҳам проблема», дегандай бўлур
Қизилқум чўллари, Амудаги сув.

Баъзан бир нафасга ором олади,
Эркин умидларнинг гўдак гунчаси.
Истак капалаги қанотин жуфтлаб,
Ватанни сайр этиш шавқ тушунчаси.

Гўзалим Ватаним, боғу бўстони,
Унгимда очилур каттакон китоб.
Қайнаган ҳаётга сингиб кетаман,
Қўйнига олгандек заррани офтоб.

Мўйсафид отамнинг умиди катта,
Мерос орзуларнинг фарзандиман-ку.
Инженер бўламан, дедим, албатта,
Покиза ниятлар тип-тиниқ кўзгу.

Искандар, Доролар фатҳ этолмаган
Беш минг йил тарихли, жангоҳли Тошкент,
Бир бутун мазмунинг ва салобатинг
Ёшгина жонимни сенга қилур банд.

Тошкент — пойтахтимиз, коммунизмнинг
Қатта Шарқ уфқида порлоқ чароғи,
Улуғ Москванинг туққан иниси,
Ўзбеклар шуҳрати, кўзин қароғи.

Шаҳарлар қурувчи инженер бўлиб,
Сени ер юзида шаҳаржон қилсам,
Дунёда инсондан азиз нарса йўқ,
Азиз инсонларга ошиён қилсам.

Тонгги гудокларнинг ўкиришида
Рабочий Тошкентнинг овози бордир,
Биздек йигитларда гурур-ла айтсак,
Энгган асрларнинг парвози бордир.

Ўн минглаб студент маърифат олган
САГУмиз илмнинг қуйма ҳайкали.
Бу ерда ақллар жиловланади,
Бу ерда зеҳннинг аниқ сайқали.

Ўн, ўн беш қаватли кунгай бинолар,
Қайроқдай ялтироқ асфальтли кўча.

Шу шеърим ёзилган қоғоздай равшан
Бу ерда кундуздай чарогон кеча.

Теварак-атрофда нуқул шеър ўқиб,
Санъатни кўрсатар радио навоси,
Қайда бор биздаги паркларнинг гашти,
Қайда бор Комсомол кўлнинг ҳавоси?

Тинмағур «Победа» машиналарнинг
Қувноқ суворийси, бу кунинг реал.
Қулоқ сол... Бир қизнинг хандон авжиги
Жўр овоз бўлмоқда жуда соз рояль.

Партия йўл чизган беш йилликларда
Халқимнинг қудрати қилур намоиш.
Мен қурган гигантлар қадру қийматда
Бир гишти олтиндан, бир гишти — кумуш.

(1949, ноябрь)

«БИР ВАТАННИНГ ЎҒЛИМАНКИ...»

Ғафур Ғулом... Бу ном йиллар ўтган сари халқимиз учун тобора буюк ва суюк бўлиб бормоқда. Ғафур Ғуломнинг гоҳ арслонворий гуркираган, гоҳ булбул хонишидек нозик янграган овози ҳали давраларимизда ҳам, қулоқларимизда ҳам жаранглаб турибди, ҳар кун, ҳар соатда қалбларимизда ҳаяжон қўзғамоқда. Бунинг боиси нимада, асоси қаерда? Бунинг боиси ва асоси энг аввало шундаки, у йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан 60-йилларнинг иккинчи ярмигача бўлган тарихий давр давомида ҳамиша ўз халқининг яқдил фарзанди бўлиб келди, ўз ватандошларининг ижтимоий ва интим кечинмаларини, фикру ўйларини, ҳис-туйғуларини, турли-туман воқеа-ҳодисаларга муносабатини юксак бадийлик билан, ғафурога улуғворлик ва содалик билан ҳаққоний ифодалаб берди.

Шоир лирик қаҳрамони 30-йиллардаёқ халқимизнинг дили ва тили бўлиб, қолхоз тузилиши («Кўкан»), Турксиб — темир йўли, Тошкент Текстилькомбинати каби иншоотларнинг қурилиши халқимиз ҳаёти ва тақдирида революцион ўзгаришлар ясаганлигини кўрсатди («Турксиб йўлларида», «Текстилькомбинат ва Миср эҳромлари») Шимолий қутб эгалланиши, самолётда Америка қитъасига қўнмасдан учинидаги совет кишилари кўрсатган қаҳрамонликларини олқишлаб («Совет қаҳрамонларига», «Кўк бўсағасида»), халқимизнинг чексиз гурурини шеърга солди. «Кўк бағрига калпа урган гигант элеваторларда миллион тонна арпа-бўғдой чоч» бўлиб ётишдан бениҳоя завқланди ва «Ҳей, биз «очлик» сўзин кўмдик лугат гўрига» дея ҳайқирди («Нон»), социалистик республикамизнинг фидокорона меҳнат асосида гуллаб-яшнаб, тобора обод бўлиб кетаётганидан қувнаб, «Бир ватаннинг ўғлиманки, ҳар тараф гул, лола, боғ» дея куйлади.

Ғафур Ғулом шунинг учун буюк ва суюкки, у Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқимиз руҳини, имони бақувватлигини, она-Ватан тупроғига садоқати, душманга нафрати чексизлигини, оғир йўқотишлар жараёнидаги мусибатларини, ҳаёт ва умр, оталик ва фарзандлик, боқийлик ва фанийлик, висол ва фироқ ҳақидаги допишмандона фикрларини, ҳаётний туйғуларини, мисли кўрилмаган бир бадийликда акс эттириб бера олди.

Бу кечинмалар ва туйгуларни меҳнаткаш, заҳматкаш, до-нишманд, инсонпарвар, халқпарвар бир отанинг қалбидан ўтка-зиб тасвирлади. Бу эса шеърларнинг ўзига хос кучли миллийлик, халқчиллик, фалсафийлик ва тарихийлик, улугворлик ва содда-лик касб этишга сабаб бўлди.

Бу отанинг ҳар бир иши, ҳар бир сўзи, ҳар бир кечинмаси, ҳар бир туйғуси, қалбининг буюклигидан далолат беради. У она Ватани ва халқининг мустақиллиги, дахлсизлиги, озодлиги учун курашда қатнашишни бахт деб билади. Шунинг учун ҳам ўғлига Ватани ва халқи тарихидаги жанговар воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилади, уни мардона ғурур билан фронтга жўнатади («Кузатиш»). Ўғлидан хат-хабар ололмаган пайтда эса уни соғиниб ўртанади, кўзида «ҳалқа-ҳалқа ёш» айланади, дилини васвасалар босади, лекин ўглининг ғолиб бўлиб қайтишига ишонч ҳисси унинг юзига умид табассумини югуртиради («Соғиниш»).

Бу ота етим қолган рус, белорус, украин гўдагининг белан-чаги тепасида яна ҳам улугворроқ ва мўътабарроқ бўлиб кўри-нади, етим гўдакни буюк бир инсоний меҳр билан юпатади, мил-лионлаб гўдакларнинг ота-онасиз қолишига сабабчи бўлган Гит-лерни, фашизми лаънат тамғасига парчинлайди («Сен етим эмассан»). Бу лаънатнома «Мен яҳудий» шеърда янада ғазаб-лироқ ва оташинроқ бўлиб жаранглайди. Шоир фашизмнинг ирқ-чилиқ назариясини кескин фош қилиб, социализмнинг интерна-ционализм байроғини баланд кўтаради.

Ғафур Ғулом яна шунинг учун буюк ва суюкки, у уруш тамом бўлиши билан янги даврнинг энг долзарб ғоясини ифода-лаб, ўзини ва ватандошларини урушда вайрон бўлган халқ хў-жалигини тиклашга сафарбар деб билди. «Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун қудратли қўл билан ҳайкал» қўйишга чақирди («Вақт»), яратувчи, бунёдкор ишчиларни, колхозчи-деҳқонларни улуғлади («Куз келди», «Бахт тонготари», «Еиринчи шеър»).

Ғафур Ғулом меҳнатнинг фаровонлик ва гўзаллик яратиш воситаси эканлигини жуда ёрқин образли мисраларда умумлаш-тириб, қалбимизда гўзаллик туйғуларини авжлантирди. «Ишқом-лар ёқути ақиқ хазина» бўлиб товланишини, «юз беш хил узум-лар осилган стан» гўзаллигини, «Саратонда луччак шафтоли Маргилон шаҳрига зийнат» саналишини, «Розмарин, бильфлёр, жоноқи, қандил олмалар», Наманганнинг «Ер қуррадек анори» боғларимизни жаннатга айлантирганлигини, «Исмалоқдан сомса билан коватаки ош» лаззатини, «Қирда лолалардан гилам тўша-либ, адирлар гул-камар билан қуршалган» пайтлардаги баҳор тароватини, хуллас меҳнат ва ҳаёт гўзаллигини кўз ўнгимизда

яққол жилвалантириб, она ерга муҳаббат ва садоқат ҳиссини алангалатди.

Ғафур Ғулом яна шунинг учун буюк ва суюкки, у ўтмишдаги моддий қашшоқлигимиз, очу муҳтожлигимизни кўрсатиш билан бирга халқимизнинг жаҳон маданияти тарихидаги буюк хизматлари ва салмоқли ўрнини ҳам жуда ёрқин тарихий фактлар воситасида умумлаштириб берди. У чет эллардаги айрим буржуа олимлари ёки давлат арбобларининг Совет халқини, хусусан Урта Осиё халқларини, жумладан ўзбек халқини камситиш, таққирлаш, тарихдаги ролини йўққа чиқариш йўлидаги урнишларига қақшатқич зарба берди. Англия умум палатасида сўзга чиқиб ўзбекларнинг мустақил миллат, қадимий халқ эканига шубҳа билдирган бир инглиз лордига зарба бериб, «Бизда логарифманинг мушкул муаммолари қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал, олий ирқ даъвогари Черчиллнинг боболари ҳатто санай олмасди ўн бармоқни мукамал» деган такрорланмас қуйма сатрларда уни фош қилиш Ғафур Ғуломга муяссар бўлди.

Ғафур Ғуломнинг буюклиги ва суюклиги яна шундаки, у халқимизнинг миллий ғурури билан бирга интернационалистик дўстлик туйғусини ҳам олий мақом мантиқий асослар билан ифодалади, ленинча халқлар дўстлигини ҳар қандай кучдан ҳам устун қўйиб тўлиб-тошиб куйлади. Кимки СССР халқлари дўстлигини улугламоқчи бўлса, катта давраларнинг баланд минбаридан туриб, Ғафур Ғулом мисраларини баралла айта олади:

Бу улуг оиланинг мустаҳкам асосида

Кишилар орзу қилган истиқбол ҳукмрондир.

Шу шериклик манфаат бирлаштирган бизнинг халқ

Бири-бирига қондош, бири-бирига жондир.

Ғафур Ғулом жаҳон халқларига нисбатан буюк интернационалистик туйғуларимизни ифодалашда ҳам доимо халқимизнинг овози бўлди. Шоир Корея ва Хитой, Ҳиндистон ва Афғонистон, Вьетнам ва Индонезия, Жазоир ва Ливаннинг озодлик, мустақиллик учун курашган ва курашаётган халқларига ҳаммаша ҳамнафас ва мадақкор бўлди. Улуг ҳинд халқининг инглиз мустамлакачилигига қарши олиб борган курашини қувватлар «Шарқнинг азамат филии залвордор хартуми-ла Тўймас, қари арслоннинг белини букажакдир» дея қатъий ҳукм қилди; Исроил агрессиясига қарши «Ливан омон бўлади», деб ҳайқирди. Жазоирлик исёнкор қиз Жамила қамоққа олинганида «Ҳасратингдан қон томиб, кўзларим кулфатдадир», «хол-хол таққан оёқлар бу кун кишан

билан банд» дея ўртанади, «Сен яшайсан, Жамила», дея Жазоир истиқболига ишонч билдиради. Афғонистонлик стюардесса қиз Моҳгулни олқишлар экан, афғон халқининг ва хотин-қизларининг озодликка эришиши муқаррар экани ҳақида шоирона ҳукмини аниқ баён этди.

Ғафур Ғулом тинчлик учун кураш олиб борувчиларнинг ха-миша олдинги сафида борганлиги ҳам шоиримизнинг буюк ва суюк бўлишида муҳим омил бўлди.

Шоир тинчлик ҳақидаги шеърларида «Кишилик бахтига Со-ветлар юрти темир бетонлардан метин қалқондай тинчлик қалъа-си» эканлигини кўрсатиб берди. Нозим Ҳикмат, Поль Робсон, Файз Аҳмад Файз каби тинчлик курашчиларини улуғлади. У урушқоқ, тажовузкор империалистлар тепасида сатира ўти билан сўнмас бир олов ёқдики, у абадий сўнмасдир. «Гитлер қабри ус-тида бўлганидек сизга ҳам иблис истеҳзо билан солажақдир қаҳ-қаҳа» ёки «Ҳароми ниятлар-ла кашф этилган бомбалар эритиб қўйилажак малъунларнинг комига» каби мисралардаги сатира ўти чиндан ҳам алаңгалидир, ўткирдир, куйдирувчидир.

* * *

Атиргул, лола, наргис, бўтақўз каби ўнлаб гулларнинг шакл-суратлари, рангу ҳиди — ҳар бири ўзинча гўзал. Лекин чаманда уларнинг ҳаммасидан бўлса яна гўзал.

Най навоси, гижжак ноласи, танбур садоси, дутор таронаси, доира зарби — ҳар бири ўзинча ёқимли ва гўзал. Лекин соз ва овозларнинг ҳар хилини бирлаштирувчи катта оркестр фақат ёқимлигина эмас, қудратли ҳам бўлади.

Ғафур Ғулом яна шунинг учун буюк ва суюкки, унинг шеъ-рияси барча гулларнинг рангу бўйини ўзида жамлаган сержило чамандир. Ғоят турли-туман созлар ва овозларни ўзида жамла-ган қудратли оркестрдир, инсон қалбининг ғоят турли-туман ҳо-латлардаги кечинмаларини ифодаловчи руҳий оламдир.

«Бу — биз тоғларни қул этган, бу — биз осмонни забт этган, бу — биз чўлларга гул эккан, бу — биз денгизда банд торган» каби фахриялар, «Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботир бўл, халқимнинг ҳурмати голиб бўл, зўр бўл» каби даъваткор панд-насиҳатлар, «Зўр карвон йўлида егим бўтадек интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш» каби ҳасратнасмалар, «Қишининг гулдуросин ку-тиб айғарма карнай овозига ишқибоз кардек» мисраларидагидек ҳажвиялар», «Лекин эндиги тарих аёвсиз папжаси-ла бу гебельс-ваччани ҳам жаҳаннамга парчиңлар» каби заҳархандалар, «Бил-мадим, бу дўстлар от қўядими пойгадан илғорлар қайтган маҳа-ли» каби мутойибалар, «Тақдирин қўл билан яратар одам, Ғо-

Йибдан келажак бахт бир афсона» каби фалсафий ақидалар, «Яша, инсониятнинг қуёши туққан замон» каби шиорлар, «Бўтакўздек тонг жамолин ишқивозиман, райҳон, кашнич ҳидларига тўймайман ҳануз» каби лирик кечинмалар, «Навони савти билан чалинг, Аҳмаджон ота» каби мурожаатлар, «Ўрик гулларини эмар болари», «Насрин япроғида титрайди шабнам» ёки «Ҳар битта шафтоли мисоли кулгу, шафақдай нимпушти, сарин, бегубор, суйганинг лабида реза тер каби унда титраб турар сабуҳий шабнам» каби табиат манзаралари ва натюрморт суратлар Ғ. Ғулом шеърларига гўзал нижулар ва нафис гуллардек сочилган бўлиб, бир-бирини тез-тез алмаштириб туради.

Ғафур Ғуломнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси сифатида адабиётимиз ва маданиятимиз равнақига оид муҳим проблемаларни кўтариб чиқиши ва ҳал қилиши, адабиётимиз тарихини ўрганишдаги хизматлари, ёш шоирларга устозлик ва мураббийлик қилиши, энг катта анжуманларда халқимиз номидан сўзлаши, улуғ ёзувчилар ва маданият арбоблари билан учрашиб, халқимиз тарихи ва истиқболи ҳақида доно гаплар айтиши — ҳуллас актив жамоатчилик фаолияти ҳам шоиримизнинг буюк ва суюк бўлишини таъминлаган омиллардандир.

Халқ учун буюк ва суюк бўлишдан ортиқ бахт йўқ, бундан ортиқ умрбоқийлик йўқ.

Ғафур Ғулом:

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир умрзоқ соқий,
Қуёшки фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий,—

деб ёзганида тамомила ҳақ эди!

НУРИДДИН ШУКУРОВ

**филология фанлари доктори, Ўзбекистон
ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби**

МУНДАРИЖА

«Жонимдан ширин кўрган болаларимга...» 5

I. ҚАРОҒЛАРИМ—ҚАРОҒЛАРИМ

Бахтли болалик

Феликс болалари	7
Авлодлар	8
Ўринбосарлар саломи	9
Улуғ акамга	10
Бахтли болалик	11
Азиз авлодларимизга	12
Сиз менинг ёшлигимсиз	14
Ленин набиралари	15
Дўстларни чақиринг чаманингизга	16
Бахтимсиз, хазинамсиз	18
Хондамир куйлайди	20
Дадам ва мен	21
Бобомиз бизни севган, биз ҳам уни севамиз	23
Янги замон сари	24
Бизнинг асримиз	25
Ильич авлодига	28
Қуёшнинг ёруғлиги барча халққа баробар	30
Совет халқининг байрами	32
Янги йил қўшиғи	34
Бизнинг боққа келинлар	36
Кичик дўстларга	37
Каптар учар, гоз учар	38
Улуғ кун байрами — тинчлик байрами	39
Май шеъри	40
Олға бос!	42
Улуғ байрам қўшиғи	43
Каптар учирдик	44
Бир гунча очилгунча	46
Менинг ўлкам	48
Менинг куйларим	50

Менинг қизил байроқчам	51
Бахт сизларга буюрсин	52
Бизнинг боғча	53
Оқ теракми, кўк терак	54
Бахтимиз қонуни	55
Читти гул	56
Буни топинг, қизларим	57
Бизнинг учар юлдуз	58
Менинг пионерим	59
Онажонимга	60
Ўйинчи қиз	61
Бизнинг уйда — уч қиз бор	62
Менинг Ватаним	63

Яша, дейман, ўғлим!

Холдоройнинг наказы	64
Байрам тонгида	68
Икки ёшлик	70
Ўрдак ва Турғун	71
Турсунали нега варракдан айниди?	73
Яша, дейман, ўғлим!	75
Билиб турибман	76
Байрам мактуби	77
Энди уруш бўлмайди	80

Билиб қўйки, сени Ватан кутади

Кўклам жамоли	82
Билиб қўйки, сени Ватан кутади	83
Ўқи	84
Тонготар қўшиғи	85
Биринчи дарс	86
Қуёшчалар шеъри	88
Бугуннинг шеъри	89
Имтиҳон	90
Аъло хотира	91
Бахтли болаларимга	92
Бу йил биринчи синфга кирадиган ўғил-қизларимга атаб ёзган шеърим	93

Чароғларим-қароғларим	95
Яна бир қутлуғ кун	96
Мен сўрай сиз жавоб беринг	98
Минутлар чақиради.	101
Қутлуғ тонг саломи	103
Меҳнат кўклами	104
Қиш	105

Ўйлашни ўрганамиз

Нортожининг курак тиши	106
Азизнинг дадаси нос чекишни ташлади	108
Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...	109
Ола бузоқ	115
Ўйлашни ўрганамиз	117
Кеккаймачоқ Собиржон	119
Аҳмаджон — фотограф	123
Чақчақлашайлик	124
Яна қизиқ ҳангома	126

II. КОММУНИЗМНИНГ ЙИГИТ НАСЛИГА

Ғолиблар байрами

Владимир Ильич Ленин	129
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак	131
Куз келди	133
Тошкент	136
Алишер	139
Поль Робсонга	142
Кузги кўчатлар	144
Бизнинг кексалар	146
Партияга минг раҳмат	148
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим	151
Бир саломнинг кучи	154
Ҳамма ердан сен гўзал	156

Қўмсаш

Қўмсаш	158
Комсомол	160
Ленин комсомоли	164
Манглайим келажак каби қуёшли	165
Қўкдам чақирғи	167
Марке набирасимиз	169
Қуёшдан салом	170
Ўзбекистон комсомолининг XV съездига табригим	171
Ленин қўйган от	173
Ленин авлоди қутлайди	174

Менинг келажгим бор

Стадион оқшоми	176
Кузаташ	178
Соғиниш	181
Йигитларга	184
Бизнинг қизлар	185
Гилам	186
Фарзандларга	187
Қизларга	189
Қизимга	190
Менинг келажгим бор	191
Коммунизмнинг йигит наслига	193
Теримчи қизларга	194
Менинг бир сатрим	196
Тошхон деган Ойқизларга	197
Сен саломат бўлсанг бас	199
Ипакчи қизларга май саломи	201
Уч қизу тўрт ўғлон	202
Истиқбол арафаси	204
Янги замон сари	206
Яшил кема суворийларига	208

Диплом

Таклиф қиламан	210
Навқирон наслимиз синов олдида	213
Сизники	214
Аввал ўқи	215
Олтин медаль	217
Сизга	219
«Кеча ўнинчини аъло тугатиб...»	221
Диплом	222
Ўқинг, қизлар	223
Орзу	225

«Бир Ватаннинг ўғлиманки...». Н. Ш у к у р о в 228

Ғулом, Ғафур.

Фарзандларимга: [Шеърлар.]
[Ўрта ва катта ёшдаги болалар
учун]. [Редкол.: С. Азимов ва
бошқ.].—Т.: Ёш гвардия, 1983.—
240 б.

Гулям Гафур. Детям: Стихи.

Для детей среднего и старшего возраста

ГАФУР ГУЛЯМ

Детям

Стихи

Редактор *Х. Даврон*

Рассом *А. Фуломов*

Расмлар редактори *Х. Раҳматуллаев*

Техник редактор *Г. Аҳмаджонова*

Корректор *М. Ортиқова*

ИБ № 1276

Теринга берилди 24. 12. 1982 й. Босишга рухсат этилди 5. 04. 1983 й. Формати 84×108¹/₃₂. 1-босма қоғозга «Школьная» гарнитурда юқори босма усулда босилди. Босма листи 7,5+0,25 вкл.+0,125 форз. Шағли босма листи 12,6+0,42 вкл.+0,21 форз. Наир листи 9,098+0,76 вкл.+0,189 форз. Тиражи 15 000. Буюртма № 60. Баҳоси 90 т. Шартнома № 87—82.

Ўзбекистон ИҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти,
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.

Рангли зарварақлар офсет босма фабрикасида босилди.

Р $\frac{70803-41}{356 (04) - 83}$ 134--83 4803010000